

АМЕРИКАГА ТАШРИФ



ВИЗИТ В АМЕРИКУ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



Ўзбекистон Республикаси — Урта Осиёнинг ўрта ва шимолий қисмида жойлашган давлат.

Майдони 448,9 минг квадрат километр.

Аҳолиси 24 миллион 900 минг киши (2000 йил).

Пойтахти Тошкент шаҳри.

Маъмурий тузилиши жиҳатидан 12 вилоят ва бир республикадан иборат. Вилоятлари: Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Қорақалпоғистон Республикаси.

Давлат тили — ўзбек тили.

Пул бирлиги — сўм (1994 йил 1 июлдан муомалага киритилган).

Миллий байрами: 1 сентябрь — Мустақиллик куни (1991 йил).

Ўзбекистон — суверен демократик республика. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституция амал қилади.

Давлат бошлиғи — Президент (1990 йил 24 мартдан Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов). Президент Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис.

Президент айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлиб, ижроия ҳокимиятини ҳам амалга оширади.

Сийосий партиялари: Ўзбекистон халқ демократик партияси (1991 йилда тузилган), Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси (1995), Ўзбекистон “Фидокорлар” миллий демократик партияси (2000), Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (1995), “Халқ бирлиги” ҳаракати (1995).

Ўзбекистон қасаба уюшмалари 1925 йилда тузилган.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан БМТ аъзоси.

АМЕРИКА ҚҰШМА ШТАТЛАРИ



Америка Құшма Штатлари — Шимолӣ Америкада жойлашган давлат.

Майдони 9 373 минг квадрат километр. Аҳолиси 281 миллион 421 минг 906 киши (2000 йил). Пойтахти Вашингтон шаҳри.

Маъмурий тузилиши жиҳатидан 50 штат ва 1 федерал округдан иборат. Штатлари: Айдахо, Айова, Алабама, Аляска, Аризона, Арканзас, Вайоминг, Вашингтон, Вермонт, Виржиния, Висконсин, Гавайи, Делавер, Жанубий Дакота, Жанубий Каролина, Жоржия, Иллинойс, Индиана, Калифорния, Конзас, Кентукки, Колорадо, Коннектикут, Луизиана, Массачусетс, Миннесота, Миссисипи, Миссури, Мичиган, Монтана, Мэн, Мэриленд, Небраска, Невада, Нью-Гемпшир, Нью-Жерси, Нью-Йорк, Нью-Мексико, Огайо, Оклахома, Орегон, Пенсильвания, Род-Айланд, Теннесси, Техас, Флорида, Шимолӣ Дакота, Шимолӣ Каролина, Фарбий Виржиния, Юта, Колумбия Федерал округи.

Расмий тил — инглиз тили.

Пул бирлиги — АҚШ доллари.

Миллий байрами: 4 июль — Мустақиллик куни (1776 йил).

АҚШ — федератив республика. 1787 йил 17 сентябрда қабул қилинган ва 1789 йил 4 мартдан кучга кирган Конституция амал қилади. У кейинчалик тузилмалар билан тўлдирилган.

Давлат бошлиғи — Президент (2001 йил 20 январдан Жорж Уолкер Буш). Президент ва вице-президент икки босқичли сайловда 4 йил муддатга сайланадилар. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали Конгресс бўлиб, у сенат ва вакиллар палатасидан иборат.

Ижроия ҳокимиятини президент амалга оширади.

Асосий сиёсий партиялари: Демократлар партияси (1828 йилда тузилган), Республикачилар партияси (1854).

Америка Меҳнат Федерацияси — ишлаб чиқариш касаба уюшмалари конгресси 1955 йилда ташкил этилган.

АҚШ 1945 йилдан БМТ аъзоси.




Биз бўлиб ўтган Америка — Ўзбекистон саммитини икки томонлама муносабатларимиз ривожланишида муҳим тарихий воқеа, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиши деб, баҳолаймиз. Таширф натижалари минтақавий ва глобал хавфсизликка нисбатан умумий хуруж ва таҳдидларга қарши биргаликда кураш борасида Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатларининг туб манфаатлари нақадар уйғунлигини очиқ-ойдин намоён этди. Таширф чоғида имзоланган Декларация ўзаро ишончга, кенг кўламли ва истиқболли тамойилларга таянадиган ҳақиқий стратегик шерикчиликка йўл очади.

**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Мы в Узбекистане рассматриваем состоявшийся американо-узбекский саммит как исторически значимое событие в развитии двусторонних отношений, качественно новый этап в сотрудничестве между нашими странами и народами. Результаты визита со всей очевидностью показали, что Узбекистан и США имеют фундаментальное совпадение интересов в совместной борьбе против общих угроз и вызовов региональной и глобальной безопасности. Подписанная Декларация открывает путь к действительно стратегическому партнерству, базирующемуся на взаимном доверии, многоплановости и устремленности в будущее.

**Ислам Каримов,
Президент Республики Узбекистан**



Айни пайтда биз асосий эътиборни террорчиликка ва уни қўллаб-қувватловчи кучларга қарши ҳамкорликда курашга қаратаётган бўлсак-да, мен, Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришимиз лозим, деган қатъий фикрдаман. Ўзбекистон демократия ҳамда мамлакат иқтисодий ва институтларини эркинлаштиришга қаратилган ислохотлар асосида суверенитети мустаҳкамланиб, қудрати ва фаровонлиги ошиб бораётган давлат сифатида ривожлангани сари, биз халқингиз учун улкан сиёсий ва иқтисодий эркинликларни таъминлаш мақсадида Сизни ҳар қадамда қўллаб-қувватлайвераимиз.

**Жорж Буш,
Америка Қўшма Штатлари Президенти**

В то время как наше внимание сконцентрировано на совместной борьбе против терроризма и режимов, поддерживающих террористов, я остаюсь приверженным делу развития долгосрочного партнерства с Узбекистаном. По мере развития Узбекистана как государства, чей суверенитет, мощь и благосостояние растут и укрепляются на основе демократии и реформ по либерализации экономики и институтов страны, мы будем поддерживать каждый Ваш шаг в деле обеспечения больших политических и экономических свобод для Вашего народа.

**Джордж Буш,
Президент Соединенных Штатов Америки**

АМЕРИКАГА ТАШРИФ



ВИЗИТ В АМЕРИКУ



4168

66.4 (5У)
А 58

ISBN 5640-3143-3

А $\frac{0804000000-70}{M351 (04) 2002}$ 2002

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2002 й.

АМЕРИКАГА ТАШРИФ



Муқаддима

Бугунги кунда Ўзбекистон—Америка муносабатлари икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ривожланиб бораётганидан, ўйлаймизки, кўпчилик ватандошларимиз яхши хабардор. Айниқса, Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил март ойида Америка Қўшма Штатларига қилган навбатдаги таширфи ана шу ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида олға ташланган ғоят муҳим қадам бўлганини нафақат икки мамлакат сиёсат намояндалари, балки бутун дунё жамоатчилиги эътироф этмоқда.

Албатта, давлатларимиз ўртасидаги бундай самарали ҳамкорликнинг қанчалик катта аҳамиятга эга экани тўғрисида ортиқча тўхталиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Чунки Америка Қўшма Штатларини ҳар бир юртдошимиз дунёдаги энг қудратли давлат, озодлик ва демократик қадриятлар тимсоли, замонавий тараққиёт етакчиси, уммон ортидаги сеҳрли ва жозибали диёр сифатида билади.

Айни пайтда, америкаликлар ҳам бизнинг юртимизни Шарқ цивилизациясининг қадимий бешиklarидан бири, бой тарихи, кўҳна ва бетакрор маданияти, боқий шаҳарлари, маънавияти теран, бағрикенг ва меҳмондўст халқи билан алоҳида ажралиб турадиган, Марказий Осиё минтақасида стратегик жиҳатдан ғоят муҳим ўринга эга бўлган мамлакат сифатида тасаввур қилади ва ўзларининг бу заминга бўлган қизиқиши, ҳурмат ва эътиромини ҳеч қачон яширмайди. Бу давлатнинг Ватанимиз мустақиллигини биринчилар қаторида тан олиб, юртимизда биринчи бўлиб ўз элчихонасини очгани ҳам бу фикрнинг амалий исботидир, десак хато бўлмайди.

Жуғрофий нуқтаи назардан орадаги масофа узоқ бўлишига, тарих тақозоси билан юз берган турли воқеалар, замон синовларига қарамай, асрлар мобайнида халқларимизнинг ўзаро мулоқотга, бир-бирини яқиндан билишга бўлган интилиши узлуксиз давом этиб келганини бугун америкаликлар ҳам, ўзбекистонликлар ҳам мамнуният билан қайд этади. Бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар гоҳ оддий одамлар, гоҳ илм-маъри-

фат намояндалари, гоҳ санъат, адабиёт ва спорт вакилларининг ўзаро учрашувлари шаклида, баъзида эса ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик тарзида мунтазам намоён бўлиб келгани диққатга сазовордир. Буларнинг барчаси эзгу ва олижаноб мақсадлар билан яшайдиган халқларнинг бир-бирига бўлган интилишига на ғоявий, на ҳарбий-сиёсий қарама-қаршиликлар тўсиқ бўла олмаслигини кўрсатади.

Буни собиқ шўро даврида ҳам америкалик кўплаб шоир ва адибларнинг қатор асарлари ўзбек тилига таржима қилингани, америка жаз муסיқасининг кириб келгани ва маданий ҳаётимиздан ўзига хос ўрин эгаллагани ҳам тасдиқлайди. Биз, айниқса, болалик йилларимизда Марк Твен, Фенимор Купер, Жек Лондон, Вашингтон Ирвинг, Эдгар По, Теодор Драйзер, Эрнест Хемингуэй сингари америкалик адибларнинг асарларини ўқиб, уммон ортидаги бу халқнинг очиқ қалби, ўзига хос феъл-атвори ва қарашлари, касб-ҳунар ва тараққиёт борасидаги билим ва тажрибалари билан танишганмиз, бутун жаҳон тан олган бу ижодкорларнинг қаҳрамонлари каби олис ва номаълум ўлкаларга саёҳат қилиш, ҳаёт қийинчиликлари, тақдир синовларини мардона енгиб яшашга қодир, мард ва жасур, меҳнаткаш инсонлар бўлиб етишишни орзу қилганмиз.

Ана шундай ёрқин ва беғубор тасаввурлар боис америкаликлар жаҳонгашта, доимо янгиликка, кашфиёт ва тараққиётга интиладиган, янги-янги ғоя ва ташаббусларга иштиёқи баланд бўлган серғайрат ва шижоатли одамлар сифатида хотирамизда ўрнашиб қолган.

Агар халқларимиз тарихига теранроқ назар солсак, уларнинг табиатида ўзаро муштарак жиҳатлар кўплигига ишонч ҳосил қиламиз. Тасаввур этинг, ҳозирги америкаликларнинг аجدодлари улуғ уммон ортидаги янги ерларни кашф этиш мақсадида бир замонлар Европадан — кўҳна цивилизация ва тараққиёт ўчоғидан бу олис ва нотаниш ўлкага келиб, бу диёрни ўзларига ватан қилган эди.

Улар бугунги кунда бу тупроқни дунёдаги ҳамма нарсадан ортиқ кўради, унинг манфаати, тақдири, келажаги йўлида жонларини ҳам аямайди. Бу юрт фуқаролари ирқи, дини ва миллатидан қатъи назар, “Мен — америкаликман!” деган ғурур туйғуси билан яшайди. Бундай туйғу, киндик қони тўкилган заминга фидоийлик, аждодлар руҳига садоқат, миллий анъана ва урф-одатларга ҳурмат бизнинг халқимизга ҳам хос фазилатдир.

Биз бугунги кунда гўзал ва сеҳрли Америка диёри ҳақида гапирар эканмиз, беихтиёр буюк мутафаккир аждодларимизнинг ўз ақл-заковати ва тафаккур қувватига таяниб, уммон ортида номаълум бир қитъа борлиги ҳақидаги фикрни биринчилардан бўлиб асослаб берганини эсга оламиз. Яъни, ўзбек халқининг буюк фарзанди, қомусий аллома Абу Райҳон Беруний бундан минг йиллар олдин Ернинг ғарбий тарафидаги уммон ортида қуруқлик мавжудлигини баён қилган эди. Унинг “Ҳиндистон” асаридаги қуйидаги фикрлар айнан ана шу ҳақиқатга ишора эканини мутахассислар аллақачон исботлаган:

“Ернинг тўртдан бир қисмида одамлар яшайди. Мана шу одамлар яшайдиган қуруқликни ғарб ва шарқ томондан Баҳри муҳит деб аталадиган уммон қуришаб туради. Юнон эли унинг ўз ерига ёндош қисмини ўқуёнус, яъни уммон, деб атайди. Бу уммон ушбу минтақа ҳамда унинг нариги томонида мавжудлиги эҳтимол тутиладиган қуруқлик ёки қитъани ғарб ва шарқ томондан ажратиб туради...”

Америкаликлар ҳам, худди бизнинг халқимиз каби, ўз ҳаётини бошқа халқлар тақдири билан муштарак ҳолда кўради. Агар америка халқи тарихига эътибор берсак, нафақат ўз юрти, балки дунёда бўлаётган воқеалар, бирор-бир мамлакат ёки элнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари камситилиши уни асло бепарво қолдирмаганини кўрамиз. Бу фазилат етмиш йилдан зиёд вақт мобайнида темир қафас ортида яшаган даврда бизнинг халқимизга нисбатан ҳам намоён бўлганини кўпчилик юртдошларимиз яхши билади.

Шу ўринда бир мисол келтириш жоиздир. Маълумки, 80-йилларнинг иккинчи ярмида АҚШ ва СССР давлатлари ўртасидаги муносабатлар бир оз илиқлаша бошлаган эди. Ўшанда АҚШ Президенти Рональд Рейган биринчи марта Москвага ташриф буюради. Юқори мартабали меҳмон ўз ташрифи доирасида Москва давлат университетида маъруза ўқиши лозим эди. Ана шу маъруза пайтида қизиқ ҳолат юз беради. Шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқининг маданий меросини, унинг дунё тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасини яхши биладиган ва беҳад қадрлайдиган Америка Президенти кутилмаганда “Сизларнинг ватандошингиз Алишер Навоий таъкидлаганидек”, дея улуғ бобомизнинг ибратли фикрларидан бирини мисол келтиради. Албатта, бундай бўлишини ҳеч ким, айниқса, шўро давлатининг сиёсат ва мафкура раҳбарлари хаёлига ҳам келтирмаган эди. Шу боис ҳам АҚШ Президенти-

нинг бундай олий мақом маросимда дабдурустан Алишер Навоий номини тилга олгани Москвада ўтирган ана шу арбобларга нафақат ғалати, ҳатто эриш туюлган бўлиши табиий, албатта. Негаки, айна ўша пайтда марказдан туриб ўзбек халқига қарши навбатдаги қатағон сиёсати олиб борилаётган, “ўзбеклар иши” деган сохта ном остида бошланган тазйиқлар, қамаш ва жазолашлар авжига чиққан эди. Халқимиз маънавий қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезиб турган ана шундай бир пайтда Америка Президентининг шу тариқа жўмардлик кўрсатгани ҳеч қачон эсимиздан чиқмайди.

Шу маънода, халқимизнинг мустақиллик йўлидаги орзу-интилишларини нафақат Америка давлати раҳбарлари, балки жамиятнинг кенг қатламларини бирлаштирадиган зиёлилар ҳам доимо қўллаб-қувватлаб келган. Масалан, миллий маданиятимиз тарихида алоҳида бир даврни ташкил этадиган, шўро замонида ўрганиш мутлақо тақиқлаб қўйилган маърифатпарвар жадиidler ҳаракати, уларнинг етук намояндалари ҳақида АҚШда ўша пайтлари салмоқли тадқиқотлар олиб борилган, рисола ва китоблар чоп этилган. Бу борада айниқса профессор Эдвард Олвортнинг илмий ишлари эътиборга лойиқ. Унинг “Ҳозирги ўзбеклар” китоби, жадид адабиёти намуналаридан қилган таржима-лари ва ана шу асарлар ҳақидаги адабий-бадиий қарашлари Америка жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотган.

Миллатимизнинг энг муҳим белгиси бўлган она тилимизни ўрганиш, тарғиб этиш борасида ҳам Америка мамлакатаида бир талай хайрли ишлар қилингани бизни қувонтиради. Бу борада кейинги эллик йил мобайнида АҚШда Ч.Бижер, Н.Поппе, А.Раун каби олимларнинг ўзбек тилини ўрганиш бўйича дарслик ва қўлланмалари нашр этилганини таъкидлаш жоиз. Айниқса миллий маданиятимизнинг жонкуяр тарғиботчиси бўлган профессор Илзахоним Сиртаутас неча йиллардан буён ўзбек тили бўйича илмий изланишлар олиб боради. Уни нафақат америкаликлар ўртасида, балки дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам тарғиб этади. Хусусан, олима ўзбек халқ эртакларини ва ўзбек адабиёти намуналарини тўплаб чоп эттирди. Бундан ташқари, Сиэтл шаҳридаги Вашингтон университетиде ҳар йили ташкил этиладиган Ёзги дастур доирасида ўзбек тилини америкалик ёшларга ўргатиб келади.

Бизнинг миллий қадриятларимизга самимий қизиқиш икки халқ вакилларининг тез тил топишиб кетишига сабаб бўлади. Масалан, 1932 йилда америкалик таниқли шоир Ленгстон Хьюз Тошкентга келиб, атоқли ўзбек шоири Фафур Фулом билан танишади, самимий суҳбатлашади. Содда ва дилкаш ўзбек шоири унга маъқул бўлади. Хьюзнинг очиқ кўнгиллиги ҳам Фафур Фуломни мафтун этади. Шу тариқа икки ижодкор ўртасида дўстлик туйғуси пайдо бўлади. Фафур Фулом америкалик дўстининг “Ижодга ундов” шеърини ўзбекчага маҳорат билан таржима қилади. Кейинроқ эса, Америка халқининг озодлик ва тенгликка интилиш туйғуларини ифода этиб, “Поль Робсонга” номли машҳур шеърини ёзади.

Америкаликлар ҳам ўзбек халқи сингари оилани муқаддас, деб билади. Шунинг учун улар бошқа миллатларнинг бу борадаги ҳаётига катта қизиқиш билан қарайди. Буни атоқли ёзувчимиз Саид Аҳмад қаламига мансуб машҳур “Келинлар қўзғолони” спектаклининг Америкада намойиш этилгани ва томошабинларда яхши таассурот қолдиргани ҳам тасдиқлайди.

Мумтоз ва замонавий ўзбек мусиқаси, кино ва рақс санъатига Америкада бўлган катта қизиқишни кўрсатувчи бундай воқеаларни кўйлаб эслашимиз мумкин.

Яна бир мисолга эътибор берайлик. 1997 йили АҚШ собиқ Президентининг рафиқаси, таниқли сиёсат ва жамоат арбоби Хиллари Клинтон хоним мамлакатимизга ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган ўзгаришлар, халқимизнинг ўзига хос ҳаёти, ёшларимизнинг дунёқараши, қадимий шаҳарларимиз билан батафсил танишади.

Мазкур ташриф арафасида Клинтон хонимнинг “Бир болага етти маҳалла ота-она” номли китоби ўзбек тилида чоп этилган эди. Ушбу китобнинг номланиши, маъно-мазмуну ҳам бизнинг турмуш тарзимиз, ҳаётий қарашларимиз қанчалик яқин эканини яққол кўрсатади.

Ёки бокс бўйича таниқли мураббий, америкалик Сидней Жаксон тақдирини эслайлик. Унинг Ўзбекистонга келиб, бу ерда муқим яшаб қолиши ва миллий бокс мактабига асос солиши шунчаки бир тасодифми ёки бунинг замирида бирон-бир қонуният яширинми — бир нарса дейиш қийин. Аммо шуниси аниқки, бу ажойиб спортчи 1914 йилда Англия орқали дастлаб Москвага келади. Кутилмаганда Биринчи жаҳон уруши бошланиб, Европа ўт ичида қолиб, ёш америкалик юртига қай-

тишининг иложини тополмайди. Кейин шарқ мамлакатлари орқали кетишни ўйлаб, Тошкентга йўл олади.

Бу орада Россияда инқилоб бошланиб, Туркистондаги аҳвол ҳам чигаллашади. Жаксон шу тариқа Ўзбекистон заминиди қолиб кетади, шу ерда оила қуриб, фарзандли бўлиб, ўз бахтини топади. Энг муҳими, ўзининг севимли машғулоти — спорт соҳасидаги фаолиятини тренер-мураббий сифатида давом эттиради. У 1921 йили юртимизда “Фортуна” деб номланган биринчи спорт жамиятига асос солади. Унда спортнинг сузиш, теннис, бокс ва енгил атлетика каби турларидан сабоқ беради. 1926 йилда эса мамлакатимизда илк бор ўтказилган замонавий спорт мусобақаларини ташкил этади.

Айниқса, Жаксоннинг ўзбек бокс мактабини шакллантириш борасидаги хизматларини юртдошларимиз ҳеч қачон унутмайди. У 1935 йили пионерлар саройи қошида бокс тўғарагини ташкил этади. Бу тўғарақда қатнашган болалар кейинчалик Ўзбекистон бокс мактабининг фахрига айланади. Мамлакатимиз боксчилари орасида биринчи бўлиб жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган Руфат Рисқиевнинг устози Борис Гранаткин ҳам ана шу тўғарақда спорт сирларини ўрганган эди. Мустақилликка эришганимиздан кейин ўзбек бокс мактабининг шуҳрати бутун дунёга ёйилди. Ёшларимиз орасидан М.Абдуллаев, А.Григорян, Р.Чагаев, Ҳ.Ҳайдаров каби бокс бўйича Осиё, жаҳон ва олимпия чемпионлари етишиб чиқди. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг аксарияти бугунги кунда АҚШ рингларида, америкалик мураббийлар раҳбарлигида ўз маҳоратини оширмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, боксчилик борасида Сидней Жаксон бошлаб берган анъаналар бугун янада такомиллашиб, америкалик мутахассислар эътиборини тортмоқда. Биз бугун боксчиларимизнинг ҳар бир ғалабасини юксак ғурур ва ифтихор билан қарши олар эканмиз, беихтиёр ўша суронли йилларда океан ортидан юртимизга келган фидойи инсон — Сидней Жаксоннинг номини ҳам чуқур миннатдорлик билан эслаймиз.

Маълумки, XX аср бошларида тарих саҳнасига чиққан маърифатпарвар жадид боболаримиз юртимиз болаларининг Америкага бориб ўқишини орзу қилиб, шу мақсадга даъват этиб асарлар битган, хайрия ва кўмак жамиятлари ташкил этган эди. Бу орзулар фақат мустақилликка эришганимиздан кейингина рўёбга чиқди. Бугунги кунда юзлаб фарзандларимиз Германия, Франция, Буюк Британия, Япония каби

тараққий топган давлатлар билан бирга АҚШнинг энг нуфузли университетларида таълим олмоқда, ўзбек ёшларининг дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигини намоён этмоқда.

Коинотни ўзлаштириш билан машғул америкалик етакчи олимларнинг Ўзбекистон Миллий университети докторанти Дилмурод Азимов билан илмий ҳамкорлиги бунга далил бўла олади. Техас университети-га илмий малака олиш учун келган ёш ўзбек олими космик аппаратлар траекториялари учун энг қулай ҳаракат йўлларини ҳисоблашга оид ишлари ҳақида бу ерлик мутахассисларга сўзлаб берганда, унинг тадқиқотлари аввал қўллаб келинган усуллардан самаралироқ эканлигига амин бўлган АҚШ мутахассислари Д.Азимовни НАСАнинг Ер-Марс-Ер йўналишидаги парвозларни лойиҳалаштириш гуруҳига таклиф этишиди.

Қўлга киритилган истиқлолимиз туфайли биз ҳам ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил бормоқдамиз. Бундай олий мақсадга эришишида Америка Қўшма Штатлари ҳукумати, бу мамлакатда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар, турли жамғармалар бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Билвосита уларнинг қўллаб-қувватлаши ва кўмаги асосида ўтказилаётган илмий-амалий семинар ва анжуманларда жамият ҳаётини демократлаштириш борасида фикр алмашилмоқда, бу борадаги мавжуд тажрибалар ўрганилмоқда.

Биз юқорида кўпроқ тарихимиз, халқларимиз тақдиридаги муштарак нуқталар ҳақида фикр юритдик. Аслида ҳар икки мамлакат табиати — нурвиқор тоғлар, кенг воҳалар, хушманзара шаҳар ва қишлоқлар, водийларни кесиб ўтувчи дарёлар ҳам — барча-барчаси бир қарашда ўзаро ўхшаб кетади. Лекин энг муҳим ўхшашлик — бу ерларимизнинг серқуёш ва саховатли эканидир. Ким билади дейсиз, эҳтимол шунинг учун ўзбек замини ҳам, америка замини ҳам пахтачилик учун қулайдир.

Дарвоқе, бизнинг пахтачилик соҳасидаги алоқаларимизнинг ўзи бутун бир саҳифани ташкил этади. Бу соҳада ҳар икки томон ҳам бир-биридан ўрганишга, ўзаро тажриба алмашишга интилиб келган. Хусусан, XX аср бошларида юртимизда “амиркони пахта” ҳам пайдо бўлгани бежиз эмас. Бу ўша пайтлардаёқ икки юрт вакиллари ўртасида пахтачилик борасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганини кўрсатади. Бу алоқалар большевиклар томонидан амалга оширилган инқилоб на-

тижасида вужудга келган икки тизим ўртасидаги ғоявий қарама-қаршиликлар туфайли тўла ривожланмаган бўлса-да, ҳар қалай тўхтаб қолмади. Хусусан, Американинг “Жон Дир” ва “Интернэшнл Харвестер” компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган пахта ва ерёнғоқ экиш сеякалари, пахта ва кўрак териш машиналари 1973-1985 йиллар мобайнида айнан бизнинг заминимизда синовдан ўтказилгани ва кейинчалик шу ерда олинган хулосалар асосида такомиллаштирилгани қадимий деҳқончилик маданиятимизга, пахтачилик борасидаги билим ва тажрибамизга бўлган ишонч ва ҳурмат ифодаси эди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг қишлоқ хўжалигидаги ҳамкорлик бўйича катта имкониятлар очилди. Аввало, мамлакатимизда пахтачилик ишларини молиялаштириш масаласига эътибор қаратилди. Шунинг натижасида 1995 йилда Америка ҳукуматининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси ва Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида юртимизда пахтачиликни такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида қарийб 85 миллион АҚШ доллари миқдоридagi заём битими имзоланди. Мазкур лойиҳа асосан пахтачилик соҳасида, хусусан, уруғчиликни яхшилаш, толани сертификациялаш, сув сарфини камайтириш, ғўзани турли касалликлардан ҳимоялаш каби масалалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уларни амалга оширишни назарда тутар эди.

Ана шу лойиҳа бўйича америкалик бир гуруҳ олимлар мамлакатимизда пахтачиликни ривожлантириш борасида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар билан яқиндан танишди. Айниқса, улар бизда экилаётган пахта навларининг эртапишарлиги, ғўзани биологик усулларда ҳимоялаш бўйича орттирилган тажрибаларга юқори баҳо беришди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси “КОХРАН стипендияси” дастури бўйича 1995 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келаётгани ҳам кейинги йилларда бу борадаги имкониятларнинг кенгаётганини кўрсатади. Вазирликнинг 30 га яқин ходими мазкур дастур бўйича АҚШда бўлиб, ўз билим ва малакасини оширди.

АҚШнинг “Кейс” фирмаси билан ўрнатилган мустаҳкам алоқалар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Икки мамлакат вакиллари томонидан Тошкент шаҳрида “ЎзКейстрактор” ва “ЎзКейсмаш” қўшма корхоналари ташкил этилди. Ҳозир уларнинг цехларида замонавий ҳайдов

тракторлари ва терим машиналари ишлаб чиқарилиб, хўжаликларга, деҳқон ва фермерларга сотилмоқда.

Шаҳарларимиз, ўқув юртларимиз ўртасидаги яқин алоқалар ҳам бизнинг муносабатларимиз олис истиқболни кўзлаб давом эттириляётганини кўрсатади. Хусусан, 1972 йилда Тошкент ва Сиэтл шаҳарларининг ўзаро биродарлашгани, 1987 йилда Тошкент ва Вашингтон университетлари ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзолангани бунинг амалий тасдиғи бўла олади. Аммо ўша пайтларда бизнинг ўз ихтиёримиз ўзимизда бўлмагани, ҳар бир ишни собиқ марказдан рухсат олиб амалга оширишга мажбур бўлганимиз тўғрисида буларнинг барчаси ҳам тўлақонли ҳамкорлик талабларига жавоб бера олмас эди.

Бундай орзуларни амалга ошириш имкони фақат мустақилликни қўлга киритганимиздан кейингина вужудга келди. Аввало, истиқлолдан сўнг жаҳоннинг энг қудратли давлати бўлган бу мамлакат билан расмий муносабатларимизга асос солинди, ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Маълумки, АҚШнинг минтақамиздаги мамлакатларга доир стратегияси мустақиллик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, демократияни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тараққиёт ва ўзаро ҳамкорликка кўмаклашишда намоён бўлмоқда. Ўн йил мобайнида АҚШ ҳукумати турли ёрдам дастурлари доирасида Ўзбекистонга 400 миллион доллардан кўпроқ маблағ ажратди. Бу дастурлар рўйхатида ижтимоий-иқтисодий дастурлар билан бирга чегараларимизни техник жиҳатдан жиҳозлашни яхшилашга кўмаклашиш ҳамда террорчиликка қарши курашни кучайтиришга оид дастурлар ҳам бор.

Мамлакатларимиз ҳаётида рўй берган кейинги воқеалар бизнинг нафақат тарихий интилишларимиз, балки бугунги тақдиримиз ҳам муштарак эканини кўрсатади. Айниқса, 2001 йилнинг 11 сентябрида Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида содир этилган қабих террорчилик ҳаракатлари, дунёдаги кўп халқлар қатори, Ўзбекистон халқининг ҳам қаҳру ғазабини қўзғайди. Терроризм балосидан жабр кўрган бу икки мамлакат халқлари бир-бирига яна ҳам яқин бўлиб қолдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам, АҚШ ҳам дунё мамлакатлари ичида бу ёвуз офатга қарши курашда энг кўп қатъият кўрсатаётган мамлакатлар қаторига киришини эндиликда ҳеч ким инкор этолмайди.

Мухтасар қилиб айтганда, гарчи мамлакатларимиз жуғрофия нуқтаи назаридан бошқа-бошқа қитъаларда жойлашган бўлса-да, бизнинг

кўнгилларимиз жуда яқин. Буни юқорида тилга олинган далиллар ҳам исботлаб турибди. Истиқлол йилларида айнан ана шу муштараклик асосида Ўзбекистон — Америка муносабатлари бутун бир тарихий йўлни босиб ўтди.

Айниқса, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ушбу мамлакатга қилган 2002 йил март ойидаги навбатдаги ташрифидан кейин бу борада янги ва катта имкониятлар очилди. АҚШ том маънода бизнинг стратегик ҳамкоримизга айланди. Шу боис бу ҳамкорлик алоқаларининг тарихи ва тадрижи, ривожланиш босқичлари, ижтимоий-сиёсий кўлами, тарихий аҳамияти ҳақида батафсил ҳикоя қилиш табиий бир заруратга айланди. Мазкур китоб ана шу заруратни инobatга олган ҳолда тайёрланди.

Шунингдек, китобдан Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир муҳим ҳужжатлар, нуқтаи назар ва қарашлар баён этилган мақолалар ҳам ўрин олган.

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихи, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва АҚШ Президенти Жорж Бушнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлик, айниқса, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ўрнатилган стратегик ҳамкорликнинг аҳамияти тўғрисидаги фикрлари шулар жумласидандир. Шунинг учун китобга АҚШ сафариди Президентга ҳамроҳлик қилган расмий кишилар, маданиятимиз намояндalари ва журналистларнинг мақолалари ҳам киритилди. Айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2001 йил 5 октябрдаги тарихий баёноти, нуфузли газета ва журналлар муҳаррирлари ҳамда журналистларга берган интервьюлари, иқтисодий, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари китобхонларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчасини китобнинг бош ғояси бўлмиш Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг янги босқичини бошлаб берган тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойидаги АҚШга расмий ташрифи ва унинг амалий яқунлари бирлаштириб туради.

Шу нуқтаи назардан китобнинг “Америкага ташриф” деб аталишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Бу, аввало, Президентимизнинг Америка Қўшма Штатларига қилган расмий ташрифининг ўзаро муносабатларимиздаги ғоят улкан аҳамиятини акс эттиради, шу билан бирга, мазкур китоб воситасида ўқувчи ҳам беихтиёр Америка диёрига ташриф буюргандек, олис ва гўзал бу ўлкани ўзи учун янгитдан кашф этаётгандек бўлади, деб умид қиламиз.

**АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ
ЖОРЖ УОЛКЕР БУШ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари,

Кўп минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган ғайриинсоний террористик акциялар Ўзбекистон халқини қаттиқ ғазаблантирди ва қалбларни чуқур ларзага солди.

Американинг барча халқига, Сизга, жаноб Президент, ваҳшиёна террорлик ҳаракати оқибатида қурбон бўлганларнинг оиласига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламиз. Сизнинг мамлакатингиз учун оғир бўлган ушбу дамларда ҳалок бўлганларнинг хотираси олдида бош эгиб, Сиз ўз чиқишингизда қайд этганингиздек, Америка халқи “Бу синовдан ҳам ўта олишига” биз комил ишонч изҳор этамиз.

Биз террористларнинг ваҳшиёна қилмишини қатъиян қоралаймиз ва айбдорларнинг топилиши ҳамда жазога тортилишига аминмиз.

Ушбу фожиали дамларда бу даҳшатли ёвузлик — терроризмга қарши курашда бизнинг куч-ғайратларимизни бирлаштириш муҳимлигини қайта ва қайта англаётимиз. Ўзбекистон, муҳтарам Президент, бу умумий хавф-хатар билан курашишда Қўшма Штатлар билан бундан кейин ҳам фаол ҳамкорлик қилишда ўзининг қатъийлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Самимий ҳурмат билан,

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.*

2001 йил 12 сентябрь, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ БАЁНОТИ

Шу йил 11 сентябрь куни Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида минтақамизда кескин вазият вужудга келди. Шу муносабат билан кейинги вақтда террорчи тўдалар уя қуриб олган Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеалар тўғрисида оммавий ахборот воситаларида турли хабарлар берилмоқда.

Уларда асосли маълумотлар билан бир қаторда жуда кўп уйдирмалар, ўйлаб чиқарилган сохта гаплар, бирёқлама қарашлар ҳам кўзга ташланмоқда. Бунга, аввало, ҳар қайси давлат, ҳар қайси сиёсий кучнинг ахборот майдонида ўз манфаатини кўзлаб ҳаракат қилаётгани сабаб бўлмоқда.

Агар бу борада Россия телевидениеси ва оммавий ахборот воситалари тарқатаётган хабарларга қулоқ соладиган бўлсак, Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари ва ғарб давлатларининг қуролли кучларига ўз ҳудудидан жой берди, эртага бу ҳарбий қисмлар ана шу базалардан ҳаракат бошлаб, Афғонистонга ҳужум қилади, деган гапларни эшитишимиз мумкин.

Куни кеча баъзи хорижий ахборот воситаларида Америка Қўшма Штатларининг тоғли ҳудудларда жанг қиладиган 10-ўқчи дивизияси қисмлари Ўзбекистон ҳудудига жойлаштирилди ва уларнинг асосий мақсади Афғонистонга бостириб кириш, деган хабарлар тарқатилди. Ҳатто айрим оммавий ахборот воситалари компьютерлар ёрдамида ишланган суратларни намойиш этиб, уларни гўёки Ўзбекистоннинг аэродромлари, деб кўрсатишга уринишмоқда.

Айниқса, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Дональд Рамсфельднинг Ўзбекистонга келиши муносабати билан хорижий матбуот воситаларида бир қанча тахминлар ва ғаразли уйдирмалар пайдо бўлди.

Тарқатилаётган аксарият хабарларда, кўпинча бўҳтонлардан иборат бўлган ахборот ва тахминларда, Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазирининг Миср, Уммон ва Саудия Қироллиги қаторида Ўзбекистонга ҳам ташриф буюришини худдики бизнинг орамизда пинҳона тузилаётган қандайдир шартномаларнинг далили, деб кўрсатишга уринмоқдалар.

Америка Қўшма Штатлари Президенти ва Буюк Британия Бош вазирининг Ўзбекистон Президенти билан телефон орқали бўлган мулоқотлари мана шу маъно-мазмунда талқин қилинаётгани ҳам бунинг исботидир.

Савол туғилади: бундай информацион хуруж ва уйдирмаларни тарқатишдан кўзда тутилган мақсад нима?


Биринчидан, бу ҳолни бизни кўролмайдиган, мустақил сиёсатимизни, ўзимизни ўз кучимиз билан ҳимоя қилиш йўлидаги ҳаракатларимизни қабул қила олмайдиган, ҳанузгача бизга эскича кўз билан қараётган, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда обрўси ортиб бораётганини кўриб кайфияти бузилаётган кучларнинг ғаразли интилиши, деб баҳолаш керак.

Иккинчидан, бундай информацион хуруж замирида мана шу минтақада жойлашган давлатларнинг орасини бузиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва ўзаро ишончини йўқотиш мақсадида қилинаётган игвогарлик ҳаракатларининг намоёишини кўриш мумкин.

Энг ёмони, бу уйдирмалардан кўзланган пинҳоний мақсад – минтақамизда яшаётган турли миллат ва динга мансуб одамларни саросимага солиш, уларнинг юрагида ғулғула ва ваҳима туғдириш, эртанги кунга бўлган ишончини йўқотишдан иборат.

Ҳақиқатан ҳам, одам ҳар куни мана шундай уйдирмаларни эшитаверса, беихтиёр хавотир ва ташвишга тушиши, ўзига ўзи тинчлигимиз, болаларимизнинг эртанги тақдири нима бўлади, деб савол бериши, безовта бўлиши – бу ҳам табиий бир ҳол.

Ачинарлиси шундаки, бизнинг матбуот ва телевидениеда бу масала бўйича халқимизга ўз вақтида зарур ахборот ва тушунтиришлар берилмади.



маяпти, оқибатда жамоатчилигимиз хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган маълумотларнинг ҳақиқий ёки сохталигини ажратишга қийналмоқда.

Матбуотимиз бундай мураккаб ҳолатларда ҳали тажрибаси етишмаслигини кўрсатмоқда.

Учинчидан, бу информацион хуруж ташкилотчилари хоҳлайдими, йўқми, аввало, ўзининг мафкуравий ва худбинлик манфаатларини кўзлаб, терроризмга, XXI аср вабоси бўлмиш бу бало-қазога қарши кураш йўлида бирлашаётган кучларни, одамларни йўлдан оғдириш, уларнинг орасига нифоқ солиш, бир-бирига нисбатан шубҳа туғдиришга уринмоқда.

Тўртинчидан, бугун яна шу нарса аён бўлмоқдаки, баъзи бир давлатлар ва сиёсий кучлар террорчи гуруҳларга, умуман терроризмга қарши курашиш ҳаракатига қўшилиш ҳақида ҳамда ўзининг бутун имконият ва кучларини бунга сафарбар қилишга тайёр эканини кўпроқ сўзда ва баландпарвоз баёнотларда билдирмоқдалар. Амалда эса, афсуски, бу ўта муҳим, барча халқлар ва минтақаларнинг ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи масала атрофида сиёсий ўйинларга ва савдоларга берилиб кетмоқдалар.

Очиқ айтадиган бўлсак, айрим сиёсатчилар ва давлат арбобларининг ташвиши бошқа масала ечими билан банд. Яъни, эртага Афғонистонда ҳокимият тепасига келадиган янги ҳукуматда қандай кучлар ва қайси давлатларнинг таъсири кўпроқ бўлади, деган саволлар ва ташвишлар билан овора.

Албатта, ҳаммамиз тушунамизки, Америка Қўшма Штатларида содир этилган ваҳшиёна, мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейин дунёдаги вазият кескин ўзгариб бормоқда.

Америка ҳукумати терроризмни таг-томири билан йўқ қилиш, дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, бундай кучларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қурол-яроғ, бузғунчи мафкура билан таъминлаётган, кўпорувчилик, босқинчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун жойларга жўнатаётган ёвуз ниятли марказларга қарши аёвсиз кураш эълон қилди.

Бугун барчамизга оддий бир ҳақиқат аён бўлиши керак: бутун инсониятга катта таҳдид солиб турган бу иллатга барҳам бериш борасидаги курашда ҳеч ким, ҳеч қайси давлат четда қолмаслиги табиий.

Жаҳондаги 100 дан ортиқ давлатнинг мазкур масала бўйича ўз фикри ва қатъий позициясини баён қилгани ҳам бу ҳақиқатни тасдиқлайди.

Бугун терроризмга қарши ташкил қилинаётган коалиция сафига, ўзининг сиёсий тузуми ва қарашларидан қатъи назар, турли давлатлар, шу жумладан барча етакчи араб ва мусулмон мамлакатлари қўшилаётгани эътиборга сазовордир.

Бундай кучлар ва давлатларни бирлаштираётган халқаро ҳамжамиятнинг қатъиятлиги тобора мустақамланиб, бу кураш, бу ҳаракат охиригача олиб борилишига ҳеч қандай шубҳа қолмаяпти.

Қудратли давлатлар, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия раҳбарлари бу кураш асло ислом давлатларига, ислом динига, Афғонистон халқи ёки “Толибон” ҳаракатига қарши қаратилмаганини, унинг асл мақсади мудҳиш террор машинасини бутун дунёда йўқ қилишдан иборат эканини алоҳида таъкидламоқда.

Улар бизнинг мақсадимиз миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг бошига кулфат солаётган террор балосини жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан ўчириб ташлашдан иборат, деб такрор-такрор айтмоқда.

Куни кеча Америка Қўшма Штатлари Президенти томонидан имзоланган фармон бўйича фақатгина Афғонистоннинг жафокаш халқига моддий, аввало, озиқ-овқат ёрдами кўрсатиш мақсадида 320 миллион доллар ажратилаётганининг ўзи терроризмга қарши бошланаётган кураш афғон халқига, унинг манфаатига қарши эмаслигининг яққол намоёни, деб қабул қилишга асос бўлади.

Албатта, бугун барчани қизиқтираётган масала — бу воқеаларга Ўзбекистоннинг муносабати қандай, бу курашда Ўзбекистоннинг ўрни ва ҳиссаси нимадан иборат бўлади, деган савол бўлиши табиийдир.

Аввало, шуни айтишим керакки, терроризмнинг даҳшатли оқибатларини Ўзбекистон халқи, бу ерда яшаётган инсонлар бевосита ўз ҳаёти,

Ўз тақдири мисолида яхши билади. Агар 11 сентябрь воқеалари кўп давлатлар ва халқларнинг кўзини очиб берган бўлса, биз терроризм деган разил кучнинг даҳшатли башараси билан ўз ҳаётимизда олдинроқ дуч келганмиз.

Халқимиз терроризмдан қанча жафо чеккани, ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳаётда орзу-умиди кўп бўлган не-не навқирон ёшларимиз ҳалок бўлганини биз унутишимиз мумкинми?

Андижон ва Наманган вилоятида жангари тўдалар содир этган қотилликларни унутиб бўладими?

Ёки кейинги икки-уч йил мобайнида чегарамиздан ўтиб, Сурхондарё ва Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган террорчи гуруҳларнинг кўпоровчилик ҳаракатларини, уларнинг ойлар давомида халқимизнинг тинч ҳаётини безовта қилганини, қанча-қанча бегуноҳ одамларимизнинг умрига зомин бўлганини эсдан чиқара оламизми?

Бу босқинчи тўдаларнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлган наркотик моддалар туфайли бутун дунёда минг-минглаб ёш инсонларнинг умри ҳазон бўлаётганига бефарқ қараб бўладими?

Биз, одатда, аҳолининг тинч-осойишта ҳаётини, оналар, аёлларимиз ва болаларимизни асраб-авайлаш мақсадида мана шундай жангари тўдалар, уларнинг қабих кирдикорлари билан боғлиқ кўп маълумотларни доим ҳам ошкор этолмаймиз.

Лекин мен фақатгина бугун эмас, олдиндан ҳам – давлат раҳбари бўлганимдан бери ҳамюртларимизга қарата, эй, ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда бало-қазо бўлиб, ўзининг манфур ниятларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжарини ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келганимни, бу даҳшатли куч остонамиз олдида турганини бугун ҳам такрор-такрор айтишни ўз бурчим, деб биламан.

Модомики, ён-атрофимизда мана шундай хавф-хатар мавжуд экан, биз Ватанимиз мустақиллигини, халқимизнинг омонлигини сақлаш учун барча зарур чораларни кўраётганимизни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Биз бу йил ёз ойларида Сариосиёда қуролли кучларимизнинг ҳарбий машқларини ўтказдик. Чунки бугун сарҳадларимизда, тун зулматидан фойдаланиб, бизга пинҳона зарба бериш ниятида изғиб юрган ёвуз кучлар борлигидан хабардормиз.

Бугун “Толибон” биқинидан паноҳ топиб, Мозори Шариф ёки Тохарда, Кундуз ёки Кобулда, Қандаҳор ёки Шибирғонда бўладими, ҳарбий лагерларда одамқушлиқни касб қилиб, Ҳайратон кўпригининг нариги томонида бизга ўзининг жирканч башарасини кўрсатиб, тиш қайраб турган ана шундай террорчи газандаларнинг уяси борлиги биз учун сир эмас.

Ашаддий террорчи Жума Намангоний “Толибон” армиясининг қўмондонларидан бири бўлиб юргани, Шимолий Афғонистон иттифоқига қарши уруш олиб бораётган кучлар таркибида Ўрта Осиёдан чиққан 400 та жангари иштирок этаётгани ҳам кўп нарсани англамайдимиз?

Шулардан хулоса қилиб айтсак, Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан қайтариш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини издан чиқаришни ўзининг асосий мақсади қилиб олган бу мудҳиш кучларнинг хатти-ҳаракатлари уларнинг орқасида турган экстремистик марказлар томонидан берилаётган ёрдамга боғлиқ экани бизга яхши аён.

Ўзимизга бир тасаввур қилиб кўрайлик. Эртага Афғонистонда мана шу ёвуз кучлар устун келса, улар Ўзбекистонга ҳужум қилиши ҳақида кимда қандай шубҳа бўлиши мумкин?

Бу савол шу муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон олдида кўндаланг бўлиши ва ҳар бир одам унга ўз ақлини ишлатиб, виждонан жавоб бериши керак.

Мана энди фараз қилайлик: эртага юртимизга қарши босқинчилик ҳуружи бошланса, биз бу бало-қазони бартараф этиш учун кимдан, қаердан кўмак ва ҳимоя топишимиз мумкин?

Ҳеч шубҳасиз, биз аввало, ўз кучимизга, ўз Қуролли Кучларимизга, халқимизнинг иймон-эътиқоди ва қатъиятига суянишимиз даркор. Бугун мен Президент сифатида халқимизнинг очик чеҳрасига қараб, ҳаммамизга дахлдор бўлган ана шу ҳақиқатни такрор айтмоқчиман: биз, энг аввало, ўз кучимизга таянишимиз керак.

Лекин бизга қарши бўлган террорчи тўдалар орқасида катта имкониятлар, катта куч ва маблағга эга бўлган марказлар турса, баъзи давлатлар уларга пинҳона ёрдам кўрсатса, бу оқим ҳеч тўхтамаса, бундай уюшган ваҳший кучларга биз бир ўзимиз қарши туришимиз оғир бўлмайдими?

Ўзингиз ўйланг, қачонгача бу офатга ёлғиз ўзимиз қарши туришимиз мумкин?

Бунинг устига, оғир бўлса ҳам айтаман, қачонгача бундай ёвуз таҳдид остонамиз олдида, бошимиз устида бало-қазо бўлиб туради? Бу кураш йўлида яна қанча қурбон беришимиз керак? Халқимиз учун эркин ва фаровон ҳаёт қуришга қаратилиши лозим бўлган яна қанча-қанча маблағ ва ресурсларимизни ана шу курашга сарфлашимиз лозим?

Бу саволлар табиий, албатта. Шунинг учун ҳам халқаро терроризмга қарши курашда қатъият билдираётган, бу йўлда собитлик билан ҳаракат қилаётган давлатлар сафига қўшилишимиз, хавфсизлик, чегараларимиз дахлсизлиги борасида уларнинг кафолатини олишимиз, кўмагига таянишимиз зарурлиги барчамиз учун аён бўлиши керак.

Ёки дунё ҳамжамияти, жаҳондаги барча соғлом кучлар бу разил оқимга қарши курашаётган, терроризмни таг-томири билан қўпориб ташлашга тайёр эканини билдираётган бир пайтда, Ўзбекистон, йўқ, бу бизнинг ишимиз эмас, бизни тинч қўйинг, деган сиёсат билан чиқса, жаҳон майдонида бошқалар буни қандай тушунади?

Яъни, биз – терроризм офатидан энг катта зарар кўраётган, унинг тобора кучайиб, доимий хавфга айланиб бораётган мудҳиш таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида бу бало-қазога қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол эмасми?

Акс ҳолда, вақти келиб, биз халқаро терроризм қаршисида, Ўзбекистондан қочган жиноятчи кимсалар ва уларнинг ортидаги экстремистик марказлардан куч олаётган ҳаракатлар қаршисида ёлғиз бўлиб қолмаймизми? Ва бундай пайтда ким бизнинг овозимизга, даъватимизга қулоқ солади?

Бу ҳам биз жавоб топишимиз шарт бўлган мураккаб савол.

Икки-уч йилдирки, халқимиз террорчи газандаларнинг жабрини тортиб келяпти, уларга қарши курашда қанча фарзандларимиз қурбон бўлди. Мана шундай оғир дамларда ким бизга ёрдам берапти? Ёрдам у ёқда турсин, ўзини “Ўзбекистон исломий ҳаракати” деб атайдиган босқинчи тўда билан сиёсий “ўйин” қилаётган айрим катта давлатлар ва кучлар пайдо бўлганини ҳам кўриб турибмиз. Ҳозир бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ўрни эмас, лекин ҳақиқий вазият, ҳақиқий аҳвол шундай.

Бугун мен Америка Қўшма Штатлари раҳбарияти, бу давлатнинг расмий вакиллари билан халқаро террорчиликка қарши биргаликда курашиш бўйича музокаралар олиб бораётганимиз ҳақида очиқ маълумот беришим керак.

Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги кунда шундай мулоқотлар бўляпти. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин ҳали бу масалада бирон-бир ҳужжат имзолангани йўқ.

Ҳозирги кунда ана шундай ҳамкорликка асос бўладиган ҳуқуқий ҳужжат устида иш олиб боряпмиз. Бу ҳужжатларда ўзаро мажбуриятлар, шу билан бирга, ўзаро кафолатлар ҳам аниқ бўлиши шарт.

Шуни таъкидлаш керакки, бизнинг бу масала бўйича принципиал ёндашувимиз Америка Қўшма Штатлари Президенти Буш жаноблари билан телефонда бўлган мулоқотда, Мудофаа вазири жаноб Рамсфельд билан бўлган бугунги суҳбатда аниқ баён этилди.

Яъни, бизнинг позициямиз қуйидагича:

1. Мамлакатимиз ҳаво ҳудудини Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб бериш.

2. Ҳар икки мамлакат хавфсизлик идоралари ўртасида ўзаро маълумот ва ахборот алмашувини йўлга қўйиш.

3. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган битта ҳарбий аэродромга Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун рухсат этиш. Бу самолёт ва вертолётларга хизмат кўрсатадиган америкалик мутахассислар, техник ходимлар фаолияти учун тегишли шароит яратиб бериш. Биз бу аэродромни бутунлай уларнинг

ихтиёрига бераётганимиз йўқ. У ердаги ўзимизнинг ҳарбий самолётларимиз ҳам қолаверади.

4. Америка Қўшма Штатларининг бу самолёт ва вертолётларидан фақат қидирув-қутқарув ишларини амалга ошириш ва гуманитар мақсадларда фойдаланилади. Улар оз сонли бўлиб, фақат транспорт – юк ташийдиган самолёт ва вертолётлардир.

Шунингдек, биз иккита муҳим масала бўйича ўз принципиал қарашимизни баён этамиз:

1. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши ердан жанговар операциялар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

2. Бизнинг ҳудудимиздан Афғонистонга қарши бомбали ҳужум операциялари амалга оширилишига розилик берилмайди.

Халқаро терроризмга қарши курашда иштирок этиш борасидаги бизнинг позициямиз ана шундан иборат.

Ўйлайманки, бундай ёндашув давлатимиз манфаатларига ва халқаро ҳуқуқ мезонларига мос келади.

*2001 йил 5 октябрь,
Тошкент.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши кураш ҳамда Афғонистон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттираётган халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаши борасида шахсан Сиз кўрсатаётган сабъ-ҳаракатларни юксак қадрлайман. Ўзбекистонда АҚШ Куролли Кучларининг муайян қисмини қабул қилиш ҳақидаги қарорингиз амалга ошираётган ишимизга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Вазифамиз осон эмас, муваффақиятга эришмоғимиз учун вақт керак. Аммо биз биргаликда барибир ўз мақсадимизга етамиз.

Айни пайтда биз асосий эътиборни террорчиликка ва уни қўллаб-қувватловчи кучларга қарши ҳамкорликда курашга қаратаётган бўлсак-да, мен, Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантиришимиз лозим, деган қатъий фикрдаман. Ўзбекистон демократия ҳамда мамлакат иқтисодиёти ва институтларини эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар асосида суверенитети мустаҳкамланиб, қудрати ва фаровонлиги ошиб бораётган давлат сифатида ривожлангани сари, биз халқингиз учун улкан сиёсий ва иқтисодий эркинликларни таъминлаш мақсадида Сизни ҳар қадамда қўллаб-қувватлайверамиз. Шу билан бирга, бошқа қудратли давлатлар учун ўз уйидек бўлиб қолган минтақангизда том маънода мустақил сиёсат юритиш учун қарорлар қабул қилишингиз осон эмаслигини яхши англаймиз. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Азимов раҳбарлигидаги делегациянинг ўтган ҳафта Вашингтонга буюрган самарали таширифи чоғида маъмуриятимиз аъзолари бу борада аниқ ва ошкора баёнот берди.

Ўзаро ҳамкорлигимиз кенгайгани сари Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистонга ёрдами ҳам кўпайиб бораверади. Маъмуриятимиз бу йил Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислохотларни икки томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида берилаётган ёрдам ҳажмини уч баробар оширишни мўлжалламоқда. Биз мамлакатингизнинг иқтисодий ислохотлар дастурини ривожлантиришга қаратилган сазъ-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Чунки бу дастур Ўзбекистонда ишончли иқтисодий пойдевор барпо этишга ёрдам беради ва халқаро молия институтларининг кенг ва самарали ҳамкорлиги учун йўл очади.

Биз Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Сизнинг Термиздаги Дўстлик кўпригини очиш тўғрисидаги қарорингизни маъқуллаймиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Бу қадам офир аҳволда қолган афғон халқига ёрдам бериш борасидаги қатъиятнингизни бутун дунёга намоёниш этади. Халқаро инсонпарварлик ташкилотлари ходимларининг Термизга келиб-кетишини осонлаштириш орқали, Сиз Афғонистонни тиклаш бўйича халқаро коалициянинг сазъ-ҳаракатлари доирасида Ўзбекистоннинг етакчилик мавқеини янада мустаҳкамламоқдасиз.

Бундай муҳим ишда АҚШ ва унинг халқаро коалициядаги шерикларини қўллаб-қувватлаш борасидаги тарихий қарорингиз учун Сизга яна бир бор миннатдорлик изҳор этаман. Бу масалаларни шахсан Сиз билан яқин ойларда Америка Қўшма Штатларида муҳокама қиламиз, деган умиддаман.

Эҳтиром ила,

*Жорж БУШ,
АҚШ Президенти.*

2001 йил 6 декабрь, Вашингтон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АМЕРИКА ҚЎШМА
ШТАТЛАРИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ АРАФАСИДА
ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА ЖУРНАЛИСТЛАРГА БЕРГАН
ИНТЕРВЬЮСИ**

Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатларига бу галги расмий сафари аввалги ташрифлардан, албатта, катта фарқ қилади. Бу ташриф Америка Қўшма Штатлари билан алоқаларимиз ҳамда муносабатларимизнинг мустақамланишида, уларни янги босқичга кўтаришда бурилиш нуқтаси бўлиб қолади, десак, хато бўлмайди, деб ўйлайман.

Авваламбор, Ўзбекистон делегациясининг бу мамлакатга расман таклиф қилиниши, шак-шубҳасиз, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётганидан далолат беради. Ташриф дастуридан нафақат АҚШ Президенти Жорж Буш билан учрашув, балки мамлакатнинг сиёсати, иқтисодиёти, бошқа кўплаб соҳалари бўйича етакчи арбоблари билан музокаралар, суҳбат ва фикр алмашувлар ўрин олгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир.

Расмий ташриф давомида олтита ҳужжат имзоланиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида стратегик шериклик, тақрор айтаман, стратегик шериклик алоқаларини ўрнатиш ва ҳамкорлигимиз асослари тўғрисида янги ҳужжат — Декларацияни имзолашга тайёргарлик кўрилмоқда.

Стратегик шериклик нима дегани? Бу — иккала мамлакат ўртасидаги алоқаларни мутлақо янги босқичга кўтариш, стратегик аҳамиятга молик бўлган алоқаларни йўлга қўйиш, демакдир. Бундай муносабатларни, истиқболда Ўзбекистон манфаати йўлида янада мустақам алоқаларни ўрнатиш учун янги имкониятлар очиб берадиган ҳамкорлик моҳиятини халқимиз яхши тушунади ва унинг маъно-мазмунига, келтирадиган нафига муносиб баҳо беради, деб ўйлайман.

Агар ана шу қабул қилинажак Декларациядаги сиёсий ва ҳарбий-техник масалалар, иқтисодий ва ижтимоий масалалар ҳақида гапира-

диган бўлсак, бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Яъни, Декларацияда хавфсизлик масаласига доир шундай нуқталар борки, уларда агар АҚШ ёки Ўзбекистонга қайси бир куч ёки давлат қандайдир хавф етказадиган бўлса, бу хавфга қарши биргалашиб зарба бериш, биргаликда курашиш кўзда тутилган. Бу позиция бизнинг мақсад-муддаоларимизга мос бўлиб, бошқача айтганда, чегараларимизнинг дахлсизлигини таъминлашга кафолат беришдир.

Мен бир вақтлар, ҳали Афғонистонда антитеррор ҳаракатлари бошланишидан олдин, агар бизга, яъни Ўзбекистонга хавфсизлик нуқтаи назаридан кимда-ким кафолат берса, халқимизнинг, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ёрдам қўлини узатадиган бўлса, ана шу давлат билан бирга бўламиз, деган фикрни айтган эдим.

Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, Афғонистондаги воқеаларнинг, остонамиздан, сарҳадларимиздан ёвуз кучларни улоқтириб ташлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг моҳиятини биз, яъни Афғонистонда толиблар ҳукмронлик қилган кейинги беш-олти йил давомида катта хавф остида яшаган ўзбек халқи айниқса чуқур англаймиз. Мана шундай хавф-хатардан бизни халос қилиш, муҳофаза қилишнинг аҳамиятини, ўйлайманки, халқимиз бугун ҳам сезяпти, бунинг маъно-мазмунини, манфаатини эртага янада яхшироқ тушуниб етади. АҚШ билан мен боя айтган янги алоқаларни боғлашимиз, албатта, мана шундай хавфсизлик кафолатини олишга қаратилган.

Ўйлайманки, бу масала Ўзбекистон учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Атрофимизда кўплаб хатарли воқеалар рўй бераётгани сабабли мана шундай кафолат олиш халқимиз учун, нафақат бугун яшаётган одамлар, балки, эртанги кун, болаларимиз келажаги учун ҳам муҳимдир. Бу, турли хавф-хатарлардан халос бўлиб, ҳар томонлама тинч, осуда ҳаёт қуришимиз учун жуда катта шароит ва имконият деганидир.

Иқтисодий алоқалар тўғрисида гапирганда, бу масалага, албатта, Америка Қўшма Штатларининг иқтисодий салоҳиятини, унинг дунёдаги энг қудратли давлат эканини инобатга олган ҳолда ёндашиш керак.

Мана, ўзингиз ўйланг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарийб 190 та мамлакат аъзо бўлса, уларнинг деярли барчаси Америка Қўшма Штатлари билан манфаатли алоқалар ўрнатишга интилади. Бу — ҳар

ВИЗИТ В АМЕРИКУ

қайси давлат, ҳар қайси мамлакат учун жуда муҳим мақсад. Нега деганда, Америка Қўшма Штатларининг катта иқтисодий имкониятлари, айтайлик, инвестиция ажратишда, муайян мамлакат салоҳиятини юксалтиришда, умуман, одамларнинг ҳаётини, турмуш даражасини кўтаришда, бирон бир давлат, керак бўлса, мамлакатнинг тараққиётини таъминлашда мана шундай шериклик, мана шундай алоқалар жуда катта туртки бўлади.

Маълумки, биз ҳам иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, давлатимизни демократик давлат даражасига кўтариш, тараққий топган мамлакатлар ва халқларнинг ҳаёт даражасига етиб боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Мана шу мақсадларга эришишга, ўйлайманки, Америка Қўшма Штатлари билан алоқалар, ўзаро ҳамкорлик ҳар томонлама кўмак беради.

Бир сўз билан айтганда, агар биз мана шундай шароитлар, мана шундай имкониятларга эришсак, эртанги кунимизни, эртанги ҳаётимизни ана шундай кучли, қудратли давлатга суяниб, таяниб, биргаликда тасаввур этадиган бўлсак, кам бўлмаймиз.

Асосий мақсад шундан иборатки, бизга, авваламбор, тинчлик, озоишталик керак, шу билан бирга, янги жамият қуришда кўмак зарур. Кўмак деганимиз — юкни бутунлай бировнинг елкасига ортиш ёки текин ёрдам олиш, дегани эмас.

Янги ҳаёт қуриш, албатта, катта маблағ, катта куч талаб қилади. Янги ҳаёт қуриш учун янги иншоотлар барпо этиш зарур бўлади, одамларнинг яшаш ва турмуш даражасини кўтариш лозим бўлади. Биз кўмак деганда ана шу йўлдаги амалий ҳамкорликни назарда тутамиз.

Мана шундай кўмак олишга, иншоллоҳ, албатта, эришамиз.

Бир сўз билан айтганда, бу ташрифдан бизнинг умидимиз жуда катта ва унинг аҳамиятини халқимиз тўғри тушунади.

2002 йил 11 март.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АҚШга РАСМИЙ ТАШРИФИ
ХРОНИКАСИ**

(2002 йил 11-14 март)

**Биринчи кун
11 март**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов махсус самолёт билан Вашингтон шаҳрига (АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг «Эндрюс» авиабазасига) келди.

Президент Ислом Каримов АҚШ Президентининг меҳмонлар уйи — Вашингтондаги «Блэйр Хаус» қароргоҳига жойлашди.

**Иккинчи кун
12 март**

«Блэйр Хаус» қароргоҳида Президент Ислом Каримов АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазири Э.Венеман хоним, Молия вазири П.О'Нил ва «Ньюмонт Майнинг» компанияси раҳбарияти билан учрашди.

АҚШ Давлат департаментида Президент Ислом Каримов Давлат котиби К.Пауэлл билан учрашди ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияни имзолаш маросимида қатнашди.

Оқ уйда тантанали вазиятда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Америка Қўшма Штатлари Президенти Жорж Буш учрашди.

«Уиллард-Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига Америка-Ўзбекистон савдо палатаси томонидан қабул маросими уюштирилди. Маросимда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Учинчи кун
13 март

«Блэйр Хаус» қароргоҳида Президент Ислом Каримов АҚШ-нинг етакчи газета ва журналлари муҳаррирлари билан учрашди.

Жаҳон банки бош қароргоҳида Президент Ислом Каримов Жаҳон банки президенти Ж.Вулфенсон билан учрашди.

Америка Кўшма Штатлари Конгрессида Президент Ислом Каримовнинг спикер Д.Хастерт ва Вакиллар палатаси аъзолари билан самимий учрашуви бўлиб ўтди.

Президент Ислом Каримов Пентагонда АҚШ Мудофаа вазири Д.Рамсфельд билан учрашди.

Шу куни Президент Ислом Каримов АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларининг «Эндрюс» базасидан учиб кетди ва Нью-Йорк шаҳридаги Ж.Кеннеди номли аэропортга етиб келди.

«Плаза» меҳмонхонасининг пуштиранг залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тўртинчи кун
14 март

Президент Ислом Каримов Нью-Йорк шаҳри мэри М.Блумберг билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Граунд Зеро»(собиқ Жаҳон савдо маркази жойлашган майдон)ни бориб кўрди ҳамда террор қурбонлари хотирасига гулчамбар қўйди.

Шундан кейин Президент Ислом Каримов Америка Олий ислом кенгаши раиси Шайх Муҳаммад Қаббоний билан учрашди.

Шу куниёқ, тантанали кузатувлардан сўнг, Президент Ислом Каримов Ж.Кеннеди номли аэропортдан Тошкент шаҳрига учиб кетди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АҚШ ИШБИЛАРМОНЛАРИ БИЛАН БЎЛГАН УЧРАШУВДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан учрашиб турганимдан беҳад мамнунман. Сизларга, мана шу залда тўпланган барча-барчага Ўзбекистоннинг дўстлари сифатида мурожаат этишга ижозат бергайсиз.

Шуни айтмоқчиманки, мен, шубҳасиз, бу учрашувга алоҳида тайёргарлик кўрганман. Аммо бугун бу ерда кўриб турганларим, умуман, ҳис қилаётган туйғуларим бутун тайёргарликни, режаларни ўзгартириб юборди. Бугун мен ўзимнинг аввалдан ёзиб қўйилган тезисларимдан фойдаланмоқчи эмасман.

Аввало, мана шу минбардан туриб, йиғилиш раисига ва учрашув қатнашчиларига ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман. Бу ерда эшитган сўзларим мени бағоят тўлқинлантириб юборди, мен учун бутунлай бошқача, янги бир муҳитни вужудга келтирди.

Мен бир инсон, раҳбар, сиёсатчи сифатида биринчи бор нутқ сўзлаётганим йўқ. Айни пайтда, шуни айтмоқчиманки, мен ҳозир ҳақиқатан ҳам ҳаяжондаман ва сизлар менинг бу ҳолатимни тўғри тушунасизлар, деб ўйлайман.

Албатта, бугун мен Америка — Ўзбекистон савдо палатаси, ишбилармонлик доиралари вакиллари, Американинг етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашишимни билардим. Аммо мен бу ерда таниқли сенатор Браунбэрни, бошқа конгрессменларни учратишимни кутмаган эдим. Шунингдек, АҚШнинг мен сидқидилдан ҳурмат қиладиган ижтимоий-сиёсий доиралари вакилларини ҳам бу ерда кўраман, деб ўйламаган эдим.

Шунинг учун бугунги учрашувимиз янада муҳим аҳамият касб этаётганидан ғоят мамнун эканлигимни яширмайман.

Мен сизларга Ўзбекистонга нисбатан илиқ муносабатингиз учун, мамлакатимиз билан янгича муносабатлар ўрнатиш мақсадида қилаётган саъй-ҳаракатларингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг мана шу илиқ муносабатингизни Ўзбекистонга қайта-қайта, бутун халқимизга, бутун жамиятимизга албатта етказаман. Айни пайтда шуни айтмоқчиманки, ўзбекистонликлар Қўшма Штатларда мени яхши кутиб олишингизга ишонишган. Аммо бугунги учрашувимиз америкаликларнинг бизга бўлган алоҳида муносабати биз кутгандан ҳам зиёда эканидан далолат бериб турибди. Ўйлайманки, ўзбек халқи бунинг учун сизлардан миннатдор бўлади.

Қадрли дўстлар!

Мен мамлакатингизга ташрифим мобайнида кўп учрашувларда қатнашдим. Бугун ҳам, жумладан, бир қатор вазирликлар вакиллари билан, Қишлоқ хўжалиги вазири Венеман хоним, Молия вазири жаноб О'Нил, давлат департаменти раҳбари жаноб Пауэлл билан учрашувлар бўлиб ўтди. Жоунс хоним ва бошқа расмий кишилар билан мулоқотлар ўзининг сермазмунлиги, амалий таклифлар, фикр ва мулоҳазаларга бой бўлгани билан менда чуқур таассурот қолдирди. Сизларга АҚШ Президенти жаноб Буш билан учрашувимиздан олган таассуротларимни сўзлаб бермоқчиман. Мен, табиийки, кўп мартаба унинг телевидение орқали чиқишларини кўрганман, тинглаганман, у ҳақда ўқиганман, аммо Қўшма Штатлар Президенти билан бевосита учрашувдан олган таассуротим кутганимдан зиёда бўлди.

Америка Қўшма Штатлари террорчиликка қарши курашдек масъулиятли вазифани амалга ошираётган бир пайтда унга айнан шундай Президент йўлбошчилик қилиши керак, деб ҳисоблайман.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб яна бир марта таъкидламоқчиманки, Ўзбекистон билан Қўшма Штатлар ўртасидаги муносабатлар 11 сентябрдан кейингина бошлангани йўқ. Бизнинг муносабатларимиз 10 йиллик тарихга эга. Алоқаларимиз йилдан-йил ривожланиб келди. Аммо шуни айтиш лозимки, 11 сентябрь воқеалари ўзаро муносабатларимиз динамикасини танқидий нигоҳ билан қайта кўриб чиқиш учун,

Американинг Ўзбекистонга, умуман Марказий Осиёга бошқача нигоҳ билан қараши учун муҳим омил бўлди.

Албатта, бўлиб ўтган воқеалар ҳақида ҳали кўп ёзишади ва гапиришади, балки кўплаб китоблар битилади, аммо мен бу ўринда бир фикрни қайд этмоқчиман. Бу фикр шундан иборатки, 11 сентябрь воқеалари кўпларнинг ҳақиқий қиёфасини, сўзда эмас амалда кимнинг ким эканини очиқ кўрсатиб берди.

Бу ҳол Афғонистондаги антитеррор операциясининг биринчи, яъни тайёргарлик босқичи якунлангандан сўнг вужудга келди. Кейинроқ коалицияга қўшилиш, Қўшма Штатларнинг ҳамкори ва иттифоқчиси бўлиш ниятида юрганлар кўп бўлди. Лекин ўша пайтда вазият бошқача эди.

Афғонистондаги операция бошланишидан бир ҳафта олдин содир бўлган воқеаларга қайтадиган бўлсам, 4 октябрь куни Давлат котибининг ўринбосари жаноб Болтен билан, 5 октябрь куни эса жаноб Рамсфельд билан учрашдим. Операция бошланишига бир ҳафта қолган эди. Қўшма Штатларни қўллаб-қувватловчилар унчалик кўп эмас эди. Биз антитеррор операцияларини қатъийлик билан қўллаб-қувватлашга қарор қилдик. Ўшанда жаноб Рамсфельд билан учрашиб, бу қароримизни билдиргач, халқимизга мурожаат этиб, одамларимизни Америка Қўшма Штатларини қўллаб-қувватлаш энг тўғри йўл эканлигига ишонтира олдим. Шуни қайд этиш лозимки, бу фикримни халқимиз маъқуллади.

Сизга тушунарли бўлиши учун шуни эслатишим керакки, Ўзбекистон аҳолисининг 85 фоизи ислом динига эътиқод қилади. Бундай шароитда АҚШнинг операциясини қўллаб-қувватлаш бўйича, минтақамиздаги вазиятни инобатга олиб фикр юритганда, қатъий қарор қабул қилиш осон эмас эди. Айниқса, шуни эътиборга олишингизни истар эдимки, биз тилини тушунадиган мамлакатлар телеканаллари, яъни, рус тилидаги каналлар ҳар куни 24 соат мобайнида “Толибон”нинг ўн минг кишилик энг сара қўшини Ўзбекистон чегарасида тургани ва ҳадемай чегарани бузиб кириши, Ўзбекистонда уруш бошланиши ҳақида тинимсиз гапирар эди. Буларнинг барчаси Афғонистондаги операция

бошлангунга қадар содир бўлган эди. Одамлар Ўзбекистондан қочмоқда, Тошкентга бориш хавфли, дейиларди. Ҳамкасбларим ичида менга қўнғироқ қилиб: “Нима қилаяпсиз ўзи?” деганлари ҳам бўлди...

Бизнинг антитеррор операциясини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қароримиз, албатта, катта таваккалчилик эди. Айни пайтда бу операцияга бошқача муносабатда бўлганларни ҳам тушуниш мумкин, чунки ўша пайтда ҳеч ким мазкур операция оқибатларининг қандай бўлишини билмас эди. Бугун шуни айтмоқчиманки, агар ўша кун яна қайтиб келса, мен яна худди шундай қарор қабул қилган бўлардим. Бунга ишончим комил.

Бугун энди шуни очиқ-ойдин айтиш мумкинки, орадан ўтган вақт ичида содир бўлган воқеалар яна бир бор бизнинг ҳақ эканлигимизни тасдиқлади. Ўзбекистон мана шундай вазиятда ҳақиқий дўст эканлигини, таъбир жоиз бўлса, Қўшма Штатларнинг Марказий Осиёдаги таъянчи бўла олишини исботлади. Биз бундан бирон-бир конъюнктуравий манфаат кўзлаган эмасмиз, ҳеч ким билан савдолашганимиз ҳам йўқ. Хабарингиз бор, айрим газеталар ва эшиттиришларда Қўшма Штатлар гўё бизга 8 миллиард доллар ажратгани тўғрисидаги хабарлар тарқатилди. Бу хабарлар тўғри бўлса, қани ўша 8 миллиард доллар? Қўшниларимиз мен билан учрашганларида “АҚШдан 8 миллиард олибсиз, бир оғиз айтиб ҳам қўймайсиз-а”, дея киноя қилишади. Мен уларга шарқона лутф билан “ҳозирча беришгани йўқ, эҳтимол, Сизларга 8 эмас, 10 миллиард доллар беришар”, дея жавоб қиламан.

Шуни айтмоқчиманки, 11 сентябрь ва ундан кейинги воқеалар дунёни буткул ўзгартириб юборди ва бугунги кунда террорчиликка қарши кураш масаласига жаҳондаги деярли барча етакчи мамлакатларнинг муносабати ўзгарди. Лекин антитеррор операцияси бошланиши арафасида аҳвол ўзгача эди. Шу ўринда биз нима учун бу операцияга қўшилганимизнинг асл сабабини ойдинлаштириб ўтишни истар эдим.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор таъкидламоқчиманки, Америка Қўшма Штатлари бошқалар уддалай олмаган ишни, яъни халқаро терроризмга зарба бериш, уни таг-томири билан йўқотишга ки-

ришган эди ва ҳозир бун амалга оширмоқда. Биз сўнги 3-5 йил ичида ашаддий террорчилик таҳдиди остида яшадик. Уларга ёлғиз қарши туриш қийин эди. Сизлардан яширмайман — биз кўпчиликка муурожаат этганмиз. Номларини санаб ўтиришга ҳолат йўқ.

1999 йили Тошкентда портлашлар содир бўлди. Ўша мудҳиш воқеаларни ёдингизга солмоқчиман. Террорчилар бир йил мобайнида Ўзбекистон Президентига суиқасд уюштиришга тайёргарлик кўришган. Диний ақидапарастлар ва террорчилар гуруҳлари бир неча марта Ўзбекистон, Қирғизистон ва бошқа республикалар ҳудудига суқилиб киришди. Бу воқеаларга бутун дунё гувоҳ. Президентни йўқ қилишга мўлжалланган динамит солинган машина портлаганида мен тахминан 150 метр нарида эдим. Вазирлар Маҳкамасининг биниси деярли вайрон бўлди. Буларнинг барчаси – ҳақиқат. Борди-ю мендан “Нима сабабдан Қўшма Штатларни қўллаб-қувватлаяпсиз?”, деб сўрашса, бугун шундай жавоб берган бўлардим: улар бошқалар қилмаган ишни қилди. Улар бизни ана шундай таҳдиддан халос этди. Бизнинг ҳаракатларимизда ҳеч қандай ғаразли мақсад йўқ. Зеро, терроризм хавфини бартараф этишда бизнинг манфаатларимиз Америка Қўшма Штатлари манфаатларига тўла мос келади. Шунинг учун биз Америка Қўшма Штатларининг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликнинг таянчи бўлишига тарафдормиз.

1989 йили совет қўшинлари Афғонистондан чиқиб кетгач, АҚШ нафақат Афғонистонга, балки бутун Марказий Осиё минтақасига деярли қизиқмай қўйди. Фикримча, бугун ҳамма бунинг катта хато бўлганини тушунмоқда. Тарих шуни кўрсатадики, ҳеч қаерда бўшлиқ бўлмайди. Қаерда бўшлиқ пайдо бўлгудай бўлса, у вужудга келган вазиятдан фойдаланиб қолишга интилувчи кучлар томонидан тўлдирилади. Афғонистонда ана шундай бўшлиқ пайдо бўлган эди. Оқибатда уни бу мамлакатни терроризм ва наркобизнес полигонига айлантирган экстремистик ақидапарастлар тўлдирди. Улар нафақат Америка Қўшма Штатларига, балки бутун дунёга таҳдид солди. Шу боис биз АҚШга террорчиликка қарши курашда ёрдам бердик, ҳозир эса бу курашни ниҳоясига етказиши учун ёрдам беришда давом этмоқдамиз. Бугун

мен АҚШ Президентига бу курашда охиригача у билан бирга бўлишга ваъда бердим. Ўйлайманки, сўзимни халқим қўллаб-қувватлайди — биз охиригача сиз билан бирга бўламиз.

Сафаримиз давомида қаерда бўлмайин, олдимга одамлар келиб, Қўшма Штатларга кўрсатган ёрдамимиз учун миннатдорлик билдирмоқда. Мен эса, ўз навбатида, бутун америкаликларга ўзбек халқига, Ўзбекистонга, Марказий Осиё халқларига кўрсатган ёрдамингиз учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Ушбу минбардан туриб айтган сўзларимни америкаликларга етказишингизни сўрайман.

Шуни айтмоқчиманки, Қўшма Штатларда вужудга келган вазиятдан оқилона фойдаланмаганимизда, Ўзбекистон Президенти сифатида унинг тақдири учун нотўғри йўл тутган бўлар эдим. Яна шуни айтмоқчиманки, бугунги вазиятдан, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги даражасидан демократия, бозор иқтисодиёти билан боғлиқ ислохотлар йўлида, бизнес ва ҳамкорликни ривожлантириш йўлида фойдаланмасак ҳам тарих олдида кечирилмас иш бўлади.

Бу ўринда шуни назарда тутаманки, Ўзбекистондаги бизнес фаолиятингиз муваффақиятли бўлиши учун биз барча шарт-шароитни яратиб берамиз.

Жоунс хоним Ўзбекистонда бизнес учун барча имкониятлар яратилган, деганда тамомила ҳақ эди. Лекин, айти пайтда, сизга ваъда бераманки, бу борада Ўзбекистонда муаммо туғилгудек бўлса, беғараз ёрдам беришга тайёрман.

Ижозатингиз билан Мустақиллигимизнинг 10 йили давомида эришган ютуқларимиз ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман. Биз шунга эришдикки, Ўзбекистонда ислохотлар жараёни энди ортга қайтмайди. Бугун бизни ҳатто тўқсонинчи йиллар билан ҳам солиштириб бўлмайди. Биз амалда бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосини ярата олдик, давлат мулкини хусусий, тижорат мулкига айлантира олдик. Энг муҳими шундаки, биз ёшлар билан ишламоқдамиз. Фахрланишимизга асос бўладиган ишларимиздан яна бири шуки, биз лицейлар, коллежлар қўрабмиз, таълим тизимини тубдан ўзгартирдик.

Яна бир бор бугун айтган гапларимни такрорлайман: ҳа, мен шу ёшимда ўз давримнинг маҳсулиман. Лекин сиз коллежлар, олий ўқув юртларини битираётган ёшларимизга боқинг. Америкада, Европада ўқиётган ёшларимизни кўринг. Улар бугун бутунлай ўзгача фикрлайди. Баъзан мени ўринли танқид қилиб, ислоҳотлар ёки демократия хусусидаги камчиликларни кўрсатишар экан, бунга жавобан дейманки, бир оз сабр қилинг. Бу ёшлар сафимизга қўшилмоқда, ўз зиммасига масъулият олмоқда. Улар эса демократия борасида, эркинлик борасида худди сиз каби фикрлайди. Шунинг учун мен ишонч билан айтаманки, мана, кўрасиз, эрта-индин орамизда ҳозиргидай фарқ қолмайди.

Жаноб Буш билан Ўзбекистон истиқболи хусусида фикр алмашар эканмиз, у мен билан демократия хусусида гоят назокатли суҳбат қурди, хусусан, замонавий дунёда яшашни истовчи ҳар қандай давлат учун шарт бўлган инсон ҳуқуқлари, демократик кадриятлар, ахборот эркинлигига оид масалаларни қай тариқа ҳал этаётганимиз билан қизиқди. Унинг ниҳоятда латиф муомаласи мени лол қолдирди. Шунга имоним комилки, мен билан ҳамма шундай сўзлашганда эди, Ўзбекистонда демократия янада кенгроқ қарор топган бўларди.

Бизнес истиқболларига келсак, шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистон улкан имкониятлар мамлакатидир. Ишончим комилки, Америка бизнеси Ўзбекистонда кенг қулоч ёйишига барча асослар бор.

Имзоланган ҳужжатлар, хусусан, стратегик аҳамиятга молик ҳужжатларга келсак, жаноб Мердок бу хусусда сўзлади, жаноб Росол эса қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ҳақида гапирди. Кўрилган масалалар ниҳоятда ранг-баранг. Уран саноати тараққиёти, қайта ишлаш тармоқлари, қишлоқ хўжалигининг ривож масалалари бўйича ҳам фикрлашдик. Бозор инфратузилмасини ривожлантириш борасида АҚШдан умидимиз катта. Биз ўз банкларимизни сиз уларнинг акционерлари бўлишингиз учун очиб беришга тайёرمىз. Биз коммуникатив ресурслар соҳасида ўз имкониятларимизни таклиф этишга тайёرمىз. Шуни айтишим керакки, бу борада Ўзбекистоннинг салоҳияти катта. Ишонманки, биз Тошкентда қайта учрашганимизда Америка — Ўзбекистон

ВИЗИТ В АМЕРИКУ

Савдо палатаси сизга Ўзбекистонда барча қулайликларни яратиб берган бўлади. Ўйлайманки, бу ҳам менинг вазифамга киради.

Бугун жаноб Браунбэк менга АҚШ бўйлаб сайр қилишни, мен билан кўришиш истагида бўлган америкаликлар билан учрашишни таклиф қилди. Имкони бўлганда эди, бу таклифни мамнуният билан қабул қилардим. Бу билан нима демоқчиман. Мен бу ерда учратган кўплаб одамлар чеҳрасида уларнинг Ўзбекистонга самимий муносабатини кўрдим. Ўз навбатида, мен Ўзбекистон вакили, Президенти сифатида халқимнинг фикрини ифодалар эканман, сизларни ҳам бетакрор диёримизнинг бағрикенг одамлари билан суҳбатлашиш, ноёб осори атиқалари билан танишиш, гўзал табиатидан бахраманд бўлишга даъват этаман.

*2002 йил 12 март,
Вашингтон.*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ
КАРИМОВНИНГ АҚШНИНГ НУФУЗЛИ
ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИ МУҲАРРИРЛАРИ
ҲАМДА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН МУЛОҚОТИ**

Хурматли жаноблар!

Америка Қўшма Штатларига ташрифим давомида Ўзбекистонимизнинг яқин дўстлари – сизлар билан юзма-юз суҳбатлашаётганимдан гоят мамнунман. Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, дунёдаги етакчи мамлакат матбуотининг дарғалари сифатида сизларга хурмат-эҳтиромимиз ниҳоятда юксак.

Авалло, Америка Қўшма Штатларига ушбу расмий ташрифдан кўзда тутилган мақсад-муддао ҳақида қисқача тўхталиб ўтсам. Маълумки, 11 сентябрь воқеалари бутун инсониятни қаттиқ ғазаблантирди ва қалбларни чуқур ларзага солди, башарият XXI аср вабоси деб аталмиш терроризмни таг-томири билан йўқ қилиш, бундай ёвуз кучларни қўллаб-қувватлаётган, уларни маблағ, қурол-яроғ билан таъминлаётган ва қўпурувчилик мақсадларида жойларга жўнатаётган марказларни ер юзидан супуриб ташлаш учун кураш эълон қилди.

Кишилиқ тарихида кескин бурилиш ясаган мана шу вазият, айниқса, Америка Қўшма Штатлари етакчилигида антитеррор ҳаракатлари бошлангач, халқаро муносабатларга ҳаётнинг ўзи жиддий ислоҳ киритгани барчамизга аён ҳақиқатдир.

Ўзбекистон мана шундай мураккаб синов дамларида Америка халқи билан доимо бирдам бўлди ва, айна пайтда, антитеррор ҳаракатларини ҳам биринчи кундан бошлаб дадил ва астойдил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Бугун Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари муносабатлари танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиляётган экан, бу – икки мамлакат ҳамкорлигини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга ва ўзаро манфаатли муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат этади, десам, ўйлайманки, хато бўлмайди.

Сизларга шуни айтмоқчиманки, ташриф давомида Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида ўзаро шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, шунингдек, илмий-техникавий тадқиқотлар, ядровий материаллар ва технологиялар тарқалишининг олдини олишда ҳамкорлик ҳамда молия соҳасига оид қатор ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатлар орасида Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатларининг стратегик шериклиги, ўзаро ҳамкорлиги асослари белгиланган декларация, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда мен сизларнинг эътиборингизни яқин ўтмишга қаратмоқчиман. 11 сентябрда содир этилган ваҳшиёна, мудҳиш террорчилик тажовуздан кейин инсоният ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарни бартараф этиш учун биринчи навбатда халқаро террорчилар тайёрлаб келинаётган лагер ва базаларни, марказларни йўқ қилиш ҳаётий заруратга айланди. Нега деганда, Вашингтон ва Нью-Йоркда содир этилган, ҳатто ақлга сиғдириб бўлмайдиган ёвуз ваҳшийлик айнан шундай марказларнинг кирдикори экани, бу хатар ҳеч бир инсон ҳаётини четлаб ўтмаслиги аён ҳақиқат эди.

Башарият террорчилик деган ёвуз бало ўз бошига мислсиз кулфат келтирувчи кучга айланиб кетганини ўз ҳаётида кўриб, унинг мудҳиш ҳамласини ҳис этгач, унга қарши биргаликда курашиш вақти-соати етганини, бу курашдан ҳеч ким четда туриши мумкин эмаслигини англаб етди. Шу тариқа 8 октябрдан 9 октябрга ўтар кечаси Афғонистон ҳудудида жойлашиб олган террорчиларнинг база ва лагерларига дастлабки зарбалар берилди, содда қилиб айтганда, антитеррор ҳаракатлари бошланди.

11 сентябрь воқеаларидан сўнг антитеррор ҳаракатлари бошлангунга қадар ўтган қарийб бир ой мобайнида дунё мамлакатлари орасида ажабтовур бир вазият ҳукм суриб турди. Демокриманки, кимдир халқаро коалицияда иштирок этишга астойдил бел боғлаганлигини ошқора намоён этса, яна кимдир ўзини тўрт томонга ташлади, бошқа бировлар олдиндан айтиш қийин бўлган ва келиб чиқиши эҳтимолдан холи бўлмаган турли хатар ва оқибатлардан чўчиб, ўйланиб қолди, яъни умумҳаракатдан ўзини четга тортди. Бу — инкор этиб бўлмайдиган тарихий ҳақиқатдир.

Хуллас, антитеррор ҳаракатлари бошланиши арафасида, аниқроғи, 3 октябрь куни Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг ўринбосари жаноб Жон Болтон Ўзбекистонга ташриф буюриб, икки томонлама музокара олиб борди. Эртаси куни Тошкентга Пентагон раҳбари жаноб Дональд Рамсфельд келди ва биз жаноб Рамсфельд билан кенг кўламли масалалар юзасидан маслаҳатлашиб олдик.

Ўша куни мен халқимизга мурожаат этиб, бугунги кунда миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг бошига кулфат солаётган террор балосини жамият ҳаётидан, дунё халқлари ҳаётидан йўқ қилиб ташлаш учун кураш бошланган бир пайтда Ўзбекистон учун ўз истиқболини кўзлаб ҳаракат қиладиган бирдан-бир йўл — антитеррор ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, бу жараён давомида ўз ҳаво ҳудудини Америка Қўшма Штатларининг ҳарбий ҳаво кучлари учун очиб бериш, шунингдек, айрим база ва аэродромлардан фойдаланишга шарт-шароит яратиш эканини маълум қилдим.

Биз террорчилик деган разил кучнинг даҳшатли башараси билан ўз ҳаётимизда олдинроқ дуч келган халқмиз. Бу қабиҳ жиноят ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳаётдан орзу-умиди кўп бўлган не-не фарзандларимизнинг умрига зомин бўлганини элимиз, юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқи менинг Баёнотимни тўла қўллаб-қувватлади ва биз бирдамлик билан қарор қабул қилдик. Антитеррор ҳаракатлари учун бу қарор муҳим аҳамиятга молик эди, албатта.

Биз Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолётлари ҳамда вертолётлари қўниши, уларга хизмат кўрсатадиган америкалик мутахассислар, техник ходимлар фаолият юритиши учун Хонобод аэродромини ажратиб, тегишли шарт-шароит яратиб бердик. Бу аэродром, гарчи Тошкент шаҳридан 300 километрча узоқда бўлса-да, Афғонистон сарҳадларига жуда яқин ҳудудда жойлашган.

Бу масалалар икки томонлама келишув асосида ҳал этилган. Биз, ўша вақтда ушбу аэродромнинг қаерда жойлашганини маълум қилиш мақсадга мувофиқ эмас, деб топдик.

Бугунги мулоқотимизда, сизлар тўғри таъкидлаганингиздек, ҳақиқатан ҳам антитеррор ҳаракатлари бошланиши арафасида кўпдан-

кўп мамлакатлар турлича баёнотлар тарқатишди. Уларнинг орасида, айниқса, Россия Федерацияси сиёсатчилари, жумладан, бу мамлакат қуролли кучлари вакиллари томонидан берилган баёнотлар алоҳида ажралиб туради. Нимага деганда, улар Ўзбекистоннинг тутган йўлига фақат таажжуб билдириш билан чеклангани йўқ, ҳатто, Ўзбекистон Америка Қўшма Штатлари ва ғарб давлатларининг қуролли кучларига ўз ҳудудидан жой берди, эртага бу ҳарбий қисмлар ана шу базалардан ҳаракат бошлаб, Афғонистонга ҳужум қилади, деган фикрларни ҳам кенг ёйишди.

Мен сизларга яна шуни ҳам айтишим мумкинки, антитеррор ҳаракатлари бошланишидан уч-тўрт кун аввал Россия Федерацияси Президенти жаноб Путин билан телефон орқали батафсил суҳбатлашдик. Қисқа қилиб айтганда, Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун аэродром ажратганимиз уларга маълум ҳақиқат эди. Айтиш керакки, Россия Федерацияси Президенти, бу — Ўзбекистоннинг ички иши бўлиб, уни қандай ҳал этиш ўзимизнинг хоҳиш-иродамизга боғлиқ эканини таъкидлади.

Шу ўринда, нега Ўзбекистон айнан шу йўлни тутди, нима сабабга кўра сиз шундай қарор қабул қилдингиз, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Очиқ айтиш керак, биз кундан-кунга даҳшатли тус олаётган халқаро террорчилик ва диний экстремизм тинчлик ва осойишталигимизга хавф-хатар солиб турган бир шароитда, ана шу бало билан деярли ёнма-ён яшаб келдик. Айниқса, кейинги тўрт-беш йил давомида бу ёвуз куч Ўзбекистоннинг жанубий сарҳадларига муттасил таҳдид солиб қолмай, кўпдан-кўп қўпоровчилик ҳаракатлари ҳам содир этди. Террорчиларнинг қонли тажовузи 1999 йилда ҳам, 2000 ва 2001 йилда ҳам давом этди. Разил босқинчилар халқимизнинг тинчлигини, осойишталигини бузиш билан бирга қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлди.

Бунга қадар эса, аввал ваҳҳобийлар, сўнг “ҳизбут-таҳрир”чилар маблағ аямасдан юзлаб ёшларимизни йўлдан уришга, ўзлари томонга оғдириб олишга узлуксиз ҳаракат қилишди. Уларнинг тузоғига илинган

ёшлар наинки Афғонистонда, балки Покистонда ҳам жангарилик “илм”идан сабоқ олишди.

Айтиш керакки, бузғунчилар алданган ёшларни диний сабоқ олишга даъват этиб, жангарилар тайёрловчи лагерларда қисқа муддат шундай таълим беришгач, сўнг олти ой мобайнида қўпоровчилик ва террорчиликка ўргатишган.

Бир вақтнинг ўзида худди шундай юзлаб лагерлар фаолият кўрсатганини инобатга олсак, мавжуд хатар нечоғли тез кучайиб борганини тасаввур этиш қийин эмас, албатта.

Ўша даврда Ўзбекистон қандай жиддий хавф билан юзма-юз турганини энди англаган бўлсангиз керак? Шунинг учун ҳам биз Америка Қўшма Штатларини, биринчи навбатда, халқаро террорчиликка қарши курашни ғоят қатъий тарзда қўллаб-қувватладик. Шахсан мен Президент сифатида шундай йўл тутдим, чунки бу кураш менинг манфаатларимга, бутун халқимизнинг, Ўзбекистонимизнинг манфаатларига мос, интилишларимизга уйғун ва ҳамоҳанг эди.

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни очиқ айтиш керак, биз қатъият билан шу йўлни тутар эканмиз, ўзга бир мақсадни кўзлаган эмасмиз. Қандайдир манфаат ёки бирон бир наф кўришни ўйлаб, мана шундай қатъият кўрсатганимиз йўқ.

Мана шу вазиятда, Афғонистонда антитеррор ҳаракатлари бошлангунча ва ҳатто ундан кейин ҳам Россия Федерацияси телеканаллари 24 соат мобайнида фақат бир мавзуда уйдирма ёйишди, гўёки мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида, Термиз яқинида толибларнинг ўн минг жангаридан иборат қўшини юртимизга бостириб кириш учун тайёр бўлиб туришибди. Гўёки толибларнинг раҳбари мулла Умар Ўзбекистонга жиҳод эълон қилган эмиш.

Шу фактларнинг ўзи ҳам аҳвол нечоғлик мураккаб бўлганини яққол намоён этади.

Мана шу вазиятда сувни атайлаб лойқалатишдан мақсад – халқимизни саросимага солиб қўйишдан иборат эканини ўзларингиз ҳам англаб турган бўлсангиз керак.

Ўша кезлари менга аксарият Европа мамлакатларидан телефон қилиб, Ўзбекистонга бормоқчи эдик, тинчликми ўзи, юртингизда уруш

бўлмаептими, деб сўрашгани ҳамон ёдимда. Хуллас, биз мана шу вазиятда қатъий қарор қабул қилдик ва танлаган йўлимиздан қайтмадик. Нега деганда, яна таъкидлайман, бу йўл бизнинг манфаатларимизга мос ва уйғун эди.

Ҳозир қаерга бормайлик, америкаликлар ўша оғир дамларда бегараз қўллаб-қувватлаганимиз учун бизга ташаккур дейишмоқда. Куни кеча Америка Қўшма Штатлари Президенти Буш жанобларига, бир неча йил мобайнида Ўзбекистонга доимий равишда таҳдид солиб келган хавфу хатардан халос этгани учун АҚШдан миннатдор эканимизни маълум қилдим.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, яна бир маротаба ўзимнинг, кўпмиллатли халқимнинг номидан шуни айтмоқчиманки, бизни, Марказий Осиёда истиқомат қилаётган инсонларни, бир сўз билан айтганда, башариятни аср вабосига айланган ёвуз офат балосидан халос этганингиз учун сизлардан бағоят миннатдоримиз.

Истиқболдаги муносабатлар ҳақидаги саволга келсак, шуни рўй-роҳ айтиш керакки, Америка Қўшма Штатлари вакиллари Ўзбекистонда, умуман, Марказий Осиё мамлакатларида мунтазам базалари бўлмаслигини аллақачон маълум қилишган.

Америка Қўшма Штатларининг ушбу минтақадаги фаолияти, биринчи навбатда, антитеррор ҳаракатлари қачон яқун топишига боғлиқ, албатта. Масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, маълумки, антитеррор ҳаракатларидан кўзда тутилган мақсад – даҳшатли террор машинасини бутунлай йўқ этишдан иборат. Бунинг учун қанча фурсат талаб қилинса, Америка Қўшма Штатлари шунча вақт Ўзбекистонда қолиши мумкин.

Бугунги кунга келиб, вазият шундай тус олдики, бизнинг Америка Қўшма Штатларининг транспорт самолёт ва вертолётлари қўниши учун аэродром ажратишимиз ҳам ёки бўлмаса, антитеррор ҳаракатларига бош қўшишимиз ҳам Россия Федерацияси билан ўзаро келишув асосида амалга ошган, десак бўлаверади.

Умуман, Россия Федерациясида бу масалаларга турлича қараш ва турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг орасида Америка Қўшма Штатлари бизнинг сарҳадларимизга туташ ҳудуддаги халқаро террор-

чиларга қақшатқич зарба берганини тўғри тушунадиганлар ҳам оз эмас. Нега деганда, толиблар ва террорчилар Россия Федерациясига ҳам доимий равишда хавф солиб келган, мамлакатнинг жанубий сарҳадларида нотинчлик келтириб чиқариш хатари узлуксиз ташвиш уйғотиб келарди. Мана шу вазиятда бу тадбир уларнинг ўзига ҳам катта амалий ёрдам бўлди, ҳозир аксарият кўпчилик буни тўғри англаб, антитеррор ҳаракатларини маъқулламоқда. Қолаверса, Россия Федерацияси антитеррор коалициясининг фаол аъзосидир. Шу маънода, айтиш жоизки, бу мамлакатда ҳам Америка Қўшма Штатлари билан Россия Федерациясини бир-биридан узоқлаштирадиган муаммоларга нисбатан уларни яқинлаштирадиган муштарак масалалар ғоят беҳисоб, деган фикр шаклланиб бормоқда. Ўйлайманки, Россия Федерацияси Президенти жаноб Путин ҳам худди шундай фикрнинг тарафдоридир.

Шахсан мен, муносабатларнинг мана шундай соғлом ривож топиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман.

— Жаноб Президент, Сиз Афғонистонга ниҳоятда яқин жойда, унга қўшни мамлакатда истиқомат қиласиз. Шу маънода, Сизнинг ўз минтақангиз ҳақидаги билим ва тажрибангиз ғоят қимматлидир. Мен шундан келиб чиқиб, сиздан бир масалада фикр сўрамоқчиман. Айтинг-чи, Афғонистонда халқаро тинчликпарвар кучларни жалб этмасдан барқарорлик ўрнатиш мумкинми?

Шундан келиб чиқадиган иккинчи саволим — АҚШ қуролли кучлари иштирок этмаган тақдирда, тинчликпарвар кучлар ҳаракати кутилган даражада самара берадими?

— Антитеррор ҳаракатларининг биринчи босқичи муваффақиятли яқун топганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳаракат юксак даражада ниҳоясига етказилди. Мукаммал ишлаб чиқилган стратегик режанинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши ушбу босқичда катта талафотларнинг олдини олди. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди, албатта.

Маълумки, ҳозир нисбатан оғир бўлган навбатдаги босқич бошланди. Таъкидлаб айтаман, бу босқичнинг ўзига хос қийинчиликлари

бўлиб, у Афғонистоннинг доимий ҳукуматини шакллантириш ҳамда давлатчилиқни тиклашни тақозо этади.

Афғонистонда қандай куч ҳокимият тепасига келади? Бу мамлакатдан яна бизга хавфу хатар таҳдид соладими ёки йўқми? Албатта, бу масалалар бизни лоқайд қолдирмайди.

Шу маънода, айтиш керакки, антитеррор ҳаракатларининг биринчи босқичи яқун топганидан, яъни толиблар ва “Ал-Қоида”нинг террор машинаси яқсон этилганидан кейин юзага келган нозик вазиятдан бошқа ҳеч бир куч ўз манфаати учун фойдаланишига йўл қўймаслик даркор.

Афғонистонда шундай омиллар мавжудки, улар бизни доимо жиддий хавотир ва ташвишга солиб келган. Турли қабилалар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар мана шуларнинг биридир.

Бугунги кунда ҳокимият марказий муваққат ҳукумат томонидан тўлиқ бошқарилаётгани йўқ, балки у жойлардаги дала қўмондонлари ва жангари гуруҳлар қўлида, десак, ўйлайманки, бу ҳам хато бўлмайди.

Яна бир омил шундан иборатки, уруш ва нотинчликлар оқибатида мамлакатда жуда катта миқдорда қурол-яроғ йиғилиб қолган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, бугунги кунда афғон фуқаролари, шунингдек, турли гуруҳлар қўлида 10 миллион дона ўқотар қурол мавжуд.

Ҳозир бу қурол-аслаҳалар яшириб қўйилаётганини тасаввур этиш қийин эмас, лекин эрта бир кун улар яна қўлга олинмаслигига ким кафолот беради?

Ҳар биримизни ўйлантираётган яна бир масала — толиблар ва “Ал-Қоида” жангарилари қаёққа гойиб бўлишди? Улар қаерга сингиб кетишди? Эрта бир кун қаерда ва кимнинг остонасида ҳозир у нозир бўлишади?

Яна бир муҳим масала — Афғонистоннинг қуролли кучларини тузиш билан боғлиқ, албатта. Хўш, бу қандай армия бўлади? Кимга итоат этади, кимнинг йўриғига юради?

Табийки, бу муаммоларнинг энг муҳими — тинчлик ва барқарорликни сақлашдан, Афғонистонни қайта тиклашдан иборатдир.

Ҳозир мамлакатга инсонпарварлик ёрдамлари келиб турибди, бу — яхши, лекин у қачонгача давом этади?

Шунинг учун яқин келажакка ҳозирлик кўриш, мамлакатнинг ўзида моддий неъматлар асосини яратиш, одамларни қурол-яроғни ташлаб, ҳалол меҳнат қилиш, ризқ-насиба топишга йўналтирадиган ва шунга яраша шарт-шароит яратиб берадиган мутасадди ташкилот ва корхоналар барпо этиш лозим, албатта.

Афғонистоннинг келажаги билан боғлиқ бўлган яна бир долзарб масала мавжуд, у ҳам бўлса, шу йил июнда Лойя Жирға, яъни, оқсоқоллар кенгаши томонидан ҳукумат аъзоларининг сайланишидир.

Янги ҳукуматнинг қандай сиёсий қарашларга эга бўлиши, ўйлайманки, ҳал қилувчи аҳамиятга молик масала.

Агар биз мана шу омилларни инобатга оладиган бўлсак, Афғонистонда эртага ҳам барча ишлар рисоладагидек бўлади, дейиш қийин. Хотиржамликка берилишга асос йўқ.

Сизнинг иккинчи саволингизга келсак, тинчликпарвар кучларнинг, айниқса, Афғонистондаги дала кўмондонлари, турли қабилалар ва этник гуруҳларнинг ўзаро ички низоларига аралашиб қолмаслиги гоят муҳим, деб биламан. Чунки мана шундай низоларнинг келиб чиқиш эҳтимоли йўқ эмас. Бундай вазиятда унга аралашиб қолиш хунук салбий оқибатлар келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Халқда шундай ҳикмат бор: икки кимса уруш-жанжал қилганида, кимда-ким унга аралашса, икковлон адоватни унутиб учинчи одамга ҳужум қилади.

— Сиз Америка Қўшма Штатларига бетараф туришни маслаҳат берасизми?

— Йўқ, мен бу ҳикматни сиз англаган маънода айтганим йўқ. Демокриманки, Америка Қўшма Штатлари беқиёс саъй-ҳаракатлар билан “Ал-Қоида” ва толибларнинг террор машинасини яксон этди, энди мана шу муваффақиятни арзимаган хатолар туфайли бой бериб қўймаслик лозим.

Америка Қўшма Штатлари ҳеч вақт назоратни қўлдан чиқармаслиги даркор. Лекин, ҳарбий куч ишлатиш, Афғонистон ҳудудида қуруқликдаги қўшинлардан фойдаланиш тамомила бошқа масала эканини ҳам унутмаслик лозим. Бу кучлар, менинг назаримда, ҳозир афғон во-

қеаларининг фақат махсус операциялардан иборат қисмида иштирок этиши мақсадга мувофиқдир.

— Сизнинг ажойиб мамлакатингизга икки мартаба бориш менга насиб этди. Ўзбекистонда мен журналист сифатида айрим муаммоларга дуч келдим. Демокриманки, журналистларнинг Хонобод аэродромини бориб кўришига қачон ижозат берилади?

— Агар, ўз мамлакатингиз, яъни Америка Қўшма Штатлари томонидан эътироз бўлмаса, биз ҳам сизнинг америкалик ҳарбийлар жойлашган Хонобод аэродромига боришингизга мутлақо қарши эмасмиз.

Ўзбекистонда хорижий журналист, агар, аккредитация қилинган бўлса, унинг қаергадир кириш ё кирмаслиги борасида муаммо бўлиши мумкин эмас. Ўз таъбирингиз билан айтганда, “ноу проблем”.

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида антитеррор ҳаракатини амалга ошириш даврида бизнинг мамлакат ҳудудидан, аниқроғи, Хонобод аэродромидан фойдаланиш тартиблари тўғрисида махсус ҳужжат имзоланган. Биз ўз ҳамкорлигимизга доир масалаларни мана шу ҳужжатдаги ҳуқуқий-меъёрий мезонлар доирасида ҳал этамиз. Шу маънода, Хонобод аэродромига кириш-кирмаслик масаласи Президент томонидан рұхсат бериш ёки бермаслик билан боғлиқ эмас, албатта.

Ўзбекистонда ҳар қандай муаммо ечимини таъмин этадиган меъёрий ҳужжат мавжуд бўлиб, унга амал қилинади. Агар Америка Қўшма Штатлари қўшимча хоҳиш-истак билдирса, биз бу таклифни ҳам алоҳида кўриб чиқишимиз мумкин.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, сизларга яна шуни айтмоқчиманки, Америка Қўшма Штатларининг антитеррор ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон ҳудудида, хусусан, Хонобод аэродромида жойлашган қарийб минг кишилиқ кўшинига шахсан менинг, халқимизнинг муносабати илиқ ва самимий, десам, асло хато бўлмайти.

Шу пайтга қадар бирон-бир ҳолатда тартибсизлик ёки ўзаро келишувга номувофиқ хатти-ҳаракатлар содир этилган эмас. Сизларнинг нашрларингиз орқали мана шундай ажойиб фарзандларни тарбиялаб вояга етказган ота-оналарга, ҳар жиҳатдан ўрнатилган бўлгулик интизомли аскарларнинг тарбиячиларига, умуман, Америка халқига Ўзбекистон

Президенти сифатида ўз миннатдорчилигимни билдиришга ижозат бергайсизлар.

— Америка Қўшма Штатлари Президенти жаноб Буш Афғонистондаги антитеррор ҳаракатига қўшган муносиб ҳиссангиз учун Сизга миннатдорчилик билдирди. Америка Қўшма Штатларининг мамлакатингиздаги ички муаммоларни ечиш ва ички терроризмга қарши курашдаги ёрдамидан қониқиш ҳосил этасизми?

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам, кечаги суҳбат давомида Америка Қўшма Штатлари Президенти Буш жаноблари бизнинг холисона ёрдамимиз, антитеррор ҳаракатларидаги иштирокимиз ва ўз вақтида қатъият билан қарор қабул қилганимиз учун Ўзбекистонга ўз миннатдорчилигини изҳор этди.

Энди, ёрдам масаласига келсак, биз унга муҳтож эмасмиз, десам, унчалик тўғри бўлмайди, агар, очиқ айтадиган бўлсак, биринчи навбатда сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳамда техникавий мададга эҳтиёжимиз мавжуд.

Шуни ҳам рўй-рост айтиш керакки, антитеррор ҳаракатларида иштирок этишга қарор қилганимиздан сўнг, айрим хорижий нашрларда мана шунинг эвазига Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон учун 8 миллиард доллар ажратгани ҳақида ғалати хабарлар пайдо бўлди. Бундан ҳатто бизнинг ўзимиз ҳам ҳайрон қолдик.

Куни кеча эса, Америка Қўшма Штатлари Давлат котибининг ўринбосари Элизабет Жоунс 2002 йилда Ўзбекистонга молиявий ёрдам тариқасида 160 миллион доллар ажратилишини маълум қилди.

Сизлар билан ҳамсуҳбат бўлиб турганимдан фойдаланиб, шуни айтмоқчиманки, биз ўзимизга берилаётган ёрдамни рақамлар ёки ажратилиши кўзда тутилган маблағ ва унинг миқдори билан ўлчамаймиз, албатта.

Биз эҳтиёж сезаётган асосий ёрдам шундан иборатки, сиёсат, иқтисодиёт ва бошқа барча соҳаларда бизга ўзимиз бошлаган кенг кўламли ислохотларни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттиришда сизларнинг кўмагингиз ниҳоятда зарур.

Сиз билан бизнинг ҳамкорлигимиз Ўзбекистонда ўз ечимини кутаётган кўпгина масалалар билан бевосита боғлиқ бўлиши даркор, деб ўйлайман.

ВИЗИТ В АМЕРИКУ

Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтмоқчиманки, биз Ўзбекистонда ички терроризмга қарши курашга қаратилган бирон-бир амалий ёрдам олганимиз йўқ. Ҳайлайманки, бундай эҳтиёж туғилмаса керак.

Мен мамлакатимиздаги ҳаётни яхши билганим учун шундай деяпман.

Айни пайтда, ҳар икки давлат хавфсизлик хизматлари ўзаро ҳамкорликда фаолият юритаётганини яшириб ўтиришга ҳолат бўлмаса керак. Лекин қандайдир ички қарши кучлар ёхуд мамлакат ҳудудидаги террорчилар билан курашиш учун бизга ҳеч қандай ёрдам зарур эмас. Демокриманки, бизни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон бирдек манфаатдор бўлган соҳаларда амалий ҳамкорлик даркор.

Шуни таъкидлаб айтаманки, биз ўз олдимишга мақсад қилиб қўйган барча демократик дастурларни тўлиқ рўёбга чиқарамиз, шу билан бирга демократик кадриятларни бекаму кўст ўрнатамиз. Лекин биз бу ишларни Америка Қўшма Штатларида ўзимизга нисбатан хайрихоҳлик туйғусини уйғотиш учун қилмаймиз, албатта. Биринчи навбатда, бу — ўз манфаатларимишга, Ўзбекистон манфаатларига мос ва уйғун бўлгани учун уларни амалга оширамиз. Биз ўз Ватанимишда ўзимиз, халқимиш, келажак авлодларимиш учун янги давлат барпо этаяпмиш. Бу — демократик давлат бўлиб, Америка Қўшма Штатлари, Япония, Европа мамлакатлари сингари унда барча шарт-шароитлар, эркинликлар устувор бўлишидан, биринчи галда, бизнинг ўзимиз манфаатдормиш.

*2002 йил 13 март,
Вашингтон.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ "ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ЛИДЕР" МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Гроус жаноблари,
Директорлар кенгаши аъзолари,
Хонимлар ва жаноблар,

Авваламбор, сизларга ўз халқимнинг илиқ ва самимий саломини етказар эканман, менга кўрсатилган юксак эҳтиром — “Халқаро миқёсдаги лидер” деб аталган нуфузли мукофотнинг топширилиши муносабати билан ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

Бу юксак мукофотнинг айнан шу ерда — бутун дунёда тан олинган ва ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлган АҚШ яҳудийларининг миллий марказида, Холокост фожиаси, ирқий камситиш ва антисемитизм даҳшати, геноцид ва террорчилик каби бало-қазоларнинг ваҳший қиёфаси нима эканини ўз ҳаёти мисолида яхши биладиган одамларни бирлаштирган жойда топширилиши ҳам мен учун, менинг мамлакатим, Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга.

Айниқса, бу мукофотни топшириш маросими Нью-Йоркда — 2001 йилнинг 11 сентябрида содир этилган, инсоният тарихидаги ўта шафқатсизлик ва сурбетлик, ғайриинсонийлик ва ақидапарастлик интилишларининг энг ёвуз кўринишларидан бири бўлган, бутун дунёни ларзага солган террорчилик хуружининг нишонига айланган шаҳарда ўтаётгани ҳам алоҳида маъно-мазмунга эга, деб ўйлайман.

Чунки биз, 11 сентябрь воқеаларини нафақат Нью-Йорк шаҳри аҳолиси, нафақат барча Америка фуқаролари, балки бутун инсоният бошига тушган фожа эканини яхши англаймиз. Агар кимда-ким ирқчилик, диний ақидапарастлик ва экстремизм мафқураси билан ўзаро чатишиб, томир отиб кетган террорчилик хавфи нечоғли даҳшатли офат эканини мана шу воқеа содир бўлгунича тушунмаган бўлса, ўйлай-

манки, 11 сентябрь воқеалари кўпчиликнинг кўзини очди ва бу таҳдид жаҳон ҳамжамияти учун қанчалик хавфли эканини яна бир бор тасдиқлади.

Бу офат, бу бало-қазо ҳар бир мамлакат, ҳар бир хонадонга кириб бориши мумкинлигини ва ундан фақат халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракат ва имкониятларини бирлаштирган ҳолдагина ҳимояланиш мумкинлигини ҳам бугун дунё тушуниб етди. Бундай ёвузлик билан асло келишиб бўлмаслиги, ҳозирги пайтда ҳеч бир мамлакат XXI аср вабоси бўлмиш бу иллатга қарши курашдан четда тура олмаслигини англаган ҳолдагина унга бас келиш мумкинлиги ҳам бугунги кунда айна ҳақиқат бўлиб турибди.

Мен яна бир бор такрорламоқчиман — инсоннинг эркин яшаш ҳуқуқи ва бахтли ҳаётга бўлган интилишини, унинг фарзанд тарбиялаш, ўзи ёқтирган иш билан шуғулланиш ҳуқуқини, қолаверса, одамзотнинг энг муқаддас бойлиги — яшаш ҳуқуқини инкор этувчи бу ёвуз куч билан келишиш, мурса қилиш асло мумкин эмас.

Нега деганда, бундай ақидапараст кимсалар раҳм-шафқат ва ачиниш ҳиссидан мутлақо бегона эканини, улар учун инсон ҳаёти ҳеч қандай қадр-қимматга эга эмаслигини кейинги йилларда дунёнинг турли бурчакларида содир этилаётган террорчилик ҳаракатлари мисолида кўриб-билиб турибмиз. Бу ёвуз кимсаларнинг атоқли бир ёзувчи айтган **"бутун жаҳоннинг бойлиги ноҳақ ранжитилган гўдакнинг бир томчи кўз ёшига арзимайди"**, деган фикрни тушуниши мумкинлиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ўзи ортиқча.

Мана шу Нью-Йорк шаҳрида бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотираси олдида ҳурмат бажо этган ҳолда, шуни айтмоқчиманки, биз, Ўзбекистон халқи америкаликларнинг ватанпарварлигига таҳсинлар айтмоқдамиз. Мен асл моҳияти ва манбаи ҳақида ҳали кўп ёзиладиган, гапириладиган, ўрганиладиган бу олижаноб фазилатни ўзига хос ноёб маънавий ҳодиса, деб атаган бўлар эдим. Чунки айнан шу ватанпарварлик туйғули бутун Америка халқи умумий хавф қаршисида бирлашди ва бу туйғу Америка жамиятининг деярли барча бўғинларида яққол намоён бўлди.

Биз айниқса Нью-Йорк шаҳри аҳолисининг қаҳрамонлиги ва жасоратига қойил қолдик, десам, асло муболага бўлмайди. Улар ўша фожиали кунларда ўзини йўқотиб қўймади, таҳликага тушмади, аксинча, ҳайратланарли даражада ўзларининг бирдамлигини ва инсоний матонатини намойиш этди. Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, энг юксак эҳтиромга муносиб ва ибратлидир.

Мен бугун, авваламбор, Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарлари ҳокимиятларига, жамоат ва давлат муассасаларига ва, албатта, АҚШ Конгрессига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Америка Конгресси ўша кунлари деярли узлуксиз ўтказилган мажлисларида террорчиликка қарши изчил ва кенг миқёсда кураш бошлаш учун зарур бўлган барча қонун ҳужжатлари ва қарорларни қабул қилди. Бу ҳужжатлар мавжуд куч, маблағ ва имкониятларни қисқа муддатда ана шу мақсад йўлида сафарбар этиш имконини берди.

Ўз навбатида содир этилган фожианинг айбдорларини топиш ва уларни қилмишларига яраша жазолаш учун АҚШ бошчилигидаги халқаро коалицияни шакллантириш борасида етарли ҳуқуқий асос яратилди.

Мен АҚШ Президентига, унинг жасорати, матонати ва юксак иродасига қойил қолганимни очиқ айтишим керак. Шу нарсани қатъий таъкидламоқчиманки, айнан ана шу — Америка учун оғир синов кунларида жаноб Буш ўзининг ҳақиқий етакчи эканини кўрсатди ва нафақат Америка Қўшма Штатларида, балки бошқа олис давлатларда ҳам юксак ҳурмат ва эътибор қозонди.

Ўзбекистон, жуғрофий жиҳатдан, Нью-Йоркдан анча узоқда жойлашган бўлса-да, террорчилик жиноятлари содир этилган ўша кунларда биз ўзимизни сизлар билан бирга, бамисоли ёнма-ён тургандек ҳис этдик. Бу ерда рўй берган даҳшатли воқеаларни телевизор орқали кўриб, ўз муносабатимизни билдириб турдик. Ҳатто инглиз тилини билмайдиган фуқароларимиз ҳам “Си-Эн-Эн”, “Си-Би-Эс”, “Эн-Би-Си Ньюс”, “Би-Би-Си” каби ахборот агентликлари узатган лавҳа ва хабарларни мунтазам кузатиб борди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ахборот агентликлари бир зумда умуминсоний фожиага айланиб кетган бу воқеалардан дунёнинг турли бурчакларида яшаётган кўп-кўп одамларни вақтида хабардор қила олди. Барчамиз газета хабарлари орқали ҳам бу воқеаларни диққат ва ҳаяжон билан кузатиб бордик.

Мен яна ва яна бир бор таъкидламоқчиман: биз америкаликларнинг, авваламбор, журналистларнинг жасоратига чин юракдан таҳсинлар айтамыз. Улар нафақат маҳорат ва ўзларининг профессионал ма-лакаларини, балки юксак инсоний ва фуқаролик фазилатларини ҳам намоён этдилар, беғуноҳ қурбон бўлганлар ва уларнинг оилаларига ўзларининг ҳамдардликларини етказа олдилар.

Энди амалга оширилаётган антитеррор операциясида Ўзбекистоннинг тутган позицияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Авалло, шу фикрни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистоннинг бу борадаги позицияси бошданок аниқ ва қатъий бўлди. АҚШ учун мусибатли бўлган ўша дамларда биз ўз позициямизнинг тўғри экани ҳақида бир дақиқа бўлсин иккиланганимиз йўқ ва ҳеч шубҳасиз, ўзимизни сизлар билан бирга деб билдик. Биз кимнинг ким экани айнан мана шундай синов дамларида яққол намоён бўлишини яхши тушунамыз.

Бугун, мен сизларнинг очиқ чеҳрангизга қараб, юқорида айтилган фикрни яна бир бор такрорламоқчиман: биз бу йўлни онгли равишда танладик. Агар бу борада яна бир марта қарор қабул қилишга тўғри келса, биз ҳеч иккиланмай айна шундай йўл тутган бўлар эдик. Чунки, бизнинг позициямиз ўзгармасдир.

Бизнинг нечоғли қийин ва мураккаб бир шароитда мана шундай қарорга келганимизни ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг. Ўша пайтда Ўзбекистонга қарши ҳақиқий ахборот уруши эълон қилинган эди. Баъзи мамлакатларнинг деярли барча телеканаллари ва оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ва унинг Президентига қарши жиҳод эълон қилингани тўғрисида тинимсиз гапирилаётган, ўзбек-афгон чегарасида толибларнинг минглаб яхши тайёргарликдан ўтган аскарлари тўплангани, улар тез орада чегарадан ўтиб, Ўзбекистонга бостириб

кириши ҳақида ҳар соатда хабарлар тарқатилаётган, газеталар саҳифаларида “Толибон” жангариларининг эртага Бухоро, Самарқанд, Тошкент вайроналарида намоз ўқиши тўғрисидаги баёнотлари чоп этилаётган, гўёки одамларнинг ваҳимага тушиб, Ўзбекистондан қочиб кетаётгани, мамлакатда тартибсизлик ҳукм сураётгани тўғрисидаги қип-қизил ёлғондан иборат ахборотлар тарқатилган, мамлакат аҳолиси ўртасида қўрқув ва саросима кайфиятини туғдириш мақсадида тарғиботнинг бошқа, янада маккор усулларида фойдаланилаётган бир шароитда бундай қарорга келиш осон бўлгани йўқ, албатта.

Буларнинг барчаси Афғонистонда антитеррор операцияси бошланишидан бир ҳафта олдин рўй берган эди. У вақтда нафақат ушбу операциянинг натижасини олдиндан кўра билиш, балки унинг қачон бошланиши ва нима билан тугашини айтиш ҳам мушкул эди. Бу операция оқибатлари қандай бўлиши, улар Ўзбекистонга қандай таъсир ўтказиши ҳали мутлақо номаълум бўлган бундай мураккаб, хатарли вазиятда қатъий, аниқ ва равшан позицияни эгаллаш мен учун осон бўлмаганини ўзингиз яхши тасаввур қиласиз, деб ўйлайман.

Бугун, операциянинг биринчи босқичи якунлангач, толибларнинг ҳарбий машинаси асосан яксон этилгач, ёв қочса, ботир кўпаяди, деганларидек, кўпгина “оташин” курашчилар пайдо бўлди, улар антитеррор операциясини мислсиз қатъият билан қўллаб-қувватламоқда ва ҳатто унда иштирок этиш истагини билдирмоқда. Бироқ ҳарбий ҳаракатлар бошланмасдан олдинги вазият бутунлай бошқача эди. Ўшанда менга ҳатто баъзи қўшнилариимиз қўнғироқ қилиб, “Нима қиляпсиз? Кўркмайсизми?” деб сўрашган эди.

Яна бир бор айтмоқчиман, ўша таҳликали кунларда биз ким нимага эга бўлиши хусусида савдолашмадик ва ўзимиз учун бирон-бир фойдани кўзламай, фақат умумий хатарни бартараф этишни ўйлаб қатъият билан ҳаракат қилдик.

Эътиборингизни иккинчи бир фикрга қаратмоқчиман.

Ҳа, бугун антитеррор операциясининг биринчи босқичи поёнига етмоқда, лекин биз яхши тушунамизки, террорчилик ва унинг кўри-нишларига қарши кураш ҳали узоқ давом этади. Бу курашда биз АҚШ

давлатининг, Президент Буш жанобларининг террорчилик машинаси-ни таг-томири билан йўқотишга қаратилган операцияни охирига етказиш борасидаги қатъиятини қўллаб-қувватлаймиз.

Аммо, шуни афсус билан қайд этишга тўғри келадики, вақт бизни 11 сентябрь фожиаларидан узоқлаштиргани сари айрим мамлакатларнинг бир қатор сиёсат ва давлат арбоблари халқаро террорчиликнинг ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайдиган улкан хавфини унутиб қўйишмоқда. Афғонистон ҳудудида олиб борилаётган антитеррор операцияси муваффақиятли амалга оширилаётганига қарамай, терроризм ҳали батамом йўқотилгани йўқ ва у ҳар қандай дақиқада, ҳар қандай вазиятда яна ўзининг ваҳший башарасини кўрсатиши мумкин.

Бу арбобларни халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги бирдамликни янада мустаҳкамлаш, бу йўлдаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва, ҳатто, АҚШ томонидан бугунги кунда халқаро террорчиликка қарши кураш йўлида сарфланаётган катта-катта маблағлар эмас, балки у ёки бу минтақада сиёсий ва ҳарбий-сиёсий кучлар нисбати қанчалик ўзгариши, кимнинг мавқеи кучайиши ва кимники сусайиши каби масалалар кўпроқ ташвишга солмоқда.

Ўйлайманки, бу ўринда бизнинг халқимизнинг, тўйдан олдин ногора чалишнинг нима кераги бор, деган иборасини эслаш ўринли бўлади.

Энг ёмони шундаки, бундай ёндашув ва бундай асосдаги сиёсат халқаро антитеррорчилик коалициясининг бирдамлиги ва жипслигига салбий таъсир этиши мумкин.

Шу ўринда бир савол туғилиши табиий: Ўзбекистоннинг халқаро террорчилик, ашаддий экстремизм ва ақидапарастлик кўринишларига қарши курашда тутган муросасиз ва изчил позицияси нималар билан изоҳланади?

Гап шундаки, Ўзбекистон террорчиликнинг жиддий ва хавфли кўри-нишларига, радикализм ва диний экстремизм хуружига, мамлакатимизни ўзи танлаб олган демократик ривожланиш йўлидан оғдиришга қаратилган ёвуз уринишларга 11 сентябрдан анча олдин дуч келган. Айтиш керакки, биз мамлакатимизнинг ўн йиллик мустақил тараққиё-

ти давомида бундай хавф-хатарлар таъсирини муттасил ҳис этиб яшадик.

Ўзбекистон Президенти сифатида менинг ўзим диний экстремизм ва ашаддий ақидапарастлик кўринишидаги, ваҳший қиёфадаги бундай ёвуз кучга неча бор дуч келганман.

Шу муносабат билан куйидагиларни таъкидламоқчиман.

Биз ота-боболаримиз дини бўлган ислом динини ҳеч қачон инкор этмаганмиз ва ундан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Айни вақтда биз ислом ғоялари билан ниқобланиб олган жангари, ашаддий ақидапарастлик руҳидаги диний оқимларга мутлақо қаршимиз ва улар билан ҳеч қачон келиша олмаймиз. Биз исломнинг дин сифатида сиёсийлаштирилишини ҳам қабул қила олмаймиз.

Биз, одамларни осойишталик ва яратувчиликка, турли миллат ва дин вакиллариини ўзаро мурося, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик асосида яшашга даъват этадиган анъанавий, тинчликпарвар муқаддас ислом тарафдоримиз.

Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихи давомида антисемитизм, ирқий ва диний камситиш ҳоллари бизнинг заминимизда ҳеч қачон намоён бўлган эмас. Мен Ватанимиз тарихидан одамлар ўртасида миллий ва диний асосда низо чиққан бирон-бир воқеани мисол келтира олмайман. Биз Ўзбекистон тарихида, ушбу заминда юзлаб ва минглаб йиллар мобайнида ислом дини билан бошқа динлар, жумладан, яҳудо дини яшаб келгани билан фахрланамиз. Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизм даҳшатларидан қочган 250 мингдан зиёд яҳудий миллатига мансуб аҳоли Ўзбекистондан паноҳ топгани халқимизга хос ана шундай бағрикенгликдан далолат беради.

Ўша оғир синов йилларида Ўзбекистон ўлкамизга кўчириб келтирилган ўнлаб миллат вакиллари қатори яҳудийлар учун ҳам қадрдон Ватанга айланди. Бизнинг буюк шоиримиз Фафур Фулом фашизм томонидан қувғин ва қирғинга учраган халқ билан бирдамлик туйғусини ифода этиб, “Мен — яҳудийман” шеърини ёзган. Унда яҳудий халқининг ажойиб инсоний фазилатлари ва айниқса меҳнаткашлиги ва дошишмандлиги тараннум этилган.

Айтиш керакки, Ўзбекистон ҳудудида яшаётган яҳудий халқи ушбу заминда ўзининг 2500 йиллик тарихига эга. Ўзбек ва яҳудий халқлари ўзларининг кўп асрлик муносабатлари давомида ўзаро нифоқ ва айирмачилик нима эканини билмаган. Бухоро яҳудийлари каби ноёб этник-маданий жамоа минг йиллар давомида айнан бизнинг заминимизда шаклланган. Бу халқнинг маданияти, бир томондан, ниҳоятда бой бўлган яҳудий маънавий анъаналарига асосланган, бошқа томондан эса, Марказий Осиё халқлари қадимий меросидан ҳар томонлама ижобий озиқланган.

Бизнинг бой ва қадимий тарихимиз ана шундай ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Ва биз бу тарих билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мен юртимизнинг бугунги тараққиёти ҳақида гапирар эканман, биз учун, минтақамизда яшаётган барча халқлар учун ўзимиз қатъий танлаб олган очиқ демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлидан оғдиришга қаратилган турли хавф-хатар ва уринишлар ҳали-ҳануз сақланиб қолаётганини таъкидламоқчиман.

Биз Ватанимизнинг жанубий чегаралари орқали мамлакатимизга суқилиб киришга уринаётган ашаддий диний экстремизм ва ақидапарастлик нақадар хавфли эканини яхши биламиз.

Бундай хавф-хатарларнинг юзага чиқиши бизни ўнлаб, юзлаб йиллар орқага, ўрта асрларга хос зулмат ва жаҳолат даврига улоқтириб юбориши мумкинлигини ҳам тушунамиз.

Ана шундай қалтис шароитда барча зарур чораларни, айтиш керакки, бундай хавф-хатарларнинг йўлини тўсишга қаратилган тадбирларни кўрмаслик халқимиз олдида, аввало эртага бизнинг ўрнимизга келадиган фарзандларимиз, янги авлод олдида жиноят эканини яхши англаймиз.

Шундан келиб чиқиб, жамиятимизда амалга оширилаётган демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш, демократик қадриятларни одамларимиз онгига теранроқ сингдириш, Ўзбекистоннинг тараққий топган дунё билан интеграциялашувини таъминлашни ўзимиз учун энг муҳим вазифа, деб биламиз. Айнан шу боис биз Кадрлар тай-

ёрлаш миллий дастурини қабул қилдик. Уни амалга оширишга устувор вазифа сифатида аҳамият бермоқдамиз.

Бугун юзлаб ва минглаб ёшларимиз Америка, Европа, Япониянинг нуфузли олий ўқув юртларида таълим олмақда. Юртимизда олий ва умумий ўрта таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Айни пайтда биз замонавий талабларга жавоб берадиган юзлаб лицейлар, минглаб коллежлар барпо этмоқдамиз. Бизнинг ишончимиз комилки, бу ўқув муассасаларида таълим олаётган фарзандларимиз нафақат Ватанимиз равнақи, иқтисодиётимиз тараққиётини, балки биз бугун барпо этаётган янги жамиятнинг демократик қиёфасини белгилаб берадиган бунёдкор авлодга айланади. Чунки бугун бизнинг мамлакатимизда бутунлай янгича фикрлайдиган, юртимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлод шаклланмоқда.

Табиийки, буларнинг барчаси, биринчи навбатда, катта маблағ, кўп вақт талаб этади. Бироқ, мен аминманки, биз бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни охирига етказамиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Сўзимнинг ниҳоясида сизларга менга берилган юксак мукофот учун яна бир бор ўз миннатдорлигимни изҳор этиб, барчангизга ўз номидан, бутун Ўзбекистон халқи номидан энг эзгу ва олижаноб тилаклар билдиришга ижозат бергайсиз.

Мен бу мукофотни бутун ўзбек халқининг халқаро террорчиликка қарши курашга, умуминсоний кадриятларни ҳимоя қилиш, бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка эришишдек хайрли ишга қўшган ҳиссаси учун берилган муносиб баҳо, деб қабул қиламан.

Эътиборингиз учун раҳмат.

*2002 йил 13 март,
Нью-Йорк.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ НИҲОЯСИДА ЖУРНАЛИСТЛАРГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ

Бугун Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатларига сифари давомида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар, имзоланган ҳужжатларни, умуман, ушбу расмий ташрифга доир барча маълумотларни яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказиб, бу натижаларга холисона баҳо бериш зарур.

Аввало, шуни айтмоқчиманки, албатта, ҳар қандай ташрифдан кўзланган ўзига хос ва ўзига мос аниқ мақсадлар бўлади. Жумладан, дунёдаги энг кучли давлат деб тан олинаётган Америка Қўшма Штатларига ташриф буюришдан бизнинг аниқ мақсадимиз бор эди. Ташрифга тайёргарлик ана шу аниқ мақсадларга қарата олиб борилишини, ўйлайманки, жамоатчилигимиз яхши тушунади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Америка Қўшма Штатларига бўлган бу ташрифга тахминан уч ой давомида тайёргарлик кўрилди. Биз мана шу вақт мобайнида белгиланган мақсадимизга эришиш йўлида ўз режаларимизни тузганмиз.

Бугун табиий бир савол пайдо бўлиши мумкинки, биз мана шу қўйилган мақсад-муддаоларимизга етдикми, йўқми? Мен ташриф натижаларига мана шундай кўз билан қараб баҳо беришни таклиф қилмоқчиман.

Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, мазкур ташриф натижаларидан мамнун бўлишга ва у муваффақиятли амалга оширилди, деб баҳо беришга барча асосларимиз бор. Бу баҳо, авваламбор, нималарда кўрилади?

Биринчидан, бу Ўзбекистон вакиллари қабул қилишдаги ҳурмат-эҳтиромда, илиқликда, дўстона муносабатда яққол намоён бўлади. Биз бундай муносабатга алоҳида эътибор қаратишимиз, унга юқори баҳо беришимиз зарур, деб ўйлайман.

Делегация раҳбари сифатида ташриф якунлари ҳақида гапирадиган бўлсам, авваламбор “Белгиланган учрашувлар қандай ўтди ва улар-

нинг натижалари Ўзбекистон учун манфаатли бўлдим, Ватанимиз обрўсига обрў қўшдимми?” — деган саволга жавоб беришим, халқимизга бу борадаги ўз фикримни шахсан етказишим зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аввало, Америка Қўшма Штатлари Президенти жаноб Буш Ўзбекистон делегациясини ғоят самимий қабул қилганини, қабул маросимининг юқори даражада бўлганини, бизга зўр ҳурмат-эътибор билдирилганини таъкидлаш лозим.

Мен Америка Қўшма Штатларига биринчи мартаба келганим йўқ, олдинги Президент—жаноб Клинтон билан ҳам, ҳозирги Президентнинг отаси—жаноб Буш билан ҳам илгари учрашганман. Америка Қўшма Штатларига қилган сафарларимда кўп-кўп сиёсат, давлат арбоблари билан суҳбатлашганман. Демак, бу галги ташриф натижаларини аввалгилари билан қандайдир солиштиришга, қиёслашга асосим бор. Бу сафарги ташрифимиз ҳақида тўлароқ тасаввур ҳосил қилиш учун баъзи ҳолатларни мисол келтирмоқчиман.

Президент Жорж Буш қабулида бўлганимизда, бизга маълум бўлдики, у мана шундай катта делегациялар, давлатларнинг раҳбарларини қабул қилиш маросимига ҳеч қачон ўзининг ёрдамчиларини, давлат арбоблари, сиёсатчилар ёки, айтайлик, вазирларини таклиф қилмас экан. Бизни қабул қилиш маросими ўта юксак даражада ташкил этилгани, бизга билдирилган муносабат мутлақо бошқача бўлганини катта мамнуният билан халқимизга етказишимиз керак.

Бизга нисбатан бундай катта ҳурмат ва эҳтиром сабабини жаноб Бушнинг ўзи шундай тушунтириб берди: “Бугун биз томонимиздан, яъни Америка Қўшма Штатлари томонидан ташкил этилган бу учрашувда қатнашаётган шахсларга эътибор беринг. Мисол учун, мен бирор-бир юксак мартабали шахсни қабул қилаётганимда, яқин ёрдамчиларим, аппаратимдан зарур ходимлар, тегишли баъзи вазирлар қатнашади, холос. Мен, шуни била туриб, бир ҳолатга сизнинг эътиборингизни жалб қилмоқчиманки, авваламбор, бугунги учрашувимизда Давлат котиби жаноб Колин Пауэлл қатнашди. Мудофаа вазири Рамсфельд, Хавфсизлик Кенгашининг котиби Райс хоним, Президентнинг бир қатор бошқа энг яқин ходимлари ҳам иштирок этяпти. Молия, иқтисод маса-

лалари бўйича юқори мартабали раҳбарлар ҳам қабул пайтида ҳозир бўлишди. Мана шундай таркибдаги ходимларни камдан-кам ҳолларда қабул маросимига таклиф этамиз. Шунинг ўзиданоқ билинги, сизларни қабул қилишга биз алоҳида тайёргарлик кўрганмиз. Буни Сизга бўлган ҳурматимиз, Ўзбекистонга бўлган ҳурматимизнинг, яхши муносабатимизнинг бир тасдиғи, деб қабул қилгайсиз”.

Америка Қўшма Штатлари Президенти билан бўлган суҳбат ҳақида гапирадиган бўлсам, бошқа учрашувларга қиёслаб айтишим мумкинки, унга жуда пухта тайёргарлик кўрилгани боис, учрашув тахминан эллик дақиқага мўлжалланган бўлса-да, амалда шу вақт қандай ўтганини сезмай ҳам қолдик. Мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, баъзи учрашувларда одам, мен яна нимани гапиришим керак, пайдо бўлган саволларга қандай жавоб беришим лозим дея, қандайдир ҳаяжонга тушади, қийналади. Баъзи жойларда эса учрашув қачон тугар экан, деб кутиб ўтирасан. Учрашувлар яхши ўтади-ю, лекин гоҳо қутилмаган ҳодисалар, масалан, мураккаб саволлар, уларга мураккаб жавоблар ҳам бўлади.

Лекин жаноб Буш билан бўлган учрашувимизда, шуни яна бир бор таъкидлаб айтишим керакки, суҳбат жиддий масалалар ҳақида борди. Учрашувда бизлар томондан Мудофаа вазиримиз Қодир Фуломов ва бошқа расмий кишилар ҳам қатнашди. Мулоқотимиз қизиқарли бўлганидан вақтнинг қандай ўтганини сезмай қолдик. Мана шу хайрихоҳлик муҳити, ўртада келиб чиққан савол-жавобларнинг энгиллик билан ҳал этилиши бизга бўлган муносабатнинг самимийлигини яққол кўрсатиб турибди.

Энди суҳбат чоғида қандай масалалар кўрилгани ҳақида.

Биринчидан, жаноб Буш суҳбатимиз бошланишидаёқ “Ўзбекистоннинг 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтонда содир бўлган воқеаларга нисбатан муносабатини, Ўзбекистон давлатининг Америка Қўшма Штатларини мана шундай нозик, ўта мураккаб пайтда ҳеч иккиланмасдан қўллаганини, бу борадаги ўзининг қатъий фикрини билдирганини биз жуда юксак баҳолаймиз. Шуни билинг ва албатта халқингизга етказинг: мен шахсан АҚШ Президенти сифатида буни ҳеч қачон унут-

майман ва Америка Қўшма Штатлари номидан яна бир бор сизларга, ўзбек халқига ўзимнинг ташаккуримни изҳор қиламан”, деган фикрни баён этди.

Жаноб Буш бизнинг ҳурмат-эътиборимиз, қатъий позициямизни жуда юқори баҳолади ва мана шундай оғир бир пайтда Ўзбекистон бизга елкадош бўлгани учун Америка Қўшма Штатлари жамоатчилиги нафақат ўз миннатдорчилигини билдириб қолади, балки келажакда бунга жавобан Ўзбекистон билан дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини кучайтиришга чин дилдан интилади, деб таъкидлади.

Агар биз шу фикрни давом этказмоқчи бўлсак, Америка Президентининг билинг, ва керак бўлса, халқингизга шуни етказинг, деган сўзларида катта маъно бор. Бу — биз Ўзбекистонни стратегик шерик, деб биламиз, Америка Қўшма Штатлари доим сизлар билан бирга бўлади, деган фикрни англатади. Биз учун энг юксак баҳо мана шу, десак, тўғри бўлади. Келажакда биз стратегик шеригимиз тариқасида Америка Қўшма Штатлари давлатига, унинг қудратига суяниб ва таяниб иш кўришимиз мумкин, деб айта оламиз ва бундан мамнунмиз. Шу боис, келажакимизга қандайдир ёруғ ниятлар билан қарашга асос бор, демоқчиман.

Яна битта масала шу бўлдики, мезбон Ўзбекистондаги бугунги аҳвол, унинг олиб бораётган сиёсати, Ўрта Осиёда жойлашган давлатлар билан алоқалари, бир-бирига муносабати ҳақида, ҳозирги кунда иқтисодий ҳаётда, тараққиёт, ривожланиш йўлида қандай қийинчиликлар борлиги тўғрисида алоҳида сўради. Бу гаплар шунчаки айтилгани йўқ. Шу қизиқишнинг ўзи, бизнинг аҳволимиздан хабардор бўлишга интилишнинг ўзи, ўйлайманки, бизларга нисбатан эътиборли муносабатдан дарак беради.

Мен ҳам фурсатдан фойдаланиб кўп нарсани тушунтириб беришга ҳаракат қилдим. Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистонга бераётган ёрдам икки йил давомида ривожланишимиз учун жуда керакли замин бўлиб хизмат қилишини айтдим ва 2002 йилда бизга 160 миллион доллар ёрдам берилгани учун миннатдорчилик билдирдим.

Жаноб Буш менинг мана шу даражадаги ёрдам кейинги йилларда ҳам сақланиб қолса, ёмон бўлмасди, деган илтимосимни тўғри тушуниб, ҳозир биз 2003 йил режаларини белгиланган тартибда кўриб чикаяпмиз, бюджет харажатларида сиз кўтарган масалани сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз, деган фикрни айтди.

Сухбат чоғида муҳокама этилган яна бир масала, бу — умуман атрофдаги давлатлар билан муносабатларимиз ҳақида бўлди. Бу тўғрида ҳам фикр алмашиб олдик. Жаноб Президентнинг фикри шундай бўлдики, энди тегишли давлатлар ҳам Ўзбекистоннинг АҚШ билан стратегик шерик бўлганини инобатга олсин ва шунга қараб фикр юритсин. Президентнинг айнан шунга алоҳида эътибор бериб, шуни таъкидлаб, сизга етказмоқчиман, бошқалар ҳам эшитсин, энди бизга муносабат бошқача бўлиши керак, бизларнинг шериклигимизни инобатга олишлари керак, деган гапларни айтгани мени жуда қувонтирди.

Нега деганда, хавфсизлик масаласи, бизларнинг чегараларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинчлигини, осойишталигини сақлаш масаласида Марказий Осиёдаги мана шундай мураккаб шароитда шундай кафолат олиш, бизга катта ишонч билдирилиши, айтиш жоизки, жуда муҳим кўмақдир.

Яна шуни айтиш зарурки, жаноб Бушнинг, мен Президентлик лавозимида қанча бўлсам, мана шу маъмурият қанча вақт Америкага раҳбарлик қилса, билиб қўйингки, бизларнинг Ўзбекистонга нисбатан муносабатимиз ўзгармайди, деган қатъий фикрни билдириши ҳам катта аҳамиятга эга.

Шундай фикрларнинг айтилиши, шундай кафолатларнинг берилиши, ўйлайманки, халқимиз бемалол қаддини ростлаб юришига асос бўлади.

Мен кўп бор айтганман — Ўзбекистонга тинчлик керак. Бизга кўз олайтириб қарайдиган баъзи ёвуз кучларни огоҳлантириб, билиб қўйинглар, бизлар ёлғиз эмасмиз, энди бизга нисбатан бўладиган хавф-хатарларни енгишга, уларни остонамиздан суриб ташлашга мадад берадиган, бизга стратегик шерик бўлган мана шундай қудратли давлат бор, деган фикрни билдиришни ўзимнинг бурчим, деб

ҳисоблайман. Бизни кўпдан бери ташвишлантириб юрган масаланинг бундай ойдинлашуви, ҳаммамизга ҳам ишонч ва кўтаринкилик бахш этади, албатта.

Сафар давомидаги бошқа учрашувлар ҳақида гапирадиган бўлсак, Қишлоқ хўжалиги вазири, Молия вазири, банк ходимлари билан учрашувлар ҳам аҳамиятли бўлди.

АҚШ Молия вазири Пол О'Нил жаноблари нафақат Қўшма Штатлар, балки бутун молиявий дунёда жуда катта обрўга эга бўлган нуфузли шахс. У биздаги вазиятни яхши тушунади. Ўзбекистонга бўлган ҳурмати ҳар томонлама ҳамкорлик масаласида бизни қўллаб-қувватлашидан кўриниб турибди.

Халқаро валюта фонди, Япония Банки, Жаҳон банки билан муносабатларда Америка Қўшма Штатлари Молия вазирлигининг таъсир кучи жуда баланд. Жаҳон Молия фондида ва Жаҳон банкида ҳам, асосий маблағни киргизадиган давлат сифатида улуши жуда катта бўлгани сабабли АҚШнинг таъсири ғоят кучли. Буларнинг ҳаммасини инобатга олиб, биз ана шундай яқин алоқалар боғлаганмиз.

Молиявий сиёсатда, ислохотларимизни янги босқичга кўтаришда, Халқаро Валюта фонди билан Меморандумни бажаришда, керак бўлса, ўзимизнинг миллий сўмимиз кучига куч қўшишда, унинг эркин алмаштирилишига эришишда, албатта, Америка Қўшма Штатлари Молия вазирлигининг ўйнайдиган роли жуда катта бўлади ва биз унга суянишимиз керак. Бу ҳолатни тўғри баҳолаб, улар билан алоқани мустаҳкамлашга келишиб олдик.

Энди, давлат котиби жаноб Колин Пауэлл билан учрашувга келсак, у Америка Қўшма Штатлари Давлат департаментида бизни ниҳоят самимий тарзда қабул қилди. Олтита ҳужжатга имзо чекилди. Улардан энг муҳими — бу халқаро алоқаларни, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги обрўсига обрў қўшадиган Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияни имзолаганимиз бўлди. Чунки бу ҳужжат нафақат икки давлат орасидаги алоқаларни белгилайди, балки халқаро жамоатчиликнинг, бошқа тараққий топган давлатларнинг Ўзбекистонга эътиборини яна-

да оширади, керак бўлса, уларнинг кўз ўнгида мамлакатимиз обрўси ошиб бораётганини тан олишга замин яратади, деган фикрни айтсам, ўйлайманки, масаланинг моҳиятини чуқурроқ тушунасишлар.

Негаки, бугунги дунёда, сир эмас, Америка Қўшма Штатлари қандай иш тутса, воқеа-ҳодисаларга қандай муносабат билдирса, энг кучли давлатлар ҳам ўз сиёсатини шунга қараб ўзгартиради. Биз жаноб Пауэлл билан кўп масалаларни муҳокама қилдик ва келажак алоқаларимизни янги босқичга кўтариш юзасидан фикрлашиб олдик.

АҚШ Мудофаа вазири жаноб Дональд Рамсфельд билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Бизнинг армиямизни, Қуролли Кучларимизни ислоҳ қилиш, унинг жанговар қудратини янги, юқори даражага кўтариш жуда мураккаб, оғир, бир йилда битадиган иш эмас. Мен армиямизни, Қуролли Кучларимизни мутлақо янги тарзда ташкил этиш ҳақида кўп гапирганман ва бугун, шу фурсатдан фойдаланиб, яна айтмоқчиман, бизга шундай армия, шундай Қуролли Кучлар керакки, у ҳар қандай шароитда ҳам халқимиз тинчлигини таъминлай оладиган бўлсин. Кимки бизга бошқача кўз билан қарайдиган бўлса, чегараларимизни бузишга уринмоқчи бўлса, бизнинг Қуролли Кучларимиз қандай куч ва қудратга эга эканини билсин, баъзи ёвуз ниятларидан қайтсин, деб ўз вақтида огоҳлантириб қўйяпмиз.

Биз уч йилдан бери мана шундай ислохотни олиб боряпмиз, Америка Қўшма Штатлари бу оғир масалани ечишда бизга ёрдам беряпти. Керак бўлса, Америка Мудофаа вазирлиги эртага бу кўмакларни янада кучайтириши ҳам мумкин. 2002 йилда Америка Қўшма Штатлари армиямизни ислоҳ қилишда, унинг ихчам лекин, жанговар бўлиб, энг замонавий қурол-яроғлар билан таъминланишида, йигитларимизга энг замонавий билим бериш, уларнинг интеллектуал савиясини оширишда ёрдам кўрсатишга тайёр. Менинг мақсадим — бизнинг армиямиз фақат қурол билан, фақат жисмоний куч билан эмас, балки маънавий, ақлий етуклик билан кучли бўлсин, ватанпарварлик мактаби, йигитларнинг камолотга эришиш ўчоғи бўлсин. Токи болаларимиз армияда ҳавас билан хизмат қиладиган бўлсин. Агар ёшларимиз ко-

миллика интилиб, ҳарбий бўлиш — менинг касбим деб ҳисобласа, бу энг обрўли, энг фахрли касб деб қараса, ўзини фидойилик билан Ватанга бағишласа, йигитларнинг сараси бўлиб етишса, мен энг катта орзуимга эришган бўламан.

Армия қачон кучли бўлади? Армия замонавий қуролланган бўлиш билан бирга, ўзининг кучига ишонган, нима учун хизмат қилаётганини англаган аскарлари билан ҳам кучли бўлади. Ҳар бир аскар ва офицер мен нима учун хизмат қиляпман, мақсадим, муддаоим нима деб, ўзига савол берса, ватанпарварликни сўзда эмас, амалда кўрсатса, бутун ҳаракатини, бутун вужудини шунга қаратса, Ватанимни ҳимоя қилишга, Ватанимнинг озодлиги, эркинлиги, дахлсизлигини ҳимоя этишга ҳаётимни бағишладим, бу йўлда ҳамма нарсага тайёрман, деган ишонч билан ҳаракат қилсагина, бу ҳақиқий замонавий армия бўлади. Мана шу ҳақиқий чиниқиш ва мардлик мактаби бўлади.

Мана, сержантлар мактабларига катта аҳамият беряпмиз. Чунки, биз сержант деганда, энди погонининг устида учта-тўртта белгилари бўлган кичик командирни эмас, ҳамма жиҳатдан етук бўлган шахсни тушунамиз. Сержант бугунги кунда бутун армиянинг шахсий таркибини бўғинма-бўғин мустаҳкам ташкил этадиган, унинг қудратини ва маҳоратини ҳар томонлама оширишга хизмат қиладиган ҳам мураббий, ҳам командир бўлиши керак. Унинг интеллектуал даражаси, ақлий савияси, билими шунчалик юқори бўлиши керакки, у олдимизга қўйган янги-янги мақсадларимизга эришишда асосий таянч, асосий суянч бўлиши керак. Яъни кечаги сержант билан бугунги сержантимиз бир-биридан мутлақо фарқ қилиши лозим.

Биз яқинда бешта сержантлар мактабини ташкил қилдик. Бизни қувонтирган нарса шу бўлдики, бу мактабларга олий даражада тайёр-гарлик кўрган, ҳатто олий ўқув юртларини битирган ёшлар қиряпти экан.

Аллоҳ таолога минг қатла шукрки, бизнинг имкониятларимизни, йўлимизни очиб беряпти. Мана энди армиямиз мутлақо бошқача бўлади. Сержант бўлиш учун олий ўқув юртини битирувчилар ҳам ўқишга

кираётган экан, демак, улар ўзининг келажак касбини танлаяпти, ўзини шу касбга бағишламоқчи.

Яна такрор айтаман, бизнинг армиямиз шундай шароитга эга бўлиши керакки, болалар ҳавас билан хизмат қиладиган бўлсин, улар ҳордиқ чиқарадими, овқатланадими, кино кўрадими, китоб ўқийдими, хуллас, уларнинг барча интилишлари учун зарур шароит яратиб беришимиз керак, шунга эришишимиз керак. Бунга қанча вақт кераклигини мен ҳозир аниқ айтолмайман. Лекин биз шу марраларга етиб борамиз, албатта.

Мен битта рақамни айтмоқчиман, 2002 йилда биз шу ислохотларни амалга ошириш, армиямиз учун зарур шароит яратиб бериш мақсадида 43 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам оляпмиз. Бу, айтилик, расмий молиявий ёрдам. Бундан ташқари, болаларимизнинг ўқув юртларида тайёргарлик кўриши, маҳоратини оширишига ҳам ёрдам беришди. Масалан, Қуролли Кучлар академиясида янги-янги турдаги билимларни ўргатиш, курсантларимизга замонавий услубда тарбия бериш масалаларига кўмаклашиш ҳам биз учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Жаноб Дональд Рамсфельд билан учрашганимизда мана шу масалалар кўриб чиқилди ва, ўйлайманки, биз тўғри йўл тутдик. Бизларга мана шундай армия керак ва шундай армияни биз албатта тузамиз.

Америка—Ўзбекистон савдо палатасида ҳам бизни қандай ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олганларига сиз, журналистлар гувоҳ бўлдингиз.

АҚШ Конгрессига борганимизда, делегациямизни вакиллар палатаси раиси Деннис Хастр қарши олди. Бу ерда конгресс аъзолари ва сенаторлар билан учрашдик. Америка Қўшма Штатлари парламенти-нинг қуйи палатасида ҳам, юқори палатасида ҳам Ўзбекистон—АҚШ муносабатларини ривожлантириш масалаларига оид музокаралар олиб бордик. Шунини таъкидлаш керакки, ҳар икки палата вакиллари ҳам бизга зўр илтифот кўрсатишди. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўзларининг самимий ва хайрихоҳлик муносабатларини билдиришди, муҳим фикрларни айтишди. Уларнинг замирида, Ўзбекистонга нима ёр-

дам керак, деган савол ётарди. Турган гап, бундай муносабатнинг ўзи бизга қанот бағишлайди. Мисол тариқасида бизни қабул қилган сенатор Сэм Браунбэкнинг Ўзбекистонга том маънодаги хайрихоҳлигини айтмоқчиман. Бу ажойиб инсон биз билан икки соат банд бўлди. Ўзбекистон билан алоқани янада мустаҳкамлашга, зарурият туғилса, бизга янада кўпроқ кўмак беришга бел боғлаганини қайта-қайта таъкидлади.

Бир қизиқарли воқеани айтиб беришим керак. Шундай бўлдики, Сенат аъзоларининг иши кўп, вақти тигиз экан, уларнинг ўзлари алоҳида-алоҳида кириб сизлар билан суҳбатлашишади, дейишди. Бу жаноб Браунбэкга ёқмади. Сиз ҳаққингизда, Сенатга келганлигингиз ҳақида айтиб, сизни таништириб қўйишим керак, деб мени юқорига олиб чиқди.

Катта хона, 60-70 чамаси одам катта стол атрофида ўтириб овқат пайтида ҳам музокаралар олиб боришяпти. Баҳс-мунозара орасида бир пайтни топиб, жаноб Браунбэк уларга мурожаат қилиб, “Кечирасизлар, бир дақиқа вақтингизни оламан. Мана бугун бизга меҳмон бўлиб келган Ўзбекистон Президентини сизларга таништирмоқчиман,” деган эди, гапи охирига етмасдан ҳаммалари ўрнидан туриб қарсак чалиб, қаршилашди. Менга бир оғиз гапиришга ҳам имконият бўлмади. Яъни, шундай бир таъсирчан вазият юзага келдики, уни таърифлаш қийин.

Шу ўринда 60-70 нафар нуфузли Америка арбобларининг, Ўзбекистонга офарин, дея янграган қарсакларини халқимиз ўз кўзи билан кўрса эди, деган ҳаяжонли фикр хаёлимни эгаллади. Чунки бундай дақиқалар тарихда бир ёки икки маротаба бўлади.

Яна бир бор айтаман, узоқда яшаётган меҳнаткашларимиз шу ерда бўлган олқишларни бир кўрганда бошқача бўлар эди. Қандайдир маъруза бўлса, кўзга ташланадиган ишлар бўлса ёки одамнинг диққатини тортадиган сўз ёки ахборот тингланса — бу бошқа гап. Лекин мана, Ўзбекистон Президенти келибди, дейилишининг ўзидаёқ ҳамма ўрнидан туриб кетса, мана шу ҳолатнинг ўзи кўп нарсани тасдиқлайди, кўп нарсани, хусусан, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромни ифодалайди, деб ўйлайман.

Менинг хурсанд бўлганимга яна бир сабаб шундаки, биз ўз орзуларимизга, интилишларимизга эришганимизга, қилган саъй-ҳаракатларимиз беҳуда кетмаганига мана шундай дақиқаларда ишонч ҳосил қилиб, гурурланасан киши. Ўзбек халқи, Ўзбекистонимиз, она юртимиз Америка Қўшма Штатларидек буюк давлатда мана шундай ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб, шу давлатнинг манамен деган сенаторлари бизни олқишлаб қабул қилганининг ўзи, ўйлайманки, ортиқча изох талаб қилмайдиган воқеа. Чунки улар мустақил одамлар, ҳар қайсиси ўзига хон, ўзига бек. Фақат шунчалик ҳурматга эришганимизнинг қадрига етиш керак, кўрганларимиздан холис хулоса чиқариш керак.

Бизнинг ўзимизга яраша дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам бор. Бу табиий ҳол. Мен истардимки, бизларга кўрсатилган бундай ҳурматни дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам кўрсин. Ҳаммага ҳам бундай муносабат билдирилавермайди. Шундан мен бахтиёрман. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонга бўлган эҳтиромнинг яна бир намоишидир.

Бир нарсага эътибор беринглар. Америка Қўшма Штатларининг собиқ Давлат котиби, бутун дунёда, жаҳон ҳамжамиятида машҳур бўлган Генри Киссинжердек давлат ва жамоат арбобининг фақатгина Ўзбекистон вакиллари билан учрашиш, Ўзбекистон Президентига “Халқаро миқёсдаги лидер” деб аталган юсак мукофотни ўз қўли билан топшириш учун қанча йўл босиб келгани ва шу тақдимот маросимида қатнашганининг ўзи ҳам бизга билдирилган ҳурмат-эҳтиромнинг яна бир белгиси, десак, муболаға бўлмайди.

Айтмоқчиманки, Ўзбекистоннинг олдида ҳеч кимдан кам бўлмайдиган озод ва фаровон ҳаётга эришиш, тараққиёт йўлида қадам қўяётган давлатлар билан ҳамкор бўлиб, дўст-биродар бўлиб яшашдек жуда юсак вазифалар турибди. Бунга бир кунда эришиб бўлмайди, албатта, балки бир неча йилда ҳам эришиш қийиндир. Лекин мақсад, олдинга қўйилган муддао бор. Биз ўн йилдан бери мана шу йўлда қадам ташлаб кетаётганимиз ва унинг бугунги босқичида, бугунги поғонасида шундай ҳурматга сазовор бўлишимизни мен бизни Америка Қўшма Штатлари тан олиши, дунё тан олиши, деб биламан. Шу нуқтаи назар-

дан қараганда, бундан мамнун бўлиш керак. Келажагимизнинг ёруғ бўлишини мана шундай ҳамкорлик мисолида кўриб турибмиз. Бизлар, албатта, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаётни қурамыз.

Яна бир бор айтаман — бу йўлда Европа бўладими, Америка бўладими, одамлар яхши яшайдиган, тинч ҳаёт кечирадиган мамлакатлар бизга андоза бўлади. Мана, Нью-Йорк, Вашингтоннинг кўчаларини, одамларининг юришини олинг. Шундай ҳаётга биз ҳам эришамиз, бунга ишончим комил.

Биз Нью-Йоркни, 11 сентябрдаги тўрт мингга яқин бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган ваҳшийликдан сўнг пайдо бўлган вайроналарни кўрдик. Ўнг-чап томонларга, шу бегуноҳ кимсаларнинг, ёшларнинг кийимларини осиб қўйишибди, одамларнинг топилган нарсаларини териб қўйишибди. Буни кўрган киши, албатта, кўп нарсани, айниқса тинчликнинг, ҳаётнинг қадрини тушуниб олади.

Биз олдимизга мақсад қилиб қўйган йўлларда ҳам қанча-қанча қийинчиликлар бор. Қанча-қанча ёвуз кучларга дуч келишимиз мумкин. Кўрганларимиздан шундай хулоса чиқаришимиз керакки, бизлар интилаётган, бизлар қадам қўяётган тараққиётга эришиш осон бўлмайди, албатта.

Лекин, қаранг, мана шундай талофатлардан кейин ҳам Нью-Йорк ўзини яна тутиб олган, одамлар ҳаракатда, ҳаёт кетяпти, қурилишлар давом этяпти. Ҳар жиҳатдан Нью-Йорк ҳаёти ўзининг эски ҳолатига қайтяпти. Нью-Йорк шаҳрининг бугунги янги ҳокими — мэри жаноб Майкл Блумберг билан учрашганимизда бу шаҳар бизнинг Америка билан иқтисодий ҳамкорлигимизга салмоқли ҳисса қўшмоқчи эканини айтди. Маълум бўлдики, Нью-Йорк шаҳрининг аҳолиси мана шундай қора кунларни бошидан кечирганида улар билан ҳамдард бўлганимизни, улар билан бирга бўлганимизни ҳеч қачон унутишмайди. Буни биз шаҳар мэри билан бўлган суҳбатимизда яна бир бор сездик.

Биз мана шундай бағрикенг, оғир пайтларда бизга кимки ҳамдард бўлса, биз ҳам улар билан бирга бўлишга тайёр, оқибатли халқ бўлганимиз учун ҳам ҳурматимиз баланд, бизга ишонч катта, шунинг учун ҳам келажагимизни ёруғ тарзда тасаввур қила оламиз.

ВИЗИТ В АМЕРИКУ

Америка Кўшма Штатларига расмий ташрифимиз давомида кўрганларимиз, бизга бўлган муносабатлардан келиб чиқадиган хулосаларни халқимизга етказар эканман, мен яна бир бор айтмоқчиман, бизлар жуда мураккаб бир даврда яшаяпмиз. Лекин келажагимиз ёруғ. Халқимиз бунга ишониши керак ва бир ёқадан бош чиқариб, бир тан, бир жон бўлиб яшашимиз, меҳнат қилишимиз керак. Яна бир бор айтаман: бизнинг ҳаракатларимизнинг ҳаммаси битта мақсадга қаратилган — у ҳам бўлса, ёрқин келажак, фаровон ҳаёт қуришдир. Умум ишимизда шундай натижаларга, мақсадларга эришишни ҳаммамиз хоҳлаймиз.

Шу кунлар тезроқ келсин!

2002 йил 14 март.

ЖАҲОН МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА РАСМИЙ САФАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 11-14 март кунлари АҚШга қилган расмий сафари жаҳоннинг турли мамлакатлари давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослари ва журналистларининг диққат марказида бўлди.

Марказий Осиёда етакчи давлатлардан ҳисобланган Ўзбекистон делегациясининг расмий сафар доирасида бўлиб ўтган учрашувлари ва имзоланган ҳужжатлар мазмун-моҳияти жаҳон матбуоти томонидан таҳлилий ёритилди.

Сафар давомида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг АҚШ Президенти Жорж Буш билан Оқ уйда учрашуви бўлиб ўтди. Очиқлик, ўзаро ишонч ва самимий руҳда ўтган учрашув давомида икки мамлакат ўртасидаги стратегик ҳамкорликни кенгайтириш, антитеррор операцияси доирасидаги ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш каби масалалар атрофича муҳокама қилинди. Ўзбекистон давлат раҳбарининг расмий сафарини кенг ёритган “Вашингтон пост” газетаси бу ҳақда шундай деб ёзади: **“Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов кеча Оқ уйда Президент Жорж Буш билан учрашди. Учрашув давомида АҚШ раҳбари Президент Ислон Каримовга Ўзбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги фаол иштироки учун ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдирди. 2001 йили 11 сентябрь кунисидаги мудҳиш воқеалардан сўнг Ўзбекистон АҚШга ўз ҳарбий аэродромидан гуманитар мақсадларда фойдаланишга рухсат бериб, ўзининг терроризмга қарши курашда қатъиятли эканлигини кўрсатди.”**

“Нью-Йорк таймс” (АҚШ), “Жэньмин Жибао” (Хитой), “Немис тўлқини” радиостанцияси каби бир қатор хорижий оммавий ахборот воситалари Ислон Каримовнинг АҚШга расмий ташрифини кенг ёритар эканлар, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида им-

золанган ҳужжатлар аҳамиятини алоҳида қайд этдилар. Масалан, АҚШнинг “Ассошиэйтед пресс” агентлиги “АҚШ Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлаш тарафдори” деб номланган мақоласида шундай фикрлар бор: “Терроризмга қарши курашда АҚШга энг муҳим ёрдам берган Ўзбекистон делегацияси расмий музокаралар давомида бир қатор битимларга имзо чекди. Уларнинг барчаси иқтисодиёт ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади”.

Музокаралар якунида томонлар ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация, илмий-техникавий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида, икки мамлакат ўртасида ядро тарқатилишига йўл қўймаслик борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳамда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки билан АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимларнинг имзоланишини ҳам АҚШ давлат ва жамоат арбоблари ва сиёсатшунослари томонидан муҳим аҳамиятга молик, деб топилди.

“Ассошиэйтед пресс” агентлиги сафар давомида томонлар ўртасида имзоланган ҳужжатларга АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл сўзи билан шундай баҳо беради: “АҚШ Давлат котиби имзо чекилган ҳужжатлар бу икки мамлакатнинг кенг ва узоқ муддатли муносабатлар ўрнатишга интилаётганлигига далил бўла олади, деб таъкидлади”.

“Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг АҚШга сафари натижаларидан энг муҳими бу АҚШ томонидан Ўзбекистоннинг асосий стратегик шерик сифатида тан олиниши бўлди. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги декларация буни тасдиқлайди. Ушбу декларацияда Ўзбекистон АҚШнинг асосий ҳамкори деб аталади”, — деб ёзади Россиянинг “Коммерсантъ” газетаси.

Ўзбекистон — Америка ўртасида қабул қилинган ва муҳим аҳамиятга молик бўлган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияга Америка Қўшма Штатларининг энг йирик оммавий ахборот воситаларидан бири — ЮСИА агентлиги “сиёсий стратегик пакт”, деб баҳо берди. Ушбу деклара-

цияда икки давлатнинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни мустақкамлаш борасидаги вазифалари ва бу соҳада икки мамлакат ўртасида олиб борилган амалий ҳаракатлар қайд этилган. Ушбу декларацияда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, шунингдек, хавфсизлик, инсонпарварлик ва ҳуқуқий соҳаларда ҳамкорлик олиб боришга келишиб олинганлигини ЮСИА агентлиги алоҳида қайд этади.

Россиянинг яна бир газетаси — **“Независимая газета”** “Вашингтон ўз иттифоқдошларини қадрлашни билади” номли мақоласида **“Ўзбекистон Президентининг АҚШга сафарига катта умид боғланган эди ва сафар натижалари шу умидлар рўёбга чиққанини тўла тасдиқлади”**, — деб кўрсатди.

Канзаслик сенатор Сэм Браунбэк минтақада тинчликни сақлаш учун АҚШ Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳалардаги ҳарактларини мувофиқлаштириши шарт, деб таъкидлади.

Ўзбекистон давлат раҳбарининг АҚШ сафари доирасида бўлиб ўтган музокараларда халқаро терроризмга қарши кураш масалалари чуқур муҳокама қилинди. Томонлар ХХІ аср “вабоси”га қарши кураш бир мамлакатнинг иши эмас, балки барча тинчликпарвар давлатларнинг муқаддас бурчи ва бурчни бажаришда ҳаракатларни мувофиқлаштириш кераклигини таъкидладилар.

Шуни алоҳида эслаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасида минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажратиб бўлмаслигини таъкидлаб, жаҳон афкор оммаси эътиборини халқаро терроризмга қарши кураш масалаларига қаратган эди. Ўзбекистон Президенти БМТ Бош ассамблеялари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг саммитлари ва бошқа халқаро анжуманларда, турли давлатлар раҳбарлари билан музокараларида минтақавий хавфсизликни мустақкамлаш, БМТ доирасида террорчиликка қарши кураш халқаро марказини тузиш тўғрисида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлашга даъват этишдан толмади. Бунинг сабаби бугун барчага аён.



Бугун Ўзбекистон делегациясининг Америка Қўшма Штатларига сафари давомида бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар, имзоланган ҳужжатларни, умуман, ушбу расмий ташрифга доир барча маълумотларни яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказиб, бу натижаларга холисона баҳо бериш зарур.

Ислом КАРИМОВ



Абдулазиз КОМИЛОВ,
 Ўзбекистон Республикаси
 Ташқи ишлар вазир

ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Президент Жорж Буш билан учрашувини унинг Америка Қўшма Штатларига қилган расмий ташрифининг асосий воқеаси, дейиш мумкин. Бу учрашув икки мамлакат ва икки халқнинг келгусидаги муносабатлари ривожда муҳим сиёсий аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Президентларнинг Оқ уйдаги тарихий учрашувида иштирок этган расмий делегациялар аъзоларининг барчаси ушбу учрашув ҳаяжонли ва сермазмун ўтганини ҳис қилди.

Мазкур учрашувда АҚШ маъмуриятининг юқори мартабали вакиллари, жумладан, Давлат котиби К.Пауэлл, Мудофаа вазир Д.Рамсфельд, Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси К.Райс иштирок этди. Суҳбат бошида Ж.Буш олий даражадаги хорижий меҳмонлар билан бўладиган учрашувларда Америка маъмуриятининг шундай вакиллари камдан-кам иштирок этишига алоҳида эътибор қаратди. “Сизга миннатдорлигимизни изҳор этиш учун шундай қилдик”, — деди Ж.Буш Президентимизга мурожаат этиб.

Ислом Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи чоғида Ўзбекистон ўз ички ва ташқи сиёсатининг устувор вазифаларини пухта ва аниқ белгилаб, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этаётгани яна бир бор ўз тасдиғини топди. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, ўзбек халқининг янада равнақ топишига хизмат қилади.

Ўзбекистон—Америка саммити халқаро майдонда мураккаб бир вазият ҳукм сурган пайтда ташкил этилди ва ўтказилди. Террорчиларнинг Нью-Йорк ва Вашингтондаги ёвуз ҳаракатлари

дунё миқёсидаги фожиага айланиб, жаҳон ҳамжамиятининг янги таҳдидлар ва хуружлар олдида заифлигини намоён этди.

Маълумки, жаҳондаги вазият кейинги йилларда кескин ўзгармоқда. Халқаро муносабатларда илгари ўзгармасдек туюлган қадриятлар ҳамда қарашларни қайта идрок этиш жараёни бормоқда. Террорчилик, наркобизнес, уюшган жиноятчиликка қарши бутун чоралар билан курашиш лозимлиги кун тартибидан муҳим ўрин эгалляпти.

Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлиги остида бундай мураккаб шароитда ҳиссиётларга берилмасдан, матонат ва сиёсий ирода намоён этиш йўлидан борилмоқда. Мамлакатимиз террорчилик зарбига дуч келган давлатлардан бири эканлигини кўпчилик яхши билади. Балки айнан шу боис ҳам ўзбек халқи Америка халқи бошига тушган фожиани бошқалардан кўра кўнглига яқин олди.

Президент Ислом Каримовнинг расмий ташрифи — бу ўзаро ҳамкорлик борасида аввал орттирилган тажрибанинг манتيқий давоми бўлиб, 2001 йил 11 сентябр фожиалари ҳамда Афғонистондаги антитеррор операциясига қадар шаклланган Ўзбекистон—Америка ҳамкорлигини янги сифат босқичига кўтариш имконини берди. Ушбу ташриф асосида Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ шаклланган мамлакат ташқи сиёсатининг Президентимиз томонидан белгиланган концепцияси ётади ва АҚШ билан ҳар томонлама, тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро фойдали муносабатларни ривожлантириш ушбу концепциянинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Президент Ислом Каримов Америкага ташриф буюришдан беш йил аввал “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли китобида “Дунёнинг етакчи давлати бўлган, жуда катта сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-техникавий, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган АҚШ билан кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳозир биз учун устувор аҳамият касб

этмоқда. Қўшма Штатлар жамиятимизни янгилаш, ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, республикамизнинг давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш жараёнига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Биз Америка компаниялари ва фирмалари билан қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, улар билан узоқ муддатли, ўзаро фойдали шерикчилик муносабатларини ўрнатишга, Америка капиталининг бизнинг бозоримиздаги иштироки кенгайишига катта аҳамият берамиз”, дея таъкидлаган эди.

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистонга бўлган алоҳида эътибори, авваламбор, мамлакатимизнинг минтақадаги роли ва аҳамиятини тушуниб етишида намоён бўлди. Биз улар билан узоқ муддатли асосда ўз муносабатларимизни қуришдан манфаатдормиз ва бу Ўзбекистон билан АҚШнинг миллий манфаатларига жавоб беради.

Ўзбекистон—Америка муносабатларининг янада ривожланиши икки томонлама алоқаларнинг турли даражада фаоллашуви билан тавсифланади. 1996 йилнинг ёзида Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон расмий делегацияси АҚШга биринчи бор ташриф буюрди. Республикамизга турли вақтларда АҚШнинг Давлат котиби Мадлен Олбрайт, Мудофаа вазири Уильям Перри, Хиллари Клинтон, давлат муассасалари раҳбарлари, етакчи конгрессмен ва сенаторлар, молиявий ва ишбилармон доираларнинг, нодавлат ташкилотларнинг вакиллари келиб кетди.

Мустақиллик йилларида икки мамлакатнинг юқори лавозимли дипломатлари, ҳарбийлари, сиёсий, иқтисодий, гуманитар муаммолар бўйича экспертлари, олимлар ва маданият арбоблари Ўзбекистон—Америка ўртасидаги ўзаро маслаҳатлашув ишларини фаол йўлга қўймоқдалар. Бу борада “Ўзбекистон—АҚШ” қўшма комиссияси икки томонлама ҳамкорликнинг кўплаб муҳим масалаларини ҳал этишда, ҳозирги даврдаги Ўзбекистон—Америка муносабатларини шакллантиришда ижобий роль ўйнади. Шу ўринда халқаро тузилмалар, авваламбор БМТ, ЕХХТ, НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури, Ев-

Мен Президент Ислом Каримовга Президент Бушнинг табригини мамнуният билан етказдим, шунингдек, унга Афғонистон ва дунёнинг бошқа минтақаларида анти-террор операциясини ўтказишда берган Ўзбекистоннинг бебаҳо ёрдами ва қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирдим. Ўзбекистон ушбу аксилтеррор коалициясининг муҳим бўғини ҳисобланади ва, ишончим комилки, у бугун ҳам, келажакда ҳам шундай бўлиб қолади.

Мен Ўзбекистон халқига ва шахсан Президентга унинг ҳукумати ва халқи томонидан ушбу кампанияда бизга ёрдам беришда намоён этилган сиёсий мардлик учун миннатдорлик изҳор этдим. Биз Президентнинг жасурлиги ва мардлигига ҳурмат рамзи сифатида у билан, Ўзбекистон ҳукумати билан ҳозирги инқироз даври тугагандан сўнг ҳам ҳамкорликни давом эттирамиз.

Колин ПАУЭЛЛ,
АҚШ Давлат котиби.

роатлантика кенгаши доирасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Буларнинг барчаси мамлакатларимизга хос бўлган стратегик узоқни кўра билишлик ва сиёсий ирода, ўзаро ишонч, онгли прагматизм, миллий давлат манфаатлари ва ёндашувларни бирлаштиришнинг ёрқин далолатидир.

Ўзбекистон ва АҚШ янги глобал хуружлар, авваламбор, халқаро террорчилик, наркобизнес, уюшган жиноятчиликка қарши ҳаракат қилишда кенг қўламли умумий манфаатларга эга. Марказий Осиё ва унга чегарадош ҳудудларда стратегик барқарорликнинг тақдири, шубҳасиз, Ўзбекистон—Америка муносабатларининг ҳолати ва хусусиятига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Мамлакатларимиз Афғонистондаги антитеррор операциясида фаол иштирок этмоқда. Бу эса уларнинг халқаро террорчиликка қарши умумий курашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳисобланади.

Ўзбекистонни Марказий Осиёнинг асосий давлати сифатида баҳолаётган экан, Президент Ж.Буш маъмурияти ўз фаолияти бошидаёқ ҳудудий жараёнлар тизимида, Марказий Осиёда ишонч

ва барқарорликни мустақамлашда Тошкентга алоҳида эътибор қаратди. Шунини ишонч билан айтиш мумкинки, 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг халқаро муносабатлар мазмун-моҳиятининг тубдан ўзгариши Ўзбекистон—Америка муносабатларини янги, янада юқори босқичга олиб чиқди, уларнинг сифати ва мазмунига таъсир қилди. Бунда Президент Ислам Каримовнинг терроризмга қарши халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаш масаласида тутган позицияси муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистоннинг халқаро коалицияни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қарори ўз-ўзидан қабул қилингани йўқ. Бу қарор мамлакат раҳбариятининг мазкур масаладаги аниқ ва қатъий позициясини акс эттиради ҳамда Ўзбекистон ва минтақа хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига тўла жавоб беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон—Америка муносабатлари фаол сиёсий алоқалар билан ажралиб туради. Сентябрь воқеаларидан сўнг И. Каримовнинг Ж. Буш билан телефон орқали бир қанча мулоқотлари бўлиб ўтди. Қисқа вақт ичида Ўзбекистонга АҚШ Мудофаа вазири Д. Рамсфельд, Давлат котиби К. Пауэлл, Марказий қўмондонлик қўмондони Т. Фрэнкс ва АҚШнинг бошқа давлат ва сиёсий арбоблари бир неча бор ташриф буюрди. 2001 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб Ўзбекистонга АҚШ Конгрессининг тўққизта делегацияси, Сенат аъзоларининг деярли ярми келиб кетди. Улар орасида сенаторлар Т. Дэйл, К. Левин, Ж. Уорнер, Ж. Либерман, Ж. Маккейн, Ч. Хегель, Ф. Томпсон, Р. Шелби, Б. Нельсон, конгрессменлар Ж. Колби, Э. Точер, Д. Роурбахер, Д. Хобсон, К. Вэлдон, Д. Хантер ва бошқалар бор. Бўлиб ўтган музокаралар ва учрашувлар Америка томони Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни сақлашдаги етакчи ролини тан олиб, Тошкент билан энг яқин алоқалар ўрнатиш, уларни узоқ муддатли стратегик шериклик даражасига кўтаришга тайёр эканлигини тасдиқлади. Шу ўринда минтақа тарихида биринчи марта 2002 йил январь ойида Тошкентда ўтказилган Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликка бағишланган қўшма маслаҳатлашувни ҳам эслаб ўтиш жоиздир.

Буларнинг барчасини Ўзбекистон раҳбарининг Америка Қўшма Штатларига қилган расмий ташрифининг ўзига хос муқаддима-си, десак бўлади. Бу ташриф, ҳеч муболағасиз, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришнинг энг олий нуқтаси бўлди.

Икки президентнинг суҳбати ўзаро ишонч, ҳурмат ва ҳамфикрлик руҳи билан ажралиб турди. Гўёки эски қадрдонлар, ҳамкорлар, ҳамфикрлар учрашгандек. Улар бир-бирининг фикрини бир оғиз сўзданоқ аниқ англаб, кун тартибининг барча масалаларига баравар урғу беришди. Деярли бир соатлик суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ва уларни ривожлантириш истиқболларининг барча жиҳатлари, минтақа ва халқаро хавфсизликнинг долзарб муаммоларига ҳам тўхталиб ўтилганлиги мулоқотнинг фойдали ва самимий руҳда бўлганлигидан далолат беради.

Ж.Бушнинг ушбу учрашувдаги: “Сизлар — бизнинг дўстларимизсиз. Жаноб Каримов, Сиз буни амалда исботладингиз. Биз дўстларимизнинг кучли бўлишини хоҳлаймиз. Дўстларимиз яхши яшашини, Сизнинг буюк мамлакатингиз яхши келажакка эга бўлишини истаймиз”, деган сўзлари Ўзбекистон ва унинг Президентига бўлган ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин далолатидир.

Учрашувда муҳокама этилган биринчи галдаги муаммолар орасида ҳамкорликнинг сиёсий жиҳатлари, авваламбор, халқаро террорчилик, наркобизнес, уюшган жиноятчилик, трансмиллий таҳдид ва хуружларнинг бошқа турларига қарши биргаликда курашиш масалалари бор. Шунингдек, учрашувда Ўзбекистонда туб демократик ўзгаришлар ва инсон ҳуқуқлари масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Шунини айтиш керакки, ушбу муаммонинг муҳокамаси кўпинча асосланмаган тарзда шов-шувларга сабаб бўлади. Бу борада Америка Президенти юксак даражада назокат ва андиша билан суҳбат қурди. Бу унинг билимдонлиги ва юқори маданияти, зиёлилиги, минтақа воқелиги ва ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистоннинг тарихи, қадриятлари ва миллий анъаналарини яхши билишидан дарак беради.

Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи яқунларига тўхталиб, шунини айтиш мумкинки, бу борада сифат жиҳатдан янги ва ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатилди, халқаро террорчи-

ликка қарши курашда ҳамда унинг иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлаш манбаларини тағ-томири билан қуритишда мақсад ва ёндашувлар муштарақлиги эътироф этилди. Ўзбекистонни ташқи таҳдиддан биргаликда ҳимоя қилиш, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлиги тўғрисида келишиб олинди. АҚШ бундан буён ҳам Ўзбекистондаги иқтисодий ва сиёсий ислохотларга кўмаклашаверади. Ўзбекистонда макроиқтисодий ва таркибий ислохотларни амалга ошириш суръатлари бўйича ҳам-фикрлик ҳамда уларнинг Америка томонидан қўллаб-қувватланиши қайд этилди, АҚШ Ўзбекистоннинг иқтисодий раванқ топишидан манфаатдор эканлиги айтиб ўтилди.

Америка томони Президент Ислон Каримовнинг минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдид ҳамда хуружларга нисбатан тутган муҳим позициясига тўлиқ қўшилди. Бу ҳақда Ўзбекистон раҳбари ўн йилдан ошиқ вақт мобайнида юқори халқаро минбарлар, авваламбор, БМТ, ЕХХТ, шунингдек, Евроатлантика Кенгаши ва бошқа ташкилотларнинг минбарларидан туриб алоҳида эътибор ва жиддий ташвиш билан гапириб келмоқда. Бу дунё жадал ўзгариб бораётган шароитда, минтақавий муаммолар глобал миқёсга эга бўлаётган бир пайтда айниқса муҳимдир.

Ислон Каримовнинг АҚШга ташрифи, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон ва Америка иттифоқдош, ишончли дўст сифатида босиб ўтадиган катта ва узоқ йўлнинг бошланғич нуқтаси сифатида тарихга кирди. Улар энди бирга бўладилар, чунки тарих диалектикаси ана шундай. Буни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Улар бу йўлдан асло оғишмайдилар.

Биз Америка учун фожиали бир пайтда Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликни ва террорчиликка қарши курашда ўз вақтида кўрсатилган ёрдамни юқори баҳолаймиз. Бу курашда дунё миқёсидаги саъй-ҳаракатлар нақадар муҳимлигини мамлакатингиз томонидан эътироф этилганини Америка халқи юксак қадрайди.

Дональд РАМСФЕЛЬД,
АҚШ Мудофаа вазири.

Содиқ САФОЕВ,
*Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар
 вазирининг биринчи ўринбосари*

СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК: КЕЛАЖАККА ИНТИЛИШ

Ҳар бир воқеа ёки ҳодисанинг тарихий жиҳатдан ғоят аҳамиятли, ҳис-ҳаяжонларга бой палласи — энг юқори нуқтаси ва ҳақиқат балқиган нурли лаҳзалари бўлади. Одатда йирик сиёсий воқеалар давомида бир неча ана шундай лаҳзалар зоҳир бўладики, улар орасидан энг муҳимларини ажратиб олиш ҳам мушкул вазифага айланади. Президент Ислом Каримовнинг АҚШга ташрифини бемалол шундай воқеалар сирасига кириштириш мумкин.

Ўзбекистон Президентининг Қўшма Штатлар конгрессменлари ва сенаторлари билан Капитолийдаги учрашуви ўзининг мазмундорлиги, сиёсий моҳияти билан ҳеч шубҳасиз, бу ташрифнинг энг таъсирли, унутилмас лаҳзаларидан бири бўлди.

Президент Ислом Каримов Сенат биносига қадам қўйиши билан бу ерда ишлаётган Америка халқи вакиллари гур этиб ўринларидан туриб, Ўзбекистон раҳбарини бир неча дақиқа давомида қизгин олқишлашди. Мен илгари ҳам ушбу залда сенаторларнинг бошқа сиёсий арбоблар — америкалик ва хорижий давлатлар сиёсатчилари билан учрашувларига гувоҳ бўлганман. Лекин бу галгидек ҳолатни — беш минутга мўлжалланган кириш сўзини сенаторлар давомли қарсақлар билан бир неча бор бўлганликлари боис икки карра кўпроқ давом этганини илк бор кўришим эди.

Шу ўринда бу воқеанинг яна бир муҳим жиҳатини таъкидлаб ўтмоқчиман. АҚШнинг ҳар бир конгрессмени ёки сенатори — жуда йирик, ниҳоятда нуфузли ва обрўли шахс, ҳозирги даврдаги энг ривожланган давлатнинг сиёсий маҳкамасига аъзо бўлишнинг аҳамиятини яхши тушунадиган сиёсатчидир.

Қўшма Штатлар Сенати ва Конгресси нафақат қонунчилик фаолиятида, балки ички ва ташқи сиёсатга оид ҳар қандай ма-

сала бўйича қарорлар қабул қилишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Америкадаги олий ҳокимият вакиллари дунёқарашида улар буюк бир халқ томонидан сайлангани, уларга кўп нарса боғлиқ экани, айти пайтда улар Америка Қўшма Штатларининг ҳар қандай сиёсий арбобини қонунга кўра қатъий тергаш ҳуқуқига эга экани ҳақидаги тушунчалар мустаҳкам қарор топган.

Шубҳасиз, АҚШ Сенати ва Конгрессидаги учрашувлар фақат ўзининг эмоционал даражаси жиҳатидангина аҳамиятли бўлиб қолмай, бу учрашувлар давомида инсониятни ташвишга солаётган долзарб муаммолар бўйича ниҳоятда самимий, ошкора руҳдаги мулоқотлар бўлиб ўтди.

Муҳокамаларда ҳозирги дунёда қарор топган аҳволни қандай йўл билан яхшилаш мумкин, турли давлат тизими ва маданиятга эга бўлган халқлар ўртасида қандай қилиб янада ҳамжиҳатликка эришиш мумкин, зўравонликни бартараф этиш учун нималар қилиш керак, халқаро террорчилик, экстремизм, диний мурасасизлик каби иллатларнинг илдизи қаерда, қашшоқликни қандай қилиб йўқ қилса бўлади сингари мавзулар юзасидан энг кўп фикрлар билдирилди.

Хуллас, суҳбат, АҚШ Конгрессида кўп ҳолларда бўладигани каби, икки томонлама алоқаларга тегишли расмий масалалар билан чеғараланиб қолмади. У йирик воқеалар ва мураккаб мавзулар муҳокамасига айланиб кетди. Бундай ҳол ҳар доим ҳам содир бўлавермайди, ва табиийки, суҳбатнинг бундай тус олиши асло тасодифий эмас.

Гап шундаки, конгрессмен ва сенаторлар бу сафарги суҳбатдошларининг шахсиятига, фикрлаш кўламининг кенглигига самимий равишда қизиқиб қолиб, гўёки ўзлари учун янги сиёсий ҳақиқатларни кашф этаётгандек, у билан мулоқотга астойдил киришиб кетишди. Конгресс биносининг бошқа залида айти шу дақиқаларда АҚШ Президенти Ж. Бушнинг ҳозир бўлиши аниқ бўлса-да, улар Ислом Каримов билан мулоқотни тўхташига шошилмас эдилар.

Ўша пайтдаги ҳаяжонли вазиятни бир сўз билан ифодалаб бериш қийин. Бир томондан, бу мураккаб бир даврда ўз дав-

латларига раҳбарлик қилаётган йирик сиёсий арбобларнинг моҳиятан ниҳоятда сермазмун мулоқоти эди. Иккинчи томондан, расмий Конгрессдан фарқли равишда сиёсатчилар жиддий протоколдан четлашиб, ўртада ҳосил бўлган самимий вазият, ўзаро фойдали мулоқотдан, Ўзбекистон Президентининг дилкашлигидан ҳузур қилиб баҳра олишар эди. Менимча, бундай ҳолат фақат бир-бирини сидқидилдан ҳурмат қиладиган одамлар ўртасидагина юзага келиши мумкин.

Халқаро миқёсда шуҳрат қозонган сиёсатчи — сенатор Сэм Браунбэк Президент Ислон Каримовга у Сенат биносига кира келган пайтидан бошлаб, то чиқиб кетгунича ҳамроҳлик қилди. У Ўзбекистон раҳбарининг АҚШга сафаридан яхши таассурот олиши учун қўлидан келган барча ишларни қилаётгани кўриниб турар эди. Учрашувда конгрессменлар — Вакиллар Палатаси спикери Д.Хастреэд, ҳар икки партия етакчилари — Р.Гэпхард ва Р.Армэй, қўмиталар раҳбарлари Г.Хайд, К.Смит, Ф.Инглиш ва кўплаб бошқа кишилар ҳозир бўлди.

АҚШ сенаторлари Президент Ислон Каримов шарафига қабул уюштиришди. Унда Президентни Ж.Маккейн, Р.Луагр, Х.Клинтон, М.Бокус, Ж.Бро қутлашди. Уларнинг ҳар бири Американинг сиёсат оламида шуҳрат қозонган ёрқин юлдуздир, кўпчилиги халқаро миқёсда танилган, шу сабабли улар томонидан Ўзбекистон раҳбарининг йирик сиёсатчи сифатида тан олиниши ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон раҳбари шарафига янграган тинимсиз қарсақлар остида зални тарк этар эканмиз, биз яна бир ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлдик. Америка ижтимоий ҳаётининг фахрийларидан бири, кўп йиллар давомида мамлакат сиёсий раҳбарияти сафида бўлган, қатъиятли ва муросасизлиги учун кўпчилик ундан чўчидиган сенатор Хэлмс, таржимонимизга мурожаат қилиб, гулдурраган овозда шундай деди: “Президентга таржима қилинг — биз уни яхши кўраимиз!”

Ушбу воқеаларнинг моҳияти аниқ: АҚШ Конгрессида бугунги кунда Ўзбекистон ҳақида ер куррасининг сиёсий жиҳатдан муҳим бир минтақасидаги асосий мамлакат сифатида, АҚШнинг стратегик ҳамкори сифатида, Ислон Каримов ҳақида замона-

мизнинг энг атоқли арбобларидан бири сифатида, ўзбек халқи тўғрисида нафақат инсоният маданияти ва санъати хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган, балки бугун ва эртага алоҳида муҳим вазифаларни бажаришга қодир халқ сифатида хайрихоҳ, олижаноб фикрлар ҳукм сурмоқда.

Ушбу эътирофларнинг манбаи ва қиммати нимада?

Менинг назаримда, муҳим аҳамиятга эга бўлган икки омилни қайд этиб ўтиш лозим.

Биринчиси шундан иборатки, ўтган йилнинг кузида АҚШ халқи бошига катта кулфат тушган бир пайтда хорижий давлатлар раҳбарларидан санокчилиларигина Америка Қўшма Штатлари ёнида туриб, унинг хатарли офат — халқаро террорчиликка қарши хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга жазм этди. Америкаликларда шундай бир мақол бор: “Қийин кунлардаги дўст — ҳақиқий дўстдир”. Бизнинг халқимизда ҳам «Дўст кулфатда билинади», деган мақол бор. Оғир кунларда шахснинг ҳақиқий фазилатлари, “кимнинг аслида ким эканлиги” (бу ҳам америкаликларда кенг тарқалган ибора) намоён бўлади. Буларнинг барчаси давлатлар раҳбарларига нисбатан қўлланилган пайтда алоҳида муҳим бир маъно касб этади. Айни шундай пайтларда ҳақиқий давлат арбобининг фазилатлари, иродаси, мураккаб бир вазиятда энг тўғри йўл топа билишга қодирлиги намоён бўлади. Мушкул бир вазиятда Ўзбекистон раҳбарияти ўз йўлини танлай олгани АҚШ назаридан четда қолмади.

Америкаликлар Ўзбекистоннинг бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ ўз позициясини қатъият билан билдирганини яхши англашди ва буни муносиб баҳолашди. Антитеррор операцияси олиб бориладиган ҳудуд билан чегарадош бўлмаган бошқа давлатлар эса ўз шубҳаларини енга олмади. Кўплар узоқ вақт иккиланишди, “ҳисоб-китоб қилиб кўришди”, келадиган фойдани ўйлашди, АҚШ билан ҳарбий-техникавий ҳамкорлик қилиб, Марказий Осиёдаги ва бошқа жойлардаги жуғрофий-сиёсий муҳитни мутлақо ўзгартириб юборган “Ўзбекистон раҳбариятининг хатоси” ҳақида мулоҳаза юритишди.

Айни пайтда, Ўзбекистон томонидан 2001 йилнинг кузида қўйилган матонатли ва тарихий қадам пухта ўйланган эди. Ўзбекистон Президенти ўзига хос бўлган босиқ ва муносиб бир тарзда “агар ўша вазият такрорланганда эди, мен яна худди шу йўлни тутар эдим,” — деганида америкаликлар давомли қарсақлар билан ўз миннатдорлигини билдирди.

Ҳақиқатнинг иккинчи бир жиҳати шундаки, америкаликлар— оддий одамлар ҳам, сиёсатчилар ҳам самимий миннатдорлик билан шуни таъкидлашдики, Ўзбекистонда бирон марта америкаликларга қарши фикр билдирилмади. Бу эса кўп нарсалардан— халқимизнинг Буюк Ипак йўли давридан бошлаб ўз тафаккурига қатор маданиятлар таъсирини сингдириб келганидан, кўп асрлик теран маънавиятидан, аҳил қўшничилик ва олижаноблик фазилатларидан далолат беради. Бугун эса бу ҳол ўтган йил сентябрь воқеаларидан ҳам аввал бошланган, АҚШ билан ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги ҳукуватимиз сиёсатининг доно халқимиз томонидан қўллаб-қувватланишида ҳам ўз ифодасини топган. Яъни Ўзбекистон билан Америка ўртасидаги сифат жиҳатидан янги муносабатлар бу давлатлар сиёсатидаги кескин бир бурилиш эмас. У аста-секинлик билан, тадрижий асосда шаклланди. Ушбу воқеалар мамлакатимизнинг мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ўтказиб келаётган оқилона сиёсатининг табиий давомидир.

Ўзбекистон Президентининг Америка Қўшма Штатларига сафари ҳар икки мамлакат ўртасидаги келгуси муносабатларга кўрсатадиган таъсири жиҳатидан ҳам тарихий аҳамиятга эгадир. Бу борада ушбу сафар давомида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация айниқса алоҳида ўрин тутади.

Дунёнинг санокли давлатларигина АҚШ билан ана шундай нуфузли ҳуқуқий ҳужжатни имзолай олган. Чунки Вашингтон бу масалага жуда жиддий қарайди, шунингдек, бу каби ҳужжатларда томонларнинг истиқболли мажбуриятлари кўзда тутилади.

Декларациянинг мазмун-моҳияти қуйидагича: АҚШ шуни тан оладики, Ўзбекистон мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига қаратилган ҳар қандай таҳдид уни ҳам ташвишлантиради, у ўз зиммасига мамлакатимиз раҳбарияти билан маслаҳатлар ўтказишга доир мажбуриятлар олади. Ўзбекистон хавфсизлиги Америка томонидан бутун Марказий Осиё минтақасидаги барқарорликнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

Бироқ Декларация фақат хавфсизлик масалалари билан чегараланиб қолмайди. Унда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги стратегик манфаатларнинг кенг кўлами қамраб олинган. Айни чоғда АҚШ бундан кейин ҳам Ўзбекистонга мамлакатда ислоҳотлар ўтказиш, фаровон демократик давлат қуриш, республика иқтисодиётига Америка сармоясини янада кенгроқ жалб қилишга тайёрлиги ва бу борада ёрдам кўрсатишини таъкидлади.

Шуниси аҳамиятлики, томонлар ушбу муҳим ҳужжат юзасидан ниҳоятда қисқа вақт ичида келишувга эришди. Бунинг устига ҳужжатнинг Ўзбекистон томонидан тайёрланган варианты асос қилиб олиндики, бу жуда камдан-кам бўладиган ҳодиса эди. Бунинг сабаби оддий — лойиҳанинг ўзбекча варианты, унда билдирилган асосий қоидалар ҳужжатнинг америкаликлар тайёрлаган лойиҳасига ҳамоҳанг эди.

Бу ўринда яна бир нарсани қайд этиш керак. Декларация концепцияси ва ғояси мамлакатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва аниқ ифодаланган эди. Президент бир неча бор хавфсизлик масалаларини жамият ҳаётининг бошқа жабҳаларидан — иқтисодий тараққиёт, демократиянинг кенгайиши, маънавият соҳасидаги илғор жараёнлардан ажратилган ҳолда кўриб

Биз Ўзбекистон ҳукумати ва халқига Ўзбекистон томонидан террорчиликка қарши уруш олиб бораётган Америка Қўшма Штатлари ва коалицияга берган бебаҳо ва ўз вақтидаги ёрдами учун миннатдорлик сўзлари билан мурожаат қилишни истаймиз. Ушбу ёрдамни биз ҳеч қачон унутмаймиз.

Сенатор Жозеф ЛИБЕРМАН,
Коннектикут штати.

бўлмаслигини таъкидлаган эди. Фақат ушбу масалаларнинг уй-ғунлиги жамиятнинг ҳақиқий барқарорлигини, унинг изчил ривожланишини таъминлайди.

Президентимиз, шунингдек, Ўзбекистон раҳбарияти сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа жабҳаларда ислоҳотларни жадаллаштириш масаласини ўртага қўяр экан, бу ишни кимгадир ёқиш учун ёки кимларнингдир талабига мос келиш учун қилмаётганига диққатни қаратди. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимиз минтақада тинчлик ва тартиб ҳукмрон бўлиши кераклигини англаганимиз ва, бу нарсалар Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келгани, барқарорликни мустаҳкамлашга ва мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга хизмат қилишидан келиб чиқади.

Айнан шуларни инобатга олиб, Президент Америка—Ўзбекистон Декларациясини ишлаб чиқиш чоғида мамлакатда иқтисодий ўзгаришлар ва демократик ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликка оид масалаларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Бинобарин, “Декларацияга ушбу масалалар киритилгандагина ушбу ҳужжат икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги даражасига ва бизнинг ана шу муносабатлар истиқболи тўғрисидаги тасаввуримизга мос келиши ҳақида сўз бориши мумкин”, дея уқтирди Президент.

Бугунги кунда тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, АҚШ Марказий Осиёда ўзининг давомли манфаатларига эга. У Ўзбекистонга тенг ҳуқуқли ҳамкор, ушбу ҳудуддаги асосий давлат сифатида қарайди. АҚШдаги турли даражадаги учрашувлар давомида суҳбатдошлар қайта-қайта ушбу фикрни таъкидлаб ўтишди: Ўзбекистоннинг Афғонистондаги террорчиликка қарши курашни қўллаб-қувватлаши, ҳеч шубҳасиз, бу курашнинг бориши ва унинг натижаларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Таниқли сенатор Ж.Либерманнинг шу йилнинг январидаги Ўзбекистонга ташрифи давомида билдирган фикри эътиборга моликдир: “Халқаро террорчилик тармоғига қарши курашда Ўзбекистонсиз муваффақият қозониш мумкин эмас эди”.

Бугун эса террорчилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳарбий ғалаба ҳали асосий муаммонинг ҳал этилганини — минтақада бу ёвуз кучлар батамом йўқ қилинганлигини, уларни маблағ билан таъминлаш ўчоқлари ва марказларининг батамом тугатилганини англамайди. Президент Ислом Каримов Вашингтондаги суҳбатлар давомида қайта-қайта таъкидлаганидек, кейинги босқичлар учун белгиланган вазифалар мураккаблиги жиҳатидан аввалгисидан қолишмайди, уларга ҳам жиддий ёндашиш зарур. Ҳарбий ғалаба — беғамликка асос бўла олмайди. Мазкур минтақа бутун дунёдаги тинчлик ва осойишталикка раҳна солувчи трансмиллий таҳдидлардан холи бўлиши учун ҳали кўп йиллар ҳамкорлик қилиш керак.

Ўзбекистон ҳам, Америка ҳам ушбу кураш ҳар икки давлат ўртасидаги ҳақиқий, узоқ муддатли ҳамкорликни тақозо этиши хусусида бир хил фикрга эга. Айнан шу сабабли Ўзбекистон ўз аҳамияти ва дунё воқеаларига таъсири жиҳатидан ноёб бўлган ҳужжатни — АҚШ билан стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги декларацияни имзолади. Буни бугун кўплаб бошқа давлатлар ҳам тан олмақда. Бу билан Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистондек сиёсий ҳамкорнинг аҳамиятини нечоғлик яхши англашини кўрсатиб, барчага мамлакатимиз халқаро муносабатлар майдонида муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Президент И. Каримовнинг АҚШга сафари муҳим воқеа сифатида энг янги тарих саҳифаларидан жой олди. Бу ташриф мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичини бошлаб берди. Унинг натижалари, ҳеч шубҳасиз, XXI асрда бутун Марказий Осиё минтақасининг келажагига ҳам таъсир кўрсатади.

*Миракбар РАҲМОНҚУЛОВ,
профессор, Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Миллий
хавфсизлик кенгаши котиби*

ЎЗБЕКИСТОН — АҚШ: ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Ҳаётда босиб ўтилган йўлга, эришилган ютуқларга назар ташлаб, тегишли хулосалар чиқариш, келажак ишлар режасини тузишга ундайдиган воқеалар ҳам бўлади. Ўзбекистон — Америка ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тарихида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2002 йил мартида АҚШга қилган расмий ташрифи ана шундай муҳим воқеалар сирасига киради.

Бу ташриф 11 сентябрь фожиасидан кейин, бор-йўғи ярим йил ўтгач, яъни хавфсизлик барчага баравар эканлиги, ҳаммамнинг ва ҳар бир кишининг, алоҳида мамлакат, алоҳида минтақа ва, умуман, дунё хавфсизлиги ўзаро бир-бирига боғлиқ эканлиги яна бир бор очик аён бўлган шароитда амалга оширилди.

Ўшанда, 2001 йилнинг кузида Америка халқи тўрт мингга яқин кишининг ҳаётига зомин бўлган қабих жиноят аламини тортаётган бир пайтда, бизнинг бу халқ билан ҳамдардлигимиз дунё ҳамжамияти кўз ўнгида намоён бўлди. Ўзбекистон АҚШни Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган мудҳиш террорчилик ишларининг илҳомчилари ва ташкилотчиларига қарши курашида маънавий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлабгина қолмай, Қўшма Штатлар ҳамда унинг террорчиликка қарши курашдаги иттифоқдошларига ўзининг амалий ёрдамини таклиф қилди. Ўзбекистон жаҳонда, минтақа ва МДХда биринчилардан бўлиб АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари авиациясига ўз ҳаво йўлларини тақдим қилди, гуманитар ёрдам юкларини ташишда, қидирув-қутқарув ишларини амалга оширишда фойдаланиладиган самолёт ва вертолётлар ўзининг ҳарбий аэродромларидан бирига қўнишига рухсат берди. Кейинчалик Термиз орқали Афғонистонга гуманитар юкларни сув ва қуруқлик орқали етказиб бериш йўлга қўйилди.

Бундай қарор воқеаларнинг ривожини ноаниқ бўлиб қолаётган ниҳоятда мураккаб бир шароитда қабул қилинган эди. Бу қарор эҳтиросларга берилиш ёки «дўст кулфатда билинар» тамойилига амал қилиш натижаси эмас эди, чунки икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг мавжуд даражаси бу муносабатларнинг кўп йиллик тарихи, бундай ҳамкорликнинг улкан имкониятлари борлигидан далолат беради. Бу пайтга келиб Қўшма Штатлар Ўзбекистон Президентининг икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантириш борасидаги амалий фаолиятини бир неча бор эътироф этган эди. Бу соҳадаги алоҳида хизматлари учун 1993 йил июлида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Нью Жерси штатининг фахрий фуқароси этиб сайланган, 1997 йил 7 май куни Капитолий биноси узра унинг шарафига АҚШнинг Давлат байроғи кўтарилган, Америкадаги анъанага кўра бу байроқни кейинчалик конгрессмен Б. Арчел Президентимизга топширган эди.

АҚШ Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий шерикларининг биринчи ўнлигидан барқарор ўрин олган. 2000 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш 292,99 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан-тўғри киритилган сармояларнинг умумий миқдори 353 миллион долларга етди. Бунинг қарийб учдан бир қисми йирик корхоналарга тўғри келади.

Гарчи Ўзбекистон кўмак ва мададга эҳтиёж сезиб турган бўлсада, мамлакат раҳбариятининг 2001 йил кузидаги қарори туйқусдан ёки ғараз мақсадда, туғилган вазият баҳонасида фойда кўриб қолиш, сиёсий ва иқтисодий дивиденд олиш истағи билан қабул қилинган эмас эди. Бу қарорнинг негизида Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилган миллий хавфсизликни таъминлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликка эришиш стратегиясининг концептуал қоидалари турар эди.

Бу стратегиянинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида жаҳондаги етакчи мамлакатлар, жумладан АҚШ билан ҳамкорлик ва биргаликдаги ҳаракатларни ҳар томонлама ривожлантириш белгилаб қўйилган.

Икки йилдан сал аввалроқ, бутун дунё янги асрни — учинчи минг йилликни кутиб олишга тайёрланаётган бир пайтда Гэллап институти мисли кўрилмаган жамоатчилик фикрини тўплади. Дунёнинг 60 мамлакатини қамраб олган «Минг йиллик сўрови» шуни кўрсатдики, бу дунёда энг муҳим нарса нима, деган сўровга зиддиятлар вужудга келган мамлакат ва минтақалардаги одамлар ана шундай зиддиятларсиз яшаш истаги жуда кучли эканини баён қилган. Бундай жавобнинг берилиши Марказий Осиё халқларига, хусусан Ўзбекистон халқига айниқса, тушунарли эди.

Минтақадаги мамлакатлар учун «Афғонистон» сўзи ташвишли бонг бўлиб жарангларди.

Совуқ уруш давридан мерос қолган узундан-узоқ зиддият йилларида Афғонистон жаҳонда қора дори хом ашёси тайёрлаш бўйича етакчи ўринга чиқиб, нафақат ўзига қўшни бўлган, балки ундан олисда жойлашган мамлакатларда ҳам минг-минглаб кишиларни, асосан ёшларни героин тузоғига илинтирди. Европа Афғонистонда етиштирилган героиннинг асосий бозорига айланган бўлса-да, афғон героини Янги Зеландия ва АҚШ ҳудудларида ҳам пайдо бўлгани қайд этилган.

Мудҳиш «афғон экспорти»нинг бошқа тури эса халқаро террорчилик ва экстремизм тарзида майдонга келди.

Ўтган мана шу давр мобайнида Ўзбекистон раҳбарияти юксак халқаро минбарлардан туриб, хорижий шериклар билан кўп томонлама ва икки томонлама учрашувлар пайтида Афғонистондаги зиддият маҳаллий ёки минтақавий муаммо эмаслигини, унинг тобора оламшумул қамров касб этаётганини таъкидлаб келди.

Ҳақиқатан ҳам, Афғонистонда ўрнашиб олган трансмиллий террорчилик гуруҳларининг қароргоҳларидан маблағ билан таъминланган, шу ердаги махсус лагерларда сабоқ олган жангарилар 11 сентябрь фожиасига қадар ҳам кўпгина мамлакатларда ўзларини намоён этган эди.

Биз тинчлик пайтида ўнлаб кишилар табиий офат ёки фалокат натижасида эмас, балки террорчилар қўлидан ажал топгани-

ни кўриб, изтиробга тушдик. Биз талайгина ёш ўзбекистонликларнинг турли диний шиорлар остида ўз халқига қарши кўпурувчилик-террорчилик фаолиятига жалб қилган экстремистлар таъсирига тушиб қолганидан ҳам қаттиқ азият чекдик. Алданган ёшлар қотиллик “илму амали”ни Афғонистонда эгаллашган. Жумладан, 1999-2000 йилларда халқаро террорчи гуруҳларнинг Ўзбекистонга хуружи ҳам айнан ўша ёқдан туриб ташкиллаштирилган, молиялаштирилган ва амалга оширилган эди.

Ўшанда хорижий матбуотда, айрим оммавий ахборот воситаларида бу каби хуружларнинг сабаб ва асослари ҳақида бўлмағур уйдирмалар тарқатилиб, наркотикларни назорат қилувчи, уни ишлаб чиқарувчи ва халқаро контрабанда билан шуғулланувчи жиноятчи тўдаларни сиёсий куч, деб талқин этишга уринишлар пайдо бўлди. Аммо, АҚШда ўшандаёқ бу муаммога Ўзбекистон нуқтаи назари билан қараш, яъни унинг миллий хавфсизлигини таъминлашга таҳдид солиши мумкин бўлган реал хавфни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш позицияси пайдо бўлган эди. Шунингдек, 2000 йил сентябрида расмий Вашингтон томонидан террорчи ташкилотлар рўйхатига киритилган Ўзбекистон ислом ҳаракатининг асл моҳияти ҳам тўла англаб етилган эди.

Бироқ Афғонистонда давом этаётган ҳарбий қарама-қаршилик ҳамда ҳокимиятни кўлга олган «Толибон» ҳаракати янги террорчи ва жангариларни тайёрлаш, диний экстремизм ва террорчиликнинг ўрмаловчи экспанцияси ҳамда наркотиклар тарқалишининг ўсиб бораётган миқёслари учун доимий равишда шароит ва моддий манба тайёрлаб берар эди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташриф давомида америка халқига қарата қалбдан чиқариб айтган миннатдорлик сўзлари жуда самимий жаранглаган эди: “Қаерда бўлмайлик, оғир пайтда кўрсатган ёрдамимиз учун америкаликлар бизга миннатдорлик билдиришмоқда. Кунни кеча мен Америка Қўшма Штатлари Президенти жаноб Бушга АҚШ бизни узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонга таҳдид солиб турган даҳшатли хавфдан халос қилгани учун миннатдорлигимни билдирдим. Менга берилган имкониятдан фойдаланиб, ўз номимдан ва кўпмиллатли

халқим номидан сизлар биз — Марказий Осиё аҳолисини, биз билан биргаликда бутун инсониятни ёвуз балодан, бу даҳшатли аср вабосидан халос қилганингиз учун беҳад миннатдормиз».

Бу теран маъноли сўзлар тагида Афғонистондаги террорчиликка қарши амалга оширилган ишлардан ташқари, Америка Қўшма Штатларининг узоқ йиллар мобайнида хавфсизликни таъминлаш борасида Ўзбекистонга кўрсатиб келаётган сезиларли ёрдамни эътироф этиш ва бунинг учун миннатдорлик билдириш ҳам ётибди. АҚШ Ўзбекистоннинг минтақадаги вазият хусусида, унинг хавфсизлигига ташқи таҳдид мавжудлиги боис чекаётган ташвишига шерик эди.

Маълумки, АҚШнинг минтақамиздаги мамлакатларга доир стратегияси мустақиллик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, демократияни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий тараққиёт ва ўзаро ҳамкорликка кўмаклашишда намоён бўлади. Ўн йил мобайнида турли ёрдам дастурлари доирасида АҚШ ҳукумати Ўзбекистонга 400 миллион доллардан кўпроқ маблағ ажратди. Бу дастурлар рўйхатида ижтимоий-иқтисодий дастурлар билан бирга чегараларимизни техник жиҳатдан жиҳозлашни яхшилашга кўмаклашиш ҳамда террорчиликка қарши курашни кучайтиришга оид «Экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги», «Таҳдидларни ҳамкорликда камайтириш» дастурлари ҳам бор. Хусусан, кейинги дастур оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш технологиялари тарқалишининг олдини олиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида собиқ СССРдан қолган бактериологик (биологик) ва кимёвий қурол ишлаб чиқаришга алоқадор объектларни демилитаризация қилиш масалаларини ҳал этишга қаратилган. АҚШнинг хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ёрдами, шунингдек, наркотиклар тарқалишига қарши курашга кўмаклашиш, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ва ҳарбий таълим тизимини ислоҳ қилиш, армияни ҳарбий-техник жиҳатдан янада такомиллаштириш, айниқса, табиий офатлар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини тугатишни ўз ичига олади. Биргина 2002 йилнинг ўзида хавфсизликни таъминлаш бўйича Америка дастурлари учун 59,8 миллион доллар ажратилган.

Мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликка асос бўлган ҳужжат — Мудофаа ва ўзаро ҳарбий муносабатлар масаласи бўйича шартнома ва ҳамкорлик ҳақидаги меморандум 1995 йилдаёқ имзоланган эди. Бугунги кунда икки мамлакат ўртасида ҳарбий ва ҳарбий техник ҳамкорлик соҳасида, шунингдек, терроризм, наркотик савдоси, қурол тарқатиш сингари хавф-хатарларга қарши кураш бўйича 15 га яқин турли битимлар мавжуд.

Шуниси диққатга сазоворки, хавфсизлик соҳасидаги ўн йилдан ортиқ давом этаётган муносабатларимиз тарихи ҳақида гап кетганда, кўп нарсага нисбатан «биринчи марта», «биринчи бор» деган таърифлар ишлатилиши мумкин. 1994 йилда Марказий Осиёга ташриф буюрган АҚШ Мудофаа вазири — ўшанда бу лавозим эгаси Уильям Перри эди — минтақа ва ундаги мустақил-

ликка эришган мамлакатлар билан бевосита танишувни Ўзбекистондан бошлаган эди. 2002 йил январь ойида Тошкентда хавфсизлик бўйича Ўзбекистон—Америка маслаҳатлашувлари ўтказилиб, унда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ҳамда инсонпарварлик хусусида жуда кўп масалалар муҳокама қилинди. Бу ҳам минтақадаги биринчи ана шундай анжуман эди.

Халқаро майдонда юритилаётган аниқ сиёсатда ҳар бир мамлакат учун, энг аввало, ўз миллий манфаатларини амалга оши-

Мен Президентдан ва Мудофаа вазиридан Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши халқаро коалицияни қўллаб-қувватлашда давом этаётгани ва ундаги баҳоли қуграт иштироки, айниқса, бизга Афғонистонга бугун жуда керакли инсонпарварлик юқларини етказиб бериш имконини берган "Дўстлик" кўпригини очишдаги ёрдами учун миннатдорман.

Биз Ўзбекистон билан тузилаётган дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини юқори баҳолаймиз ҳамда икки томоннинг мақсаглари мазкур минтақада барқарорлик ва хавфсизлик учун катта аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Ричард МАЙЕРС,
АҚШ Қуролли Кучлари штаб
бошлиқлари
бирлашган кўмитаси
раиси.

риш борасидаги интилиши асосий тамойил ва белгиловчи омил ҳисобланади. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик ҳам ўзаро фойдали ҳамда иккала халқ манфаатларига жавоб беради.

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти, муҳими, ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларнинг кўлами ва уларни бажариш имкониятлари жиҳатидан дунёда ҳеч бир давлат Америка Қўшма Штатларига тенг кела олмайди. Шунинг учун ҳам АҚШ билан шериклик муносабатларини ривожлантириш Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсатига киришига муҳим омил бўлди, шунингдек, мамлакатимизда давлатчиликнинг тараққий этиши, демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва кенг тарқалишига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Энг муҳими, бу шериклик Марказий Осиёда минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга кўмаклашди.

Мудофаа ва хавфсизлик борасида Американинг молиявий ва моддий-техник ёрдамнинг реципиентларидан бири бўлган Ўзбекистон айни пайтда ҳимоясиз ва сушт боқиманда эмас. Шулардан бир мисол сифатида трансчегаравий таҳдидларга қарши ҳамкорликни кўрсатиш мумкин.

Мисол учун, наркотикларни ишлаб чиқариш ва ғайриқонуний айлантириш уюшган жиноятчиликнинг кўринишларидан бири сифатида алоҳида давлатларнинггина қонунчилик ва тартиб ўрнатиш бўйича ички муаммоси бўлмай қолган. Бугунги кунда ниҳоятда юксак даромад, тез айланиши ҳамда энг юксак даромад меъёрлари бўйича трансмиллий миқёс касб этган наркобизнес алоҳида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига, яъни нафақат чекланган ҳарбий концепция асосида белгиланадиган хавфсизликка ҳам таҳдид солмоқда.

2001 йил 11 сентябридан сўнг халқаро терроризмнинг аёнлиги ва у солаётган хавф даражаси ҳеч кимда шубҳа қолдирмади. Бироқ айнан наркодолларлар трансчегара террорчилик тармоқларини молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича асосий манбалардан бири ҳисобланади. Айрим мутахассисларнинг баҳосига кўра, 90-йилларнинг ўрталаридаёқ наркоиндустриянинг йиллик даромади 500 миллиард долларга етган, шундан ярмидан кўпроғи

соф даромадни ташкил қилади, 50-70 фоизи эса турли йўллар билан бизнеснинг бошқа соҳаларига (жумладан, легал соҳаларига ҳам) сармоя бўлиб киради.

Истеъмолчи мамлакатларда наркотикларга талабнинг камайиши билан бир пайтда, наркоманияга қарши курашнинг бугунги кундаги энг самарали стратегиясидан бири наркотик моддаларни ишлаб чиқаришни йўқ қилиш ёки манбанинг ўзидаёқ йўқотишидир, бу нарса унинг истеъмол бозорига, чакана тарқатув тармоғига кириб кетишига йўл қўймасликка қаратилган. Бу борада ҳам Ўзбекистоннинг наркомания хавфига қарши курашдаги ҳиссаси алоҳида сезиларлидир. 1991-1996 йилларнинг ўзидаёқ, яъни сезиларли хорижий ёрдам келмасдан туриб, республика ҳудудидан олиб ўтилаётган 23 тонна турли наркотик моддалар ушланди. Бу — миллион-миллион доза бўлиб, ўн минглаб инсон тақдири демакдир.

Ҳақиқатан ҳам, АҚШ Ўзбекистонни фақат хайрия ниятида қўллаб-қувватлаётгани йўқ. Манфаатлари жаҳон миқёсида ёйилган АҚШнинг Марказий Осиёда ҳам манфаатлари мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас ва унинг ўзи ҳам буни яширмай келмоқда. Бу манфаатлар жуғрофий-сиёсий ниятлар билангина чекланиб қолмайди. Минтақамиз жаҳон бозорида харидоргир бўлган ноёб ва нодир табиий бойликларга эгаллиги яхши маълум. Марказий Осиё ва Каспийбўйи давлатларида стратегик аҳамиятга молик углеводород захиралари мавжудлиги, бу минтақанинг Евроосиёдаги ўзига хос жуғрофий ўрни бугунги кунда дунёдаги энг йирик нефть импортери ва истеъмолчиси бўлган АҚШ учун ўз энергетика мустақиллигини таъминлашда, углеводород манбаларини диверсификациялаш (яъни бундай манбалар йўналишларини кўпайтириш) ҳамда жаҳон бозорига олиб чиқиш йўллари ташкил этиш борасидаги стратегиясини амалга оширишда алоҳида ўрин тутди.

Табиий бойликлари мўл, аҳолиси ҳам оз эмас ва нисбатан тез кўпайиб бораётган, иқтисодий юксалиш салоҳияти катта бўлган Марказий Осиё, ҳеч шубҳасиз, Американинг кичик, ўрта ва йирик бизнеси учун жуда истиқболли бозордир. Табиийки, иқтисодиётда ҳам, сиёсатда ҳам тинч ва хавфсиз минтақада бар-

қарор, бир текис равнақ топаётган, келажакдаги сиёсати аниқ белгиланган давлатгина ишончли ҳамда фойдали шерик бўла олади. Шунинг учун ҳам ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин-ки, АҚШ томонидан Ўзбекистонга мудофаа ва хавфсизлик масалаларини ҳал этиш борасида кўрсатилаётган ёрдам, Қўшма Штатларнинг бошқа манфаатлари қаторида, ўз хавфсизлигини ва халқаро хавфсизликни узоқ муддат давомида таъминлашга интилиши билан ҳам белгиланади, Ўзбекистоннинг глобал хавфсизликнинг муҳим қатнашчиси ва ажралмас қисми сифатида Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда минтақадаги хавфсизлик тизимини барпо этишдаги ҳал қилувчи ролни тан олгани билан ҳам изоҳланади.

Халқаро тараққиёт муаммоларига баҳо бериш ва уларга ёндашишда ҳар икки мамлакатнинг қарашлари йилдан-йилга уйғунлашиб бораётгани Ўзбекистон—Америка муносабатларининг моҳиятини англашда муҳим ўрин тутди. Бу БМТ доирасидаги ҳамкорликда, Афғонистондаги вазият сингари минтақавий масалаларни ҳал этишда, террорчиликка қарши курашда ва ғайриқонуний наркотик савдосига муносабат билдиришда ўз аксини топди. Бундай ҳамкорлик ҳар икки томоннинг халқаро вазиятни барқарорлаштириш борасида ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг уйғун ривожланиши масалалари бўйича манфаатлари мос келишида ҳам яққол кўринмоқда.

11 сентябрь фожиасидан сўнг АҚШ томонидан Афғонистонда амалга оширилган операция ҳамда Ўзбекистоннинг анти-террор коалицияни қўллаб-қувватлаши бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг ҳал қилувчи омили ва авж нуқтасига айланди. Гарчи бу муносабатларда бошқа жиҳатлар ҳам мавжуд бўлса-да, аммо айнан хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, уларнинг янги bosқичга кўтарилиши учун кучли туртки бўлиб хизмат қилди.

Буни мамлакатларимиз ўртасидаги мулоқотларнинг қай даражада жадаллашганида ҳам кўришимиз мумкин: 1991—2001 йилларда Ўзбекистонга АҚШдан ҳукумат даражасидаги 28 делегация ташриф буюрган бўлса, 2001 йил сентябрь ойининг ўзида 20 дан ортиқ юксак мартабали делегация келиб кетди. Ўзбекис-

тон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ҳукуматларининг халқаро террорчиликка қарши кураш масалалари бўйича қўшма баёноти (2001 йил, октябрь) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзаро англашув ҳақида» Меморандумнинг қабул қилиниши (2001 йил ноябрь) икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг янги босқичини ўзида акс эттиради.

2002 йил баҳорида икки мамлакат раҳбарларининг олий мақомдаги учрашуви натижасида бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Бу ҳужжатлардан энг асосийси — Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик ҳамда ҳамкорлик асослари бўйича Декларациядир. Бу ҳужжатда ташқи хавф туғилган тақдирда Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлигини таъминлашга кафолат берувчи бир қатор шартлар қайд этилган. Декларациянинг имзоланиши икки томонлама муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини тасдиқлайди. Чунки бундай ҳужжат АҚШнинг бошқа давлатлар билан муносабатлари тажрибасида ноёб ҳодисадир.

Қудратли салоҳият ҳамда халқаро нуфузга эга бўлган АҚШ сингари мамлакат билан стратегик шериклик миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда бу давлатга суянишимиз мумкинлигини англатади.

Бу фикрни ойдинлаштириш учун бир мисолга мурожаат этайлик. Афғонистондаги антитеррор ҳаракатлари АҚШнинг бу мамлакатга етказиб бераётган йирик мурувват ёрдамсиз мантиқий яқун топиши маҳол эди. Узоқ давр мобайнида чуқур зиддиятларни бошидан кечириб келган Афғонистонда тинчлик ва озоёйишталик ўрнатилиши, унинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий қайта тикланиш йўлига кириши учун, равшанки, у қуроли тўқнашувларнинг янги даврасига тушиб кетмаслиги, бу ерда террорчилик уяларининг қайта тикланиши ва террорчилик ҳаракатларининг яна бош кўтаришига имкон туғдирадиган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитнинг вужудга келмаслиги зарурки, бу борада-

ги ижобий натижаларга биринчи навбатда АҚШнинг саъй-ҳаракатлари туфайли эришилди.

Антитеррор операциясининг асосий ҳарбий босқичи ниҳоясига етганига қарамай, бу мамлакатдаги вазият мураккаблигича қолмоқда. Террорчилик хавфининг тўла бартараф этилгани ҳақида гапиришга ҳали эрта. Толиблар ва террорчиларнинг пусиб турган қолган-қутган кучлари пайти келиб яна фаоллашуви мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Чунки Афғонистонда террорчиликнинг қаршилик кўрсатаётган айрим ўчоқлари сақланиб қолмоқда. Афғонистон-Покистон чегараларининг тоғли худудлари заифлиги сабабли террорчилар чегаралардан сизиб ўтиб, Покистоннинг шимолий-ғарбий вилоятларида қайта тўпланишига имконият пайдо бўлмоқда. Афғонистонда турли этноминтақавий ва ҳарбий-сиёсий гуруҳлар ўртасида қуроли тўқнашувлар яна бошланиб қолиши хавфи ҳали ҳам сақланиб турибди. Марказий Осиё орқали Европа мамлакатларига олиб борадиган афғон наркотрафикининг кўлами ҳам сақланиб қолган. Айрим маълумотларга қараганда, бу йил Афғонистондаги наркобизнес ҳажми камида уч баравар ортган.

Афсуски, Марказий Осиё учун хавфсизликнинг “оғриқ нуқталари” биргина Афғонистон билан чекланиб қолмайди. Минтақа Яқин Шарқ ва Кашмир сингари зиддият ўчоқларидан ҳам узоқда эмас. Бу минтақаларда вужудга келаётган тангликка алоқадор давлатлар орасида ядро қуролига эга мамлакатлар бор. Бу каби хавф ва хатарларни санашда давом этиш мумкин: биз ҳамон нафақат ўзимиз, балки фарзандларимиз учун, келажагимиз учун ҳам тинч ва осойишта ҳаёт барпо этиш кафолатининг мавжудлиги ўта муҳим бўлган дунёда яшайпмиз.

Президент Ислом Каримовнинг март ойида АҚШга расмий ташрифи улкан халқаро аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Бу ташриф Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар тизимидаги мавқеи тобора юксалиб бораётганини намойиш қилди ҳамда мустақил Ўзбекистон учун ўз миллий манфаатларини амалга оширишида янги стратегик имкониятлар очди.

Бу ташриф худудимиз ҳамда чегараларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кафолатлаш борасидаги масалаларни ҳал этишда ҳам янги имкониятлар очди. Аммо у яна бир жиҳати билан

қимматли ва алоҳида аҳамиятга моликдир: ташриф мамлакатнинг узоқ муддатли хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокамаси ва уларни ҳал этишнинг ҳарбий ва мудофаа аспектлари доираси билангина, яъни бугунги, ҳар қанча кескин бўлмасин, барибир ўткинчи масалаларнинг муҳокамаси билангина чекланиб қолгани йўқ. Мамлакатнинг, демакки, ҳар биримизнинг хавфсизлигимиз масалалари давлатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашга қаратилган анча кенг миқёсдаги ҳамкорликнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилди. Ташриф давомидаги учрашувларда Президентимиз қайта-қайта такрорлаганидек, «мамлакатимизга кўрсатилаётган ёрдамни биз рақамлар ёки моддий воситалар билан ўлчамаймиз. Биз учун зарур бўлган энг асосий кўмак шундан иборатки, сиёсат, иқтисодиёт ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида бошлаган кенг кўламдаги ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва изчил давом эттиришда берадиган мададингиз бағоят муҳимдир.» Худди шу муносабат билан АҚШнинг Миллий яҳудийлар марказида ўтказилган тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Президенти қуйидагиларни алоҳида таъкидлади: «... биз учун, Ўзбекистон учун, минтақамизда яшаётган барча халқлар учун ўзимиз қатъий танлаб олган очиқ демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлидан оғдиришга қаратилган турли хавф-хатар ва уринишлар ҳали-ҳануз сақланиб қолаётганини таъкидламоқчиман. Бундай хавф-хатарларнинг юзага чиқиши бизни ўнлаб, юзлаб йилларга орқага, ўрта асрларга хос зулмат ва жаҳолат даврига улоқтириб юбориши мумкинлигини ҳам тушунамиз. Ана шундай қалтис шароитда барча зарур чораларни, айтиш керакки, бундай хавф-хатарларнинг йўлини тўсишга қаратилган чора-тадбирларни кўрмаслик халқимиз олдида, аввало, эртага бизнинг ўрнимизга келадиган фарзандларимиз, янги авлод олдида жинойт эканини яхши англаймиз. Шундан келиб чиқиб, жамиятимизда амалга оширилаётган демократик ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, демократик қадриятларни одамларимиз онгига теранроқ сингдириш, Ўзбекистоннинг тараққий топган дунё билан интеграциялашувини таъминлашни ўзимиз учун энг муҳим вазифа, деб биламиз».

*Рустам АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари*

ЎЗАРО ИШОНЧНИ МУСТАҲҚАМЛАШ ЙЎЛИДА

*Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари
ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик тараққиёти*

Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб эътироф этган ва дипломатик муносабатлар ўрнатган давлатлардан бири Америка Қўшма Штатларидир. Давлатлараро алоқалар ривожланиш жараёнида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида турли соҳаларда сифат жиҳатдан янги, узоқ муддатли ва ўзаро фойдали, халқаро ҳуқуқнинг меъёрларига асосланган муносабатлар таъмоийллари шаклланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожини бу соҳадаги ҳамкорлик барқарор, узлуксиз ва изчил хусусиятга эга эканидан далолат беради.

Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари билан биринчи бор 1993 йил октябрида Нью-Йорк шаҳрида учрашди, шу тариқа икки томонлама савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатилишига пойдевор қўйилди.

АҚШ ишбилармонлари билан бўлган мазкур учрашувда давлатимиз раҳбари белгилаган ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзбек модели концепцияси ва унинг моҳияти, ёш давлат танлаган ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли, бозор муносабатларига ўтишнинг беш таъмоийли ва иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари мантиқан асосланганлиги изоҳлаб берилди. Америкалик бизнесменлар Ўзбекистоннинг инвестиция салоҳияти, иқтисодийнинг турли соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишнинг улкан имкониятлари билан атрафлича таништирилди. Бу АҚШ компания ва фирмаларининг мамлакатимиз билан кенг миқёсли, серқирра савдо-иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган барқарор интилишнинг асоси бўлиб қолди.

Ташриф давомида И. Каримовнинг американинг етакчи банклари раҳбарлари билан музокаралари бўлиб ўтди ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Американинг “Жи Пи Морган”, “Чейз Манхеттен банк” ва “Кемикл банк” каби энг йирик банклари ўртасида икки томонлама молиявий ва инвестиция ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида дастлабки битимлар имзоланди.

Мана шу даврдан ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини шакллантириш бўйича изчил ишлар бошланди. “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва АҚШ ҳукумати ўртасида инвестициялар киритилишига кўмаклашиш ҳақидаги битим”нинг имзоланиши бу борада ташланган биринчи қадам бўлди. Мазкур ҳужжат Америка компаниялари Ўзбекистонга сармоя киритганда Хориждаги хусусий инвестициялар корпорацияси (ОПИК) томонидан уларни ҳуқуқий ва бошқа кафолатлар билан таъминлашга асос бўлди.

1993 йили Вашингтон шаҳрида Америка—Ўзбекистон Савдо Палатаси (АЎСП) ташкил этилиши икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожидида муҳим воқеа бўлди. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги савдо ва инвестиция фаолиятини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур ихтиёрий ва нотижорат ташкилот АҚШ ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари ўртасида шериклик муносабатларининг изчил ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Айниқса шартномавий-ҳуқуқий базанинг янада такомиллашиши республика иқтисодиётига инвестиция киритишни кучайтириш ва Америка сармоясини жалб этиш учун қулай шароит яратди. 1994 йилнинг декабрида икки томонлама ҳукуматлараро “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида битим” имзоланди. Мазкур ҳужжат инвестицияларни национализация қилиш ҳамда тортиб олишдан ҳимоялаш, шунингдек, икки томонлама инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратиш кафолати бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил 23-28 июнда Америка Қўшма Штатларига ташрифи Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигида янги саҳифалар очди. Таш-

риф давомида АҚШ Президенти Билл Клинтон, Молия вазири Д. Рубин, АҚШ ЭКСИМБАНКИ, хориждаги хусусий инвестициялар корпорацияси (ОПИК) раҳбарияти билан самарали мулоқот бўлиб ўтди. Музокараларда молия ва энергетика, савдо соҳаларида, тадбиркорликни ривожлантириш борасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Ислом Каримов Вашингтон шаҳрида АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди, Хьюстон ҳамда Денвер шаҳарларида ўтказилган Ўзбекистон нефт-газ ва тоғ-кончилик тармоқларига сармоя жалб этиш имкониятларига доир конференцияларда иштирок этди. АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари мамлакатимиз нефт-газ саноатини ривожлантиришга инвестиция йўналтиришдан манфаатдор эканликларини маълум қилишди.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди, десак, асло муболага бўлмайди. 2001 йилнинг 30 сентябрида Вашингтон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ҳукуматлари ўртасида “Икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Унда АҚШ Ҳукумати Ўзбекистон Республикасига, биринчи навбатда, сўмнинг эркин конвертациялашувига эришиш, устувор тармоқларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ижтимоий ва молиявий барқарорликни таъминлаш борасида кенг кўламли молиявий ҳамда иқтисодий ёрдам кўрсатишга тайёр эканини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати барқарорлик ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини муҳофаза қилиш зарурлигини инobatга олиб, иқтисодий ислохотларни изчил давом эттиришда қатъиятини тасдиқлади.

Томонлар кадрлар тайёрлаш, электр энергетикаси, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ривожлантириш, минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни замонавийлаштириш, икки томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини

мукаммаллаштириш ва муайян тизим яратиш, бошқа соҳаларда ҳам ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишиб олишди.

Шуни айтиш керакки, мазкур меморандумда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни, халқаро туризм инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, бошқа соҳаларга тўғридан-тўғри Америка инвестициясини жалб этишни кенгайтириш масаласи алоҳида ўрин тутди.

2002 йил арафасида Вашингтон шаҳрида “Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда Америка Қўшма Штатлари кичик ва ўрта бизнес Миллий уюшмаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим” имзоланиши ҳам икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2002 йилнинг 11-14 мартида АҚШга расмий ташрифи янги босқичдаги стратегик ҳамкорлик асосидаги икки томонлама муносабатлар шаклланишига асос яратди. Давлатимиз раҳбари билан бўлган учрашув пайтида АҚШ Президенти Жорж Буш Ўзбекистон АҚШнинг ҳақиқий дўсти ва стратегик ҳамкори эканини таъкидлади.

Икки давлат раҳбарлари бошқа масалалар қаторида иқтисодий ҳамкорлик истиқболларига алоҳида эътибор қаратдилар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўлиқ қўллаб-қувватланди, шу билан бирга шериклик ва инвестиция бўйича ҳамкорликни янада кенгайтириш билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама қилинди. Ташриф давомида савдо-иқтисодий муносабатларни янги босқичга кўтариш омилларига жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг АҚШ Молия вазيري П. О’Нил билан молиявий ва иқтисодий ҳамкорлик масалаларига бағишланган музокараларида Ўзбекистонда амалга ошаётган бозор ислоҳотлари ва демократик жараёнлар, шунингдек, халқаро молия ташкилотлари доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш қўллаб-қувватланиши маълум қилинди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон делегацияси мамлакатимизда иқтисодий янада эркинлаштириш, миллий валютани жорий операциялар бўйича конвертация қилиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг АҚШ қишлоқ хўжалик вазири Э. Венеман билан учрашувида узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ва давлат грантлари бўйича республикага озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш миқдорини кенгайтириш ҳамда қўшма илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасига янги технологияларни татбиқ этиш ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишиб олинди.

Ўзбекистон раҳбарининг АҚШга ташрифи чоғида ишбилармон доиралар вакиллари ва америкалик йирик инвесторлар билан қатор учрашувлар ўтказилди. Уларда мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Америка бизнеси иштирокини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Жумладан, “Ньюмонт майнинг” компанияси раҳбарияти билан олтин қазиб олиш соҳасида янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўзаро музокаралар бўлиб ўтди.

Президент Ислон Каримов шарафига Америка — Ўзбекистон Савдо палатаси (АЎСП) томонидан уюштирилган қабул маросимида сўзга чиққан америкалик тадбиркорлар Ўзбекистон катта иқтисодий салоҳиятга эга эканини қайд этиш билан бирга мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар сиёсати ўзаро манфаатли ҳамкорлик уфқларини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Расмий ташриф давомида икки давлат ўртасида узоқ муддатли, кенг кўламли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида, айниқса “Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация” муҳим ўрин тутди.

Кенг қамровли бу ҳужжат Ўзбекистон ва Қўшма Штатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлади ва муносабатларимизни янги босқичга кўтарди. Декларацияда кенг кўламли масалалар, авваламбор, иқтисодий ислохотларни чуқурлашти-

риш бўйича стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Шунингдек, ташриф давомида “Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ўртасида фан ва техника соҳасидаги қўшма лойиҳалар бўйича ўзаро англашув тўғрисидаги қўшма декларация”, “PL-480” имтиёзли кредит дастури доирасида 20 миллион АҚШ доллари ажратиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ҳам имзо чекилди.

Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва АҚШ Экспорт-импорт банки ўртасида 50 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш тўғрисида битим имзоланди.

Музокаралар натижасида имтиёзли дастурлар, шунингдек, АҚШ вазирлик ва идоралари грантлари доирасида кўрсатилаётган молиявий ёрдам ҳажми янада кенгайтирилди. АҚШ ҳукумати 160 миллион АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилганини билдирди. Ушбу маблағлар мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, сув инфратузилмаси ва ирригация тармоқлари ҳолатини яхшилаш, таълим, соғлиқни сақлаш тизимларини қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат соғиб олиш, шунингдек, бошқа эҳтиёжларга йўналтирилади.

Ўзбекистон иқтисодиётига Америка инвестициялари

Бозор муносабатларига ўтишнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган таъминотлари ва ўзбек модели Америка ишбилармон доираларида катта қизиқиш уйғотди. Американинг етакчи банклари ва компаниялари мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи йиллариданоқ Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга, уни ривожлантиришга хайрихоҳ эканини билдирди.

Америка компаниялари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларида қўшма корхоналар ташкил этишда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, тоғ-кон ва нефт-газ мажмуини ривожлантириш, аграр

соҳа, озиқ-овқат саноатининг технологик базасини мустаҳкамлаш, транспорт инфратузилмаси ва бошқа соҳаларни такомиллаштиришга Америка ишбилармонлари катта қизиқиш билан қарамокдалар.

Бундай таклифларнинг кўпайишига асосий омил — ҳеч шубҳасиз, қулай инвестиция муҳити, хорижий сармоядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунчилик асослари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга кўмаклашишидир.

АҚШдан жалб этилаётган инвестицияларнинг ўсиб бориши Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг стратегик муҳим соҳаларига Америка техникаси ва технологиясини татбиқ этиш билан боғлиқ, албатта. 1992 йили “Ньюмонт Майнинг” компанияси билан шерикликда бунёд этилган “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси шундай йўналишдаги лойиҳаларнинг биридир. Жуда қисқа муддатда ишга туширилган мазкур корхона Мурунгов кони чиқиндиларини қайта ишлаб, олтин ажратиб олади.

Қиймати 228 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳани амалга ошириш учун Европа тикланиш ва тараққиёт банки ташкилотчи бўлган банк консорциумининг 135 миллион АҚШ доллари миқдоридagi сармояси суверен кафолатсиз жалб этилди. Қўшма корхона ишга туширилгандан буён ўтган вақт ичида 86 тонна олтин ишлаб чиқарди, 2010 йилнинг охирига қадар яна 102 тонна олтин ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Мазкур ҳамкорликнинг муваффақияти кўплаб Америка компанияларининг Ўзбекистон тоғ-кон саноатини ривожлантиришда иштирок этишга қизиқишини кучайтирди.

Молия ва суғурта бозорини ривожлантириш борасидаги шериклик эса Американинг энг йирик компанияси “Америкэн Интернейшнл Групп” (АИГ) билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этишда ўз ифодасини топди. Бу борадаги самарали ҳамкорлик натижасида Тошкент шаҳрида “ЎЗАИГ” ва Лондонда “Ўзбекинвест Интернейшнл” қўшма корхоналари ташкил топди.

Тижорат кредитларини суғурталаш бўйича “ЎЗАИГ” компанияси “Америкэн Интернейшнл Групп” компанияси ҳамда Ўзбе-

кистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки иштирокида 2 миллион АҚШ долларидан ортиқ низом жамғармаси асосида ташкил этилди. 1995 йилда иш бошлаган бу қўшма корхона ўз фаолияти давомида суғурта мажбуриятларининг умумий миқдори 5,8 миллиард АҚШ доллари, 3,3 миллиард сўмдан ошиқ бўлган 73 мингдан ортиқ суғурта шартномаси тузди.

Низом жамғармаси 100 миллион АҚШ доллари бўлган “Ўзбекинвест Интернейшнл” қўшма суғурта компанияси республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш, хорижий сармоядорлар учун имтиёзлар, рағбатлантирувчи омиллар ва кафолатлар тизимини шакллантириш мақсадида ташкил этилган. Мазкур компания ўз фаолиятини бошлаганидан буён хорижий инвестицияларни суғурталаш ва Ўзбекистонга экспортга кўмаклашиш мақсадида берилган 101 суғурта полиси бўйича умумий қиймати 900 миллион АҚШ доллари миқдоридаги суғурта ҳимояси амалга оширилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологик даражасини ошириш мақсадида Американинг “Кейс Нью Холланд” компанияси билан биргаликда умумий низом жамғармаси 40 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлган тўртта қўшма корхона барпо этилди.

“ЎзКейсМаш” қўшма корхонаси ҳозиргача 800 та замонавий горизонтал-шпинделли пахта териш машинасини, “ЎзКейс-Трактор” қўшма корхонаси 238 та “Кейс” универсал ҳайдов тракторини, шу жумладан “МХ-135” русумли истиқболли турдаги тракторларни ишлаб чиқарди. “ЎзКейсАгролизинг” ва “ЎзКейсСервис” қўшма корхоналари бутун республика ҳудуди бўйлаб янги қишлоқ хўжалик техникасига сервис ва техник хизмат кўрсатиш тизимини шакллантирди, корхоналар ва

Мен Ўзбекистоннинг “Енгилмас эркинлик” операциясигаги ҳамкорлиги ва кўмагини юқори баҳолашимизни таъкадлашни истар эдим. Ушбу кўмак операциянинг муваффақиятини таъминлади.

**Майра РИКАРДЕЛ,
АҚШ Мудофаа вазири
ёрдамчисининг ўринбосари.**

фермер хўжаликларига лизинг асосида техника етказиб беришнинг илғор усуллари жорий этилмоқда.

Ўтган давр ичида нефт-газ саноатида ҳам йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилди. “АББ Луммус Глобал” билан ҳамкорликда Шўртан газ-кимё мажмуи барпо этилди, лойиҳа қуввати йилига 125 минг тонна бўлган полиэтилен ишлаб чиқариш мажмуи қурилиши якунланди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 656,6 миллион АҚШ долларини ташкил этишини инобатга олсак, бу ишлар кўлами тасаввуримизда яққол намоён бўлади.

Американинг яна бир компанияси — “БиСиАй Индастриз Инк.” билан биргаликда ҳажми 2 миллиард куб метр ва умумий қиймати 69,1 миллион АҚШ доллари бўлган Хўжаобод ер ости газ омбори қурилиши амалга оширилдики, бу аҳолини табиий газ билан таъминлашда кенг имкониятлар яратиб берди.

Айни пайтда эса “Бейкер Хьюз” компанияси билан ҳамкорликда Қашқадарёнинг Шимолий Ўртабулоқ конида нефт қазиб олишни кўпайтириш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда. Замоноавий технологияларни амалга татбиқ этиш натижасида нефт қазиб олиш ҳажмининг умумий ўсиши бир йилда 82 минг тоннани ташкил этди.

Американинг машҳур “Тексако” компанияси билан бирга Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси базасида юқори сифатли мойлар ишлаб чиқариш бўйича “Ўз-Тексако” қўшма корхонаси ташкил этилди. Корхонада “Кейс” компанияси қишлоқ хўжалик техникаси учун импорт маҳсулот ўрнини босувчи мойлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугунги кунда қўшма корхона томонидан қарийб 5 минг тонна олий сифатли, халқаро талабларга жавоб берадиган мойлаш материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

1992 йилдан буён Америка сармояси жалб этилган ҳолда қўшма корхоналар ташкил этиш суръати доимий равишда ўсиб бормоқда. Агар ўша йили мамлакатимизда 14 та қўшма корхона ташкил этилган бўлса, 2001 йилга келиб америкалик ҳамкорлар билан барпо этилган корхоналар сони 355 тага етди, уларнинг 114 таси тўлиқ америка капитали асосида фаолият кўрсатади.

Умуман, истиқлол даврида Ўзбекистонда Америка компаниялари ва молия институтлари билан ҳамкорликда умумий

қиймати 2,4 миллиард долларни ташкил этувчи инвестиция лойиҳалари амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу маблағ доирасида Америка молия ташкилотлари томонидан суғуртавий қоплаш миқдори 1,4 миллиард АҚШ долларидан ортди.

Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатлари билан савдо алоқалари

Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосида АҚШ билан ўзаро алоқалар муҳим ўрин тутди. АҚШ Ўзбекистоннинг савдо соҳасидаги энг йирик ва барқарор ўнта ҳамкор давлатларидан биридир.

Икки томонлама савдо муносабатида зарурий шарт-шароитларни яратиш мақсадида 1993 йилнинг ноябрида ҳукуматлараро “Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасида савдо муносабатлари тўғрисида битим” имзоланди. Унда ҳар икки томоннинг савдо соҳасида бир-бирига қулай шарт-шароитни яратиши кўзда тутилган. Томонлар эркин савдони рағбатлантириш ва тижорат фаолияти учун қулай имкониятлар яратишга келишиб олган, шунингдек, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор соҳалари белгиланган.

1994 йилнинг августида АҚШ Конгресси томонидан Ўзбекистонга Преференциялар бош тизими (GSP) бўйича бенефициант мақоми берилиши икки томонлама савдо алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилди.

Икки давлатнинг ўзаро манфаатли савдо муносабатларини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга қаратилган фаол саяҳат-қаракатлари ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо айланмаси деярли беш баробар ортди ва икки томонлама савдо ҳажми республикамиз ташқи савдосида етакчи ўрин тутиб келмоқда. Агар 1992 йили Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо айланмаси 58,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2001 йил якунларига кўра у 292,99 миллион АҚШ долларига етди.

Мустақиллик йилларида умумий савдо ҳажми қарийб 2,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

АҚШдан мамлакатимизга саноатнинг турли тармоқларини замонавийлаштиришга қаратилган инвестиция лойиҳалари доирасида катта миқдорда технологик ускуналар ва ишлаб чиқариш-техник хусусиятга эга маҳсулотлар импорт қилинмоқда.

АҚШ ҳукумат идоралари ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликнинг қўллаб-қувватланиши

Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатлар давлатлараро иқтисодий ҳамкорликнинг турли қирралари ҳар томонлама кенг қўлам касб этгани туфайли ўзининг ҳозирги даражасига кўтарилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилиданоқ мамлакатимиз раҳбарияти АҚШнинг Савдо ва ривожланиш агентлиги (ТДА), Хорриждаги хусусий инвестициялар корпорацияси (ОПИК) билан изчил ҳамкорлик ўрнатиб келмоқда.

Ҳамкорликнинг ҳуқуқий мезонларини белгилаб олиш учун АҚШнинг Савдо ва тараққиёт агентлигини (ТДА) қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб этиш мақсадида 1996 йил 24 июнда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ТДА ўртасида “Лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда ўзаро англашув меморандуми” имзоланди. ТДАнинг Ўзбекистондаги фаолияти бошланганидан буён агентлик томонидан тоғ-кон, нефт-газ, кимё саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўн иккита лойиҳанинг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш учун 6,0 миллион АҚШ доллари ажратилди.

Жумладан, 2001 йилда ТДА томонидан иккита “Боинг-767-300ER” самолётларини сотиб олишнинг техник-иқтисодий асосларини қисман молиялаш (485 минг АҚШ доллари) ва Олмалик шаҳридаги “Аммофос” ишлаб чиқариш бирлашмасини таъмирлаш истиқболларини ўрганиш учун грантлар ажратилди.

2000 йил июнида ТДА агентлиги Тошкентда Марказий Осиё ва Кавказ минтақасида соғлиқни сақлаш соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестициялар жалб этиш бўйича халқаро

конференция ўтказди. Унда ТДА директори Ж. Грандмейсон иштирок этди. 11 сентябрь воқеаларидан сўнг бу соҳадаги ҳамкорлик янада ривож топди ва 2001 йил 29 ноябрда имзоланган Меморандумга биноан соғлиқни сақлашни ривожлантириш учун 5 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағ миқдорида грант тақдим этиладиган бўлди.

2001 йил декабрида АҚШ ҳукумат агентликлари делегациясининг ташрифи якунлари бўйича “Ўзбекэнерго” давлат акционерлик компанияси, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акционерлик компанияси, Почта ва телекоммуникациялар агентлиги, “Ўзтибмахсулот” ҳиссадорлик жамиятида ўзаро англашув тўғрисидаги меморандумлар имзоланди. Уларда ТДА билан ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари белгилаб берилган.

Олтин қазиб олиш, уяли алоқа ва кабел телевидениеси тизимларини ривожлантириш бўйича умумий қиймати 224,1 миллион АҚШ доллари бўлган учта лойиҳа ОПИК томонидан суғурталанган.

ОПИК Ўзбекистон томони таклифларини қўллаб-қувватлаб, қуйидаги соҳаларда изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда:

Ўзбекистон иқтисодийнинг базавий тармоқларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда ОПИК кўмаги билан Америка компанияларининг иштирок этиши;

ўз суғурта кафолати воситасида Америка компанияларини давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнларига жалб этиш;

кичик ва ўрта бизнес соҳасида лойиҳаларни амалга оширишда ОПИК суғурта кафолати воситасида америкаликларнинг хусусий инвестицияларини жалб этиш.

Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни қўллаб-қувватлашда мамлакатларимиз банк муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутди. Айтиш керакки, ҳозир банклараро ҳисоб-китобларнинг барқарор тизими изчил фаолият кўрсатмоқда. Унда Ўзбекистоннинг 12 та тижорат банки иштирок этаётгани ва улар Қўшма Штатларнинг етакчи банкларида 25 та вакиллик ҳисоб рақамларига эга эканликларини қайд этиб ўтиш зарур.

Давлатлараро даражадаги келишувларнинг изчил амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва АҚШ Экспорт-импорт банки (Эксимбанк) устувор инвестиция лойиҳаларини молиялаш ва суғурталаш, республика иқтисодиётининг базавий тармоқлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича узвий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

АҚШнинг Эксимбанки билан дастлаб 1993 йили қисқа муддатли суғурта дастури бўйича операциялар амалга оширилган эди. Шундан сўнг Кўкдумалоқ нефт-газ конида газ конденсати ҳамда чуқур қатламдаги нефтни қазиб олиш учун газ компрессор станцияси ўрнатилиши, Бухоро вилоятида нефтни қайта ишлаш корхонаси суғурта кафолати воситасида амалга оширилган бошқа йирик лойиҳалар қаторида қишлоқ хўжалик техникаси, “Боинг” самолётларининг харид қилиниши, Қизилкум фосфорит комбинати учун кон ускуналари етказиб берилиши, шунингдек, “Болалар таомлари холдинг” ҳиссадорлик жамияти болалар озиқ-овқати, “ЎзЭксайд” қўшма корхонасида аккумулятор батареялари ишлаб чиқарилишини молиялаш, Республика онкология илмий марказининг замонавий тиббий ускуналар мажмуи билан жиҳозланиши каби ишларни кўрсатиш мумкин.

АҚШ Эксимбанки иштирокида мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий соҳаларининг устувор тармоқларида жами 2,4 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi 18 та лойиҳа молиялаштирилди ва амалга ошириляпти. Мазкур лойиҳалар умумий қийматидан кредитга берилган маблағ қарийб 1,3 млрд. АҚШ долларини, жумладан, АҚШ Эксимбанки томонидан суғурта қопламаси 895 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Айни пайтда берилган кредитлар умумий миқдоридан 502 млн. АҚШ доллари ўз вақтида қопланган ва улар бўйича 123 млн. дан зиёд АҚШ доллари миқдорида фоиз тўланган.

АҚШ Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорлик, жумладан кредит дастурлари доирасидаги алоқалар кейинги даврда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожидида муҳим йўналиш касб этмоқда. Биргина “PL-480” имтиёзли товар кредитлари дастури доирасида 1999 йилдан буён Ўзбекистонга ажратилган маблағларнинг умумий қиймати 40 миллион АҚШ доллари-

га тенг бўлиб, 88,5 минг тонна соя, 38,1 минг тонна буғдойнинг қаттиқ навлари, 51,3 минг тонна гуруч етказиб берилди. “GSM-102” қисқа муддатли экспорт-кредит дастури доирасида республикага умумий қиймати 63 миллион АҚШ доллари тенг 203,9 минг тонна соя олиб келинди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик ҳам фаол амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, экинларнинг юқори ҳосилли, касалликларга чидамли навларини яратиш, ер-сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, яйловларни сақлаб қолиш бўйича ўнта лойиҳа, шунингдек, бошқа истиқболли лойиҳалар ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Айни пайтда яна ўн иккита лойиҳани амалга ошириш учун маблағлар ажратилган.

Экспортнинг минтақавий даражада назорати бўйича қонунчилик базасини яратиш, ўзаро алоқаларни мустақамлаш борасида АҚШ Савдо вазирлиги билан бирга фаол иш олиб борилмоқда.

Икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари

Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг АҚШга ташрифи давомида, 2002 йилнинг 12 мартда Америка—Ўзбекистон савдо палатаси (АЎСП) вакиллари билан учрашувда аниқ кўрсатиб берилди. Давлатимиз раҳбари мамлакатларимиз олдида иқтисодиёт соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун кенг имкониятлар очилганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатингиз халқига террорчиликка қарши курашда жаҳон ҳамжамиятига кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз. Биз сизларнинг бу борада сарфлаган кучларингизни жуда юқори баҳолаймиз ва Ўзбекистон билан муносабатлар янада мустақамланади, деб ҳисоблаймиз.

Конгрессмен
Дэвид ХОБСОН,
Огайо штати.

Икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, жумладан, “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисидаги битим”ни тезда амалга киритиш ва “Икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида битим”ни имзолаш, товарлар ва хизматлар бозорларига кириб бориш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, Ўзбекистонга нисбатан қўлланилган “Жексон-Веник” тузатишини бекор қилиш, мамлакатларимиз ўртасида доимий мўътадил савдо муносабатларини қарор топтириш кўзда тутилган.

Экспорт-импорт банки, Савдо ва ривожланиш агентлиги (ТДА), Хориждаги хусусий инвестициялар корпорацияси (ОПИК) билан ҳамкорлик тармоқларини кенгайтириш бўйича эришилган асосий келишувлардан келиб чиқиб, Америка сармоясини Ўзбекистон бозорига жалб қилиш борасидаги ишлар бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Тоғ-қон, самолётсозлик, машинасозлик ва кимё саноати, агро-саноат мажмуи ва транспорт инфратузилмаси технологик базасини ривожлантиришда Американинг етакчи компаниялари билан ҳамкорлик катта истиқболларга эга.

Углеводород хом ашёсини қидириш, разведка қилиш, қазиб олиш, юқори сифатли нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликка алоҳида аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон бозорида америка капитали иштирокини орттириш имкониятларидан бири — унинг республика иқтисодиёти асосий тармоқларидаги йирик саноат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида фаол қатнашиши, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда иштирок этишидан иборатдир.

Америка компанияларининг ахборот технологиялари ва телекоммуникациялар соҳасидаги тажрибаси Ўзбекистон учун гоят фойдали бўлиши шубҳасиз. Зеро, мамлакатимиз олдида ахборот технологияларини ривожлантириш ва тегишли индустрияни яратиш вазифаси турибди.

Республикаимиз минтақаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва мева-сабзавотни қайта ишлаш соҳасига Америка компанияларининг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш ҳисо-

бига қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги босқичда қонунчилик базасини такомиллаштириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, интеллектуал мулк ҳуқуқлари ва патентларни ҳимоялаш, электрон савдо, энергияни тежайдиган ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш билан боғлиқ кенг кўламли масалаларни ҳал этишга қаратилган техник ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси учун муҳим аҳамиятга моликдир.

АҚШнинг етакчи компаниялари билан маркетинг, инжиниринг, лизинг ва инвестиция хизматлари ҳамда логистика ва халқаро юк ташиш соҳасида қўшма тузилмалар ташкил топиши ўз самарасини бермай қолмайди, албатта.

Шунингдек, Америка компаниялари соғлиқни сақлаш, таълим ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга оширишда ҳам фаол иштирок этиш имкониятига эга. Зеро, бу соҳалар мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида устувор аҳамият касб этади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқлари учун менежерлар ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳам мамлакатимиз манфаатларига мос тушади.

Шундай қилиб, икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида фикр юритар эканмиз, Ўзбекистон—Америка муносабатлари муваффақиятли ривожланиши учун кенг имкониятлар мавжуд бўлган кўплаб тармоқ ва соҳаларни санаб ўтишимиз мумкин. Мустақиллик йилларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тажрибаси, савдо-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлаш жараёнида тўпланган салоҳият ҳамда белгиланган истиқболли йўналишлар мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Қодир ФУЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазири

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШНИНГ ҲАРБИЙ ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасида ҳарбий соҳадаги ҳамкорликка мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг асос солинди. Албатта, дастлабки пайтларда бу — ўзаро яқинлик сари эҳтиёткорлик билан қўйилган қадамлар эди. Чунки дунё ҳали совуқ уруш даврини эсдан чиқармаганди. Ҳали Ўзбекистон АҚШ учун америкаликлар кўп йиллар мобайнида ўзининг рақиби деб ҳисоблаб келган давлат таркибида бўлган, “темир парда” ортидаги мамлакат саналар эди. Маълумки, ўша пайтда ҳамкорлик, айниқса ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Янгича асосдаги ўзаро муносабатлар ана шундай қийин шароитларда шакллана бошлади.

Бизнинг Қуролли Кучларимиз, уларнинг тузилиши қандай бўлиши керак? Улар қайси йўналишда ривожланиши лозим? Ўз миллий армиясини ташкил этишга киришган ёш мустақил давлат учун бу ўта муҳим саволларга жавоб топиш зарур эди. Дунёнинг етакчи мамлакатлари, жумладан АҚШнинг ҳарбий қурилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш керак эди.

Қисқа вақт ичида Ўзбекистон Қуролли Кучларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари аниқланиб, уларнинг фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий асос яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлиги асосида амалга оширилаётган ислохотлар, демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги изчил сиёсат, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, бир сўз билан айтганда, давлатимизнинг дастлабки ишончли қадамлари Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ортишига ёрдам берди. Марказий Осиёда жадал ҳаракат қилиб, жаҳонда ўзи-

нинг муносиб ўрнини эгаллашга интилаётган Ўзбекистон деган мустақил суверен давлат пайдо бўлганини дунё ҳамжамиятининг тобора кўплаб мамлакатлари эътироф эта бошлади.

Ўзбекистоннинг нуфузи ортиши билан нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақа барқарорлигининг кафолатига айланган Куролли Кучларимизга бўлган қизиқиш ҳам ортди. Ҳатто жаҳонда энг кучли ҳарбий тузилмаларга эга бўлган Америка Қўшма Штатлари ҳам мустақил ички ва ташқи сиёсат юритаётган, жанговар ишларга қодир армияга эга бўлган, минтақадаги воқеалар ривожига амалий таъсир кўрсатаётган Ўзбекистон билан янада яқин алоқалар ўрнатиш учун интилганига ажабланмаса ҳам бўлади. Бунинг устига, Америка Қўшма Штатлари Марказий Осиёда ўзининг ишончли стратегик ҳамкори бўлишини истар эди. Улар ана шундай ҳамкор танлашда адашмаганини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди.

АҚШ Мудофаа вазири Уильям Перрининг 1994 йили мамлакатимизга қилган ташрифи Ўзбекистон ва АҚШнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлигини бошлаб берди. У.Перрининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан бўлган учрашувлари чоғида эришилган битимлар мамлакатларимиз ҳарбий идоралари ўртасидаги кейинги ўзаро муносабатларга асос солди. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги ва АҚШ Мудофаа департаменти ўртасидаги мудофаа ҳамда ҳарбий соҳадаги ўзаро муносабатлар масалалари бўйича битим ва ҳамкорлик тўғрисидаги 1995 йил 13 октябрда имзоланган меморандум Ўзбекистон ва АҚШнинг мудофаа соҳасидаги тенг ҳуқуқли ҳамкорлигига асос бўлган энг муҳим ҳужжатга айланди.

1995 йилдаёқ Ўзбекистон Куролли Кучларининг биринчи зобитлари АҚШнинг ҳарбий ўқув юртларига ўқишга юборилди. Улар бу ерда ўз мутахассислиги бўйича малака ошириш билан бирга, АҚШ армияси ҳаёти, унинг ташкилий тузилмаси ва фаолияти билан бевосита танишиш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш масалалари юзасидан тажриба алмашишга ҳам муваффақ бўлдилар.

Шу йили Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури доирасида ўтказилган “Кооператив-Нагтет-95” тинчликпарварлик машқларида биринчи бор иштирок этдилар. Шунини таъкидлаш керакки, ўзбекистонлик ҳарбийлар АҚШнинг Луизиана штатида ўтказилган машқлар давомида юқори ҳарбий маҳорат, яхши касбий тайёргарликни намойиш этди. Уларнинг изчил ҳаракатлари, тезкор қарорлар қабул қилиш қобилияти ҳарбий машқлар ташкилотчилари томонидан юқори баҳоланди. 1996 йилда эса ана шундай машқлар “Кооператив Оспрей-96” деган ном билан Американинг Шимолий Каролина штатида бўлиб ўтди. Сўнгра АҚШ ҳарбий хизматчилари жавоб ташрифи билан Фарғонага келди ва бу ерда ўтказилган “Ультрабаланс-96” машқларида иштирок этди.

1997 йили томонларнинг ўзаро келишувлари асосида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудида кенг қўламли “Центразбат-97” машқлари ўтказилди. Ушбу машқларнинг биринчи босқичи АҚШнинг 82-ҳаво-десант дивизияси батальони таркибидаги тезкор-тактик гуруҳ ва Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон ҳарбий хизматчиларининг АҚШдан Марказий Осиёга биргаликда учиб келиши билан бошланди. Тинчликпарвар жангчилар 13 минг километрдан зиёд масофани учиб ўтиб, Чимкент-Сайрам аэропорти ҳудудига десант бўлиб тушдилар. Кейинроқ эса бу ерга Россия ва Туркия десантчилари ҳам келиб тушди.

Машқларнинг Ўзбекистонда ўтказилган иккинчи босқичи ба-жариладиган вазифалар ҳажми ва аҳамияти ошгани, шунингдек, иштирокчилар таркиби анча кенгайганига қарамай, ташкилий жиҳатдан юқори даражада ўтганини кўпчилик эътироф этди.

“Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури доирасида ўтказилган машқлар даврида ҳарбий хизматчиларимиз бошқа мамлакатлар ҳарбийлари билан инсонпарварлик юқларини кузатиб бориш ва белгиланган манзилга етказиб бериш, фуқаролар ўртасида тартибсизликларни бартараф этиш, гаровдаги одамларни озод этиш,

жароҳат олганларга тиббий ёрдам кўрсатиш каби кўплаб тинчликпарварлик операцияларини ўтказиш масалаларини ўрганди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, одатда машқлар пайтида ўзбекистонлик ва америкалик ҳарбий хизматчилар битта бўлинма таркибига тушиб қолардилар. Балки бу бежиз бўлмагандир. Ўз ишининг моҳир устаси бўлган америкаликлар дастлабки машғулотлар давомидаёқ жисмоний тайёргарлик, тезкор-тактик ва жанговар ўқув машқларида улардан бўш келмаган йигитларимизнинг юқори тайёргарлигига қойил қолишди. Бунинг боиси яна шундаки, мазкур машқларда ҳар бир ўзбекистонлик ҳақиқий ватанпарварлигини кўрсатди, масъулиятни чуқур ҳис қилди, Ўзбекистон шарафи ва нуфузини юқори кўтаришга интилди. Ушбу хислатлар АҚШ ҳарбий хизматчиларига хослиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шу боис икки мамлакат зобитлари, аскарлари ўртасида тезда илиқ ва ишончли муносабатлар пайдо бўлди. Ҳар бир учрашув, ҳар бир машғулоти икки мамлакат ҳарбий хизматчилари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Ўзбекистон ва АҚШ ҳарбий идоралари ўртасидаги муносабатлар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Бугун биз ҳарбий соҳада икки томонлама изчил ҳамкорлик тизими пайдо бўлди, деб бемалол айта оламиз.

Бунга кўп жиҳатдан ҳарбий қурилиш, Куролини Кучларимизнинг халқаро миқёсдаги алоқаларини ривожлантириш масалалари давлатимиз раҳбарининг доимий диққат марказида бўлиб келаётгани, мамлакат раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлаш масаласида ўзаро боғлиқ бўлган устувор вазифалар тизимига алоҳида эътибор қаратиш ва уларни амалга ошириш бўйича чуқур ўйланган сиёсат олиб бораётгани натижасида эришилди.

2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг ҳарбий соҳада Ўзбекистон-Америка муносабатларининг янги босқичи бошланди. Маълумки, Ўзбекистон АҚШнинг Афғонистондаги антитеррор опе-

рациясини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлади. Давлатимиз раҳбарининг ана шу воқеалардан кўп ўтмай эълон қилинган Баёнотига мувофиқ, биз Хонобод авиабазасини АҚШ Куролли Кучларининг чекланган таркибига қидирув-қутқарув операцияларини олиб бориш ва афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун бердик. Биз бу билан террорчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш тамойилларига содиқлигимизни амалда исботладик.

Антитеррор операцияси бошланганидан сўнг Ўзбекистон ва АҚШ ҳарбий идоралари раҳбарлари ўртасидаги учрашувлар доимий тарзда ўтказиладиган бўлди. Ушбу учрашувларда ўзаро ҳарбий ҳамкорлик, минтақа хавфсизлигини таъминлаш масалалари муҳокама этилди. Афғонистондаги вазият ва у ерда ўтказиладиган антитеррор операцияси ҳар доим диққатимиз марказида бўлди. Термизда Амударё орқали ўтадиган кўприкнинг очилиши жафокаш афғон халқига етказиб бериладиган инсонпарварлик ёрдами миқдорини кескин кўпайтириш имконини берди. Ўзбекистоннинг антитеррор операциясини қўллаб-қувватлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан қандай юқори баҳоланган бўлса, унинг бу қадами ҳам шундай юксак баҳоланди.

АҚШ Мудофаа вазири Д.Рамсфельд Хонободда АҚШ ҳарбий хизматчиларининг яшаш ва хизмат шароитлари билан танишиб, Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга қилган тарихий ташрифи давомида Президент Жорж Буш Ўзбекистоннинг антитеррор операциясини ўтказишдаги ҳиссасини алоҳида таъкидлади. Икки давлат раҳбарларининг музокаралари натижасида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида имзоланган стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум мамлакатларимиз ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги истиқболларини очади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШ Мудофаа вазири Д.Рамсфельд билан Пентагондаги учрашувини алоҳида таъкидлаш жоиз. Табиийки, минтақавий хавф-

сизликни мустаҳкамлаш, икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар бу учрашувда асосий ўринни эгаллади. Чегараларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Куролли Кучларини техник қайта жиҳозлаш, позицияларни тезкорлик билан ўзаро мослаб олиш каби кенг қўламли масалалар муҳокама этилди. Мен бу ўринда ҳарбий ислоҳот соҳасидаги фақат бир йўналишга тўхталиб ўтишни истардим.

Маълумки, ҳозир Ўзбекистонда Куролли Кучларни ислоҳ қилиш жараёни бормоқда. Унинг ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Президенти — Куролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовдир. Ўзгаришларнинг пировард мақсади ихчам ва тезкор, яхши жиҳозланган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган армияни яратишдир.

Малакали ҳарбий кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш Куролли Кучларни ислоҳ қилиш жараёнининг муҳим масаласи ҳисобланади. Улар ватанпарварлиги, мустақиллик ва демократия ғояларига содиқлик фазилатлари, кенг дунёқараши, замонавий шароитда ҳарбий операцияларнинг хусусиятларини чуқур билиши билан ажралиб туриши лозим.

Айнан шу боис Ўзбекистон ўз Куролли Кучлари кадрларини АҚШ таълим муассасалари ва марказларида тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдордир. Шу боис Куролли Кучлар академияси базасида ва бошқа ўқув муассаса-

Мен Ўзбекистонга Америка Қўшма Штатларига 11 сентябрдан бошлаб кўрсатилган ёрдами учун миннатдорлик билдиришни истар эдим. Мен сайловчиларим номидан Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши урушдаги роли учун чексиз миннатдорлик сўзларини етказиб берганимдан мамнунман. Мамлакатингизнинг коалиция бўйича бошқа ҳамкорлар билан бирга ушбу урушдаги иштироки бугунги кунда Афғонистонда эришилган муваффақият нуқтаи назаридан ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

**Конгрессмен Марти МИХАН,
Массачусетс штати.**

ларида махсус инглиз тили курслари ташкил этилган. Ўрта бўгин командирларини, махсус қисмлар мутахассислари ҳамда ҳарбий-ҳаво кучлари учувчиларини тайёрлаш бу соҳадаги устувор йўналишлар саналади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, айниқса АҚШнинг кичик командирлик таркибини тайёрлашдаги тажрибасини инобатга олиб, Ўзбекистон Қўролли Кучларида 2001 йилда сержантларни тайёрлаш мактаблари ташкил этилди. Тажрибадан маълум бўлишича, бундай мактаблар битирувчилари ҳарбий қисмларда хизмат вақтида ўзининг ҳар томонлама тайёргарлиги, одамлар билан ишлаш қобилияти, интизомлилиги ва ижрочилиги билан шартнома асосида жалб қилинган бошқа хизматчилардан кескин фарқ қилади.

Албатта, сержантларни тайёрлаш мактабларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалга ошириш жараёнида маълум қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Чунки бу борада бизда деярли тажриба йўқ эди. Шу сабабли таълим ва тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш учун сержантлар мактаблари ўқитувчилари АҚШнинг шундай мактабларида амалиёт машғулотларини ўташмоқда, Қўшма Штатлар экспертлари Ўзбекистонда ўз ҳамкасбларига тажрибаларини ўргатмоқда.

Шунингдек, ҳарбий билим юрглари, штаб коллежлари ва бошқа ҳарбий ўқув муассасалари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар ҳам ривожланмоқда. Мана бир неча йилдирки, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига Вест-Пойнтда жойлашган АҚШ қуруқлик академияси кадетлари келмоқда. Улар бизнинг курсантларимиз билан бирга яшамоқда, машғулотларда қатнашмоқда, билим юртининг моддий-техникавий базаси, офицерларни тайёрлаш дастури билан танишмоқда. Бизнинг курсантларимиз ҳам Вест-Пойнт академиясида тез-тез меҳмон бўлиб туришади. Мазкур ҳарбий-ўқув муассасалари талабалари ўртасида дўстона муносабатлар юзага келганки, бу бизнинг келгусидаги самарали ҳамкорлигимиз учун яна бир асос бўлиб хизмат қилади. Чунки эртага Қўролли Кучлар қурилишини давом этти-

риш, демакки, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш айнан уларнинг — бугунги кадетлар ва курсантларнинг зиммасига тушади.

Бизнинг ҳарбий-техникавий соҳадаги ҳамкорлигимиз, ҳарбий ҳаво кучлари ўртасидаги фаол ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон ва АҚШ учувчилари биргаликда машғулотлар ўтказмоқда, тоғли ҳудудларда ва тун шароитида жанговар ҳаракатлар олиб бориш борасида тажриба алмашмоқда.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг АҚШга тарихий ташрифи, бу мамлакатда ўтказилган учрашув ва муҳокамалар, эришилган битимлар Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янги, янада юксак bosқичга кўтарди. Ўзаро муносабатларимизнинг бундай хусусият касб этиши Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қилади ва Ўзбекистоннинг узоқ муддатли миллий манфаатларига жавоб беради.

*Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси Миллий маркази директори*

МУСТАҚИЛ НУҚТАИ НАЗАРИМИЗ ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Наврӯз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимизга нисбатан ҳурмат-эҳтироми, эътироф ва ишончи тобора ортиб бораётгани ҳақида алоҳида тўхталгани бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизга нисбатан бўлган бундай муносабат замирида Ўзбекистон ва унинг раҳбари ташқи сиёсатининг ўн йиллик меҳнати самаралари мужассамдир.

Наврӯз арафасида Юртбошимизнинг расмий ташриф билан Америка Қўшма Штатларида бўлиши ўзбек дипломатиясининг яна бир катта ютуғи бўлди. Давлатимиз раҳбарининг Қўшма Штатларга сафари бошланган куни 11 сентябрь воқеалари содир этилганига роппа-роса олти ой тўлган эди. Шу муносабат билан Оқ уй олдида ўтказилган учрашувда иштирок этган Президент Жорж Буш ўз нутқида Ўзбекистоннинг антитеррор коалициясидаги ролини алоҳида таъкидлаб, мамлакатимиз раҳбарияти ва халқига ўз миннатдорлигини билдирди.

Ташриф мобайнида, яъни уч кун ичида 13 та муҳим расмий учрашув бўлиб ўтганининг ўзиёқ сафарнинг нақадар тифиз ва айни чоғда ғоят самарали кечганидан далолатдир. Жумладан, Йўлбошчимиз Оқ уйда, Конгрессда, Давлат департаментида, Пентагонда — ҳамма жойда юксак ҳурмат-эътибор билан кутиб олинди.

Ўзбекистонимизга, давлатимиз раҳбарига нисбатан бундай иззат-икром очиқ, самимий ва ишчан руҳда ўтган олий даражадаги учрашувларнинг ўзига хос хусусиятига айланди, десак муболаға бўлмайди. Музокаралар икки томонлама муносабатларнинг барча жабҳаларини — сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, илмий-техникавий, таълим, дипломатия, инсон ҳуқуқлари соҳаларини

ва жамиятни демократиялаштириш жараёнларини тўла қамраб олгани, айниқса, эътиборга сазовордир.

Таъкидлаш жоизки, ташриф давомида Президентимизга алоҳида эҳтиром ва ҳурмат кўрсатилди. Юртбошимиз учун ўз даврида Маршалл плани имзоланган машҳур “Блэйр Хаус” меҳмонхонасидан қароргоҳ ажратилди.

Бевосита ташрифнинг муҳим амалий натижаларига тўхталадиган бўлсак, сафар мобайнида олтига икки томонлама ҳужжат тасдиқланди. Энг асосийси – “Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация” имзоланди. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур Декларация сиёсий соҳадаги муносабатларимизни ривожлантиришда улкан аҳамият касб этади.

Жумладан, ушбу ҳужжат асосида мамлакатларимиз ҳар икки давлатнинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, демократик кадриятларга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига содиқлик, шунингдек, ўз зиммасидаги халқаро мажбуриятларни сўзсиз бажариш каби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ равишда икки томонлама ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда ўзаро стратегик шерикликни ривожлантиришга келишиб олдилар.

Сиёсий соҳа ва жамиятни демократиялаштириш борасидаги бундай ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантириш ҳар икки томон зиммасига муайян вазифаларни юклайди, албатта. Хусусан, мамлакатимиз ўзининг халқаро шартномалар қоидалари ва миллий қонунчилигимиз талабларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда жамиятимизни сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда фаол демократиялаштириш ва эркинлаштириш жараёнини давом эттириш истагида эканини ва бу йўлда истиқболли ислоҳотларни ўтказишга тайёрлигини тасдиқлади.

Қўшма Штатлар эса, ўз навбатида, АҚШ қонунчилигига мувофиқ равишда давлатимиз ва жамиятимизда бир қатор устувор соҳалар бўйича демократик ислоҳотларни амалга оширишда

мунтазам равишда маслаҳат ва кўмак бериб боришни ўз зиммасига олди.

Ушбу декларация бўйича мамлакатларимиз сиёсий жабҳада шериклик ва ҳамкорлик қиладиган устувор соҳалар асосан қуйидагилардан иборат:

1) юртимизда қонун устуворлиги, бозор иқтисодиёти ва ижтимоий ҳимоянинг самарали тизимига асосланган дунёвий давлат негизини мустақкамлаш ҳамда кучли ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш;

2) халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ жамиятимизда демократик қадриятларни мустақкамлаш ва ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш борасидаги ишларни изчил давом эттириш;

3) демократия ва сиёсий тузилмаларнинг жамиятимиз ҳаётидаги аҳамиятини янада ошириш, том маънода кўппартияли тизимни яратиш, фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллигини юксалтириш, эркин ва адолатли сайловлар, сиёсий плюрализм, фикрлар хилма-хиллиги ва уларни ифода этиш эркинлигини, шунингдек, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш;

4) нодавлат тузилмаларни, шу жумладан, ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, мустақил оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мустақкамлаш ва ривожлантириш;

5) давлат ҳокимияти ваколатларининг бўлиниши конституциявий принципнинг тўла амалга оширилишини таъминлаш, қонун ижодкорлиги жараёнини сифат жиҳатидан яхшилаш ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг назорат функциясини кучайтириш масалаларига, жумладан, эркин ва кўппартияли таркибда сайланадиган икки палатали қонун чиқарувчи органни таъсис этиш йўли билан алоҳида эътибор қаратиш;

6) суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш ва давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи сифатида тегишли барча ваколатларга эга бўладиган судларнинг мустақиллигини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш;

7) ижро ҳокимияти органлари ва маъмурий муассасалар фаолиятини такомиллаштириш ва уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш;

8) инсон ҳуқуқлари масалалари, жумладан, инсоннинг асосий эркинликларига амал қилиш ва уларни ҳимоялаш, шунингдек демократик ютуқларни халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамлаш борасида ўзаро шериклик ва ҳамкорликни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шундай қилиб, ташрифнинг энг асосий ютуқларидан бири — ана шу сиёсий Декларация асосида АҚШ Ўзбекистонни стратегик шерик сифатида эътироф этганидир.

Умуман, сафар якунлари ҳақида гапирадиган бўлсак, сиёсий соҳада эришилган қуйидаги натижаларни санаш мумкин:

Биринчидан, дипломатик нуқтаи назардан расмий ташриф саналган мазкур олий даражадаги сафар тараққиётимизнинг туб бурилиш нуқтаси, юртимиз ташқи сиёсати, ўн йиллик дипломатик алоқаларимизнинг юксак босқичи бўлди.

Иккинчидан, бу ташриф Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларида улкан ўзгаришлар ясади. Давлатларимиз стратегик шерикларга айланди. Бундай шериклик мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва нуфузини янада оширади.

Учинчидан, ана шу стратегик шериклик натижасида АҚШнинг дўстлари Ўзбекистоннинг ҳам дўстларига айланди. Энди Европа мамлакатлари ва бошқа давлатларнинг юртимиз билан муносабатлари янада фаоллашади. Кўшма Штатларнинг ҳамкорлари ҳисобланган хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар эндиликда Ўзбекистоннинг ҳам ишончли шериклари сифатида унинг манфаатларини қўллаб-қувватлашга интиладилар.

Тўртинчидан, АҚШ Марказий Осиёдаги тинчлик ва сиёсий барқарорликнинг кафили, халқаро террорчиликка қарши кураш борасидаги энг яқин ҳамкоримиз ҳисобланади.

Бешинчидан, АҚШ стратегик шерик сифатида Ўзбекистон билан бирга ва бирдам бўлади ҳамда унинг ислоҳотларини янада кенг ва фаол қўллаб-қувватлайди.

Олтинчидан, бу ҳамкорликнинг яна бир самарали таъсири шундаки, у ҳаётимиздаги кўп гов ва тўсиқларнинг олиб ташланишига сабаб бўлди. Ташриф натижаси ўлароқ, ўзаро муносабатларимиз ривожининг суръати кескин ортди.

Иқтисодий соҳада ҳам бир қатор салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, Президентимизнинг Вашингтондаги олиймақом учрашувлари чоғида Кўшма Штатлар иқтисодий ислоҳотларимизни чуқурлаштириш борасида кўмаклашиши ҳақида келишиб олинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг америкалик ишбилармонлар билан учрашуви ҳам келгусида иқтисодий ҳамкорлигимизнинг янада чуқурлашувида муҳим омил бўлиб қолиши шубҳасиз.

Мен Ўзбекистон халқига дўстона ёрдами учун чуқур миннатдорлик билдиришни истар эдим. Террорчиликка қарши урушда ўз зиммангизга муҳим роль олганингиз учун миннатдорман. Бу менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим. Мамлакатингиз, унинг раҳбарияти менга катта таассурот қолдирди. Шу боис мен мамлакатларимиз ўртасида узоқ ва самарали ҳамкорликка умид қиламан. Сиздан меҳмондўстлигингиз ва самимий қабулингиз учун миннатдорман. Ташаккур.

Биз Ўзбекистон халқидан миннатдоримиз ва яхши дунё қуриш йўлида бирга ишлаймиз, деган умидгаман.

**Конгрессмен Билл ШУСТЕР,
Пенсильвания штати.**

Ўзаро муносабатларнинг бошқа бир муҳим йўналиши хавфсизлик ва мудофаа соҳасида ҳам талай ютуқларга эришилди. Аввало, АҚШ Ўзбекистонда тинчлик ва тараққиёт кафилига айланди. Истиқболда давлат чегараларини мустаҳкамлаш борасида ҳамкорлик ривожланадиган бўлди. АҚШ халқаро террорчилик, диний экстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, шунингдек, курол-яроғ ва оммавий қирғин куролларини тарқатмаслик борасида ҳам кўмаклашади.

Кези келганда, ана шу олий даражадаги ташриф чоғида мамлакатимиз билан АҚШ ўртасида эришилган аҳдлашувларни кенг кўламда ва ўз вақтида рўёб-

га чиқаришни таъминлашдек ниҳоятда муҳим масалага жиддий эътибор берилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Бу борада, аввало, сиёсий соҳадаги ҳамкорлик бўйича амалга оширилаётган ишлар диққатни тортади.

Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари изчиллик билан ривожланаётганининг самараси ўлароқ, Қўшма Штатлар Конгрессининг мамлакатимизга ташриф буюраётган делегациялари сони кўпайиб бораётир. Ўз навбатида, америкалик қонун чиқарувчиларни юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий илоҳотлардан хабардор қилиш мақсадида бундай мунтазам учрашувлар кўламини келгусида янада кенгайтириш, қолаверса, парламентимиз вакилларининг АҚШ Конгрессида ўтказиладиган давра суҳбатлари, семинарларда қатнашишини йўлга қўйиш борасида муайян ишлар қилинмоқда.

Маълумки, бугунги кунда маънавий ва диний жабҳаларда кечаётган мураккаб жараёнда барча миллат ва динларнинг вакиллари, шунингдек, ҳеч бир динга эътиқод қилмайдиган инсонлар бир-бирларига нисбатан ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилган ҳолда муносабатда бўлишлари доимий барқарорликнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Шу маънода, Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари бир-бирларининг динлараро бағрикенглик сиёсатини ғоят қадрлайди. Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлари идораси муфтийси ва Тошкент шаҳридаги Ислон университети раҳбарларининг Қўшма Штатларга сафари бу борадаги алоқаларимизни ривожлантиришга қаратилган.

Сиёсий соҳадаги ҳамкорликнинг яна бир қирраси — юртимизда ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини янада тақомиллаштириш ва уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш учун маслаҳат ёрдами ва кўмаклашиш шакллари ҳамда йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.

Диёримизнинг қадимдан ривожланган савдо йўллари устида, юксак маданиятлар кесишган чорраҳада жойлашганлигини назарда тутадиган бўлсак, яқин кунларда Вашингтон шаҳридаги Бруклин институтида Йельск университетининг глобаллашувни

ўрганиш маркази билан биргаликда “XXI асрда Ипак йўли” илмий-амалий конференциясини ўтказиш мўлжалланаётгани ўзига хос аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Юртбошимизнинг АҚШга сафари аҳдлашувларида кўзда тутилган демократиялаштириш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани айни муддаодир. БМТ, ЕХХТнинг конвенция органлари ва бошқа халқаро ташкилотларда ишлашда инсон ҳуқуқлари соҳасида Қўшма Штатлар билан ҳамкорлик масаласи шулар жумласидандир.

Шунингдек, юртимизда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар – фондлар, хайрия ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, болалар ҳуқуқлари, гендер тенглик тўғрисидаги қонунларни эксперт сифатида баҳолашга, икки палатали парламент ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган сайлов қонуни ҳамда бошқа қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этиш жараёнларига Америка халқаро ташкилотлари вакиллари кенг жалб этиляпти.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий фаолият дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, “XXI аср маҳалласи” концепциясини қабул қилиш ҳамда амалга ошириш борасида ҳам америкалик мутахассислар билан ўзаро ҳамкорлигимиз яхши натижалар бераётир.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз расмий ташрифининг энг муҳим самараси – мамлакатимиз жаҳон майдонида Америка Қўшма Штатларидек улкан салоҳиятли ҳамкори билан ўзаро муносабатларни мутлақо янги, юксак поғоналарда давом эттириш имкониятига эга бўлди. Президентлар Ислон Каримов ва Жорж Бушнинг тенгма-тенг, ошкора ва самимий руҳда ўтган мулоқотлари чоғида ҳар икки мамлакат ўз мустақил нуқтаи назарига эга экани эътироф этилди.

АҚШ Ўзбекистоннинг ана шу мустақил нуқтаи назарига эҳтиром кўрсатгани ҳамда юртимизни стратегик шерик сифатида тан олгани эса дўст ва ҳамкор мамлакат томонидан истиқлол йилларидаги ўзига хос ва ўзига мос мустақил йўлимизнинг, ички ва ташқи сиёсатимизнинг тўғрилигига берилган муносиб баҳо, демасдир.

**Жон ХЁРБСТ:
“ЎЗБЕКИСТОННИ ЁРУФ
КЕЛАЖАК КУТМОҚДА”**

*Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбст билан суҳбат*

– *Жаноб элчи, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга қилган расмий ташрифини қандай баҳолайсиз?*

– Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги мавжуд алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Ташрифнинг амалий натижалари Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари учун ҳали кўп йиллар давомида ҳамкорлик қилишда қулай шарт-шароитлар яратиб беради, десам муболаға бўлмайди. Умуман олганда, ташриф жуда муҳим ва, асосийси, жуда муваффақиятли кечди.

– *Президент Жорж Буш Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашув чоғида АҚШнинг хавфсизлик масалалари бўйича барча юқори мартабали намояндаларини ўзаро мулоқотга жалб қилганлиги барчамизнинг ёдимизда. Ва, бу кўпчиликнинг қизиқишига ҳам сабаб бўлди. Сиз бунинг сабабини қандай изоҳлаган бўлардингиз?*

– Ҳақиқатан ҳам, Президент Буш, айтганингиздек, мамлакатимизнинг хавфсизлик масалалари бўйича юқори мартабали шахсларини расмий учрашувга жалб қилди. Бу АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожининг бугунги кунда ва келажакда қанчалик зарурлиги далолатидир.

– *Маълумки, ўзаро мулоқотлар давомида президент Ж.Буш Ўзбекистонни ҳақиқий дўст, ишончли ҳамкор, дея баҳолади.*

– Тўғри. Менимча, Президент Бушнинг бундай фикр билдириши бежиз эмас. Бу фикр Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида шу кунга қадар муваффақиятли тарзда ривожланиб келаётган алоқаларга асосланиб айтилган. 2001 йил сентябрь воқеаларидан сўнг АҚШ бутунлай ўзгача қараш, ўзгача сиёсатни илгари сурди

(гап Афғонистонда терроризмга чек қўйиш операцияси ҳақида кетмоқда). Ўзбекистон ўшанда ўзининг авиабазасидан фойдаланишга розилик бергани ва АҚШ ҳарбий бўлинмаларининг Ўзбекистон худудига жойлаштирилиши алоқаларимизни, хусусан, ҳарбий соҳадаги ҳамкорлигимизни, мамлакатингизга бўлган ишонч-ни кучайтирди. Афғонистонда ҳарбий операцияни бошлаш учун АҚШга айнан ҳаво базалари жуда ҳам зарур эди. Айтмоқчиманки, Президент Буш Ўзбекистонга нисбатан ўз фикрларини ўта тўғри тарзда баён этган. Чунки Ўзбекистон мураккаб бир шароитда ўзини ҳақиқий дўст, ишончли ҳамкор сифатида намоён этди.

– Назаримда, *“Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида декларация”нинг имзоланганлиги мазкур ташрифнинг муҳим амалий натижаларидан бири бўлди.*

– Фикрингизга қўшиламан. Чунки катта аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсий ҳужжат нафақат ўтган бир неча йиллик муносабатлар тарихига, балки келажақдаги ҳамкорлик имкониятларига назар ташловчи ҳужжатдир. Декларацияда акс этган бандларга эътибор берадиган бўлсак, унда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга кўмак бериш, эркин савдо алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги саъй-ҳаракатларга яқиндан ёрдам кўрсатиш сингари қатор муҳим масалалар кўзда тутилган. Ўйлайманки, бу соҳадаги ўзаро тажриба ҳам бир-биримизни тушунишимизда қўл келди.

– *Сиз Ўзбекистон ва АҚШ ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз?*

– Кузатаётган бўлсангиз, вақт ўтгани сайин АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб этувчи яна бошқа соҳалар ҳам пайдо бўлмоқда. Бундан, авваламбор, иккала мамлакат халқлари манфаатдор. Ўзингиз гувоҳсиз, ҳозирга қадар халқаро терроризмга қарши кураш, оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига чек қўйиш борасида ўзаро ҳамкорлик қилинмоқда.

Энг муҳими, биргаликдаги бу ҳаракатларимиз ўзининг аниқ самарасини бермоқда.

Бизга шуниси ҳам муҳимки, АҚШ билан ҳамкорлик қилаётган ҳар бир мамлакат том маънода мустақил, суверен ва ўзига ишонган мамлакат бўлиши лозим. Бутун Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар олиб борилаётганининг гувоҳи бўлишимиз даркор. Биз бунга ишонч ҳосил қилишимиз керак, биз Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг қоқ марказида жойлашганини биламиз. Аҳолиси эса бутун Марказий Осиё ҳудуди аҳолисининг 15 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон жуда ҳам бой тарих ва маданиятга эга. Ушбу сифатлар кўп нарса ҳақида фикр юритишга туртки бўлади.

— *Хабарингиз бор, Оқ уйда бўлиб ўтган музокараларда ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Пентагонда бўлиб ўтган учрашувда эса мамлакатимиз қуролли кучлари ислоҳотига кўмаклашиши мақсадида АҚШ томонидан маблағ ажратилиши ҳам маълум қилинган эди.*

— Яхши эслатдингиз. Биласизми, буни расмий Вашингтоннинг Ўзбекистонга бўлган миннатдорчилиги сифатида баҳоламоқ жоиз. Қолаверса, бу халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг роли қанчалик муҳим эканлигининг ёрқин далилидир. Биз ўз ҳамкорларимизни доимо ёдда сақлаймиз.

— *Барчамизга аён, Америка тараққиётнинг ҳар бир жабҳасида киши ҳайратига сабаб бўладиган даражада муваффақиятларга эришган. Айтингчи, бундай юксак тараққиётнинг омиллари нималардан иборат?*

— Маълумки, АҚШ тарихида қийин ва машаққатли даврлар ҳам бўлган. Биз жуда ҳам кам миқдордаги табиий ресурслар ва ўзга ерлардан кўчиб келган аҳоли билан давлат кура бошлаганмиз. Иқтисодий ривожланишнинг муваффақияти эса кўп жиҳатдан эркин иқтисодий алоқаларни жорий этишга боғлиқ эди. Ва, бу — ривожланиш суръатларининг янада ошишига асос бўлиб хизмат қилди. Масалани чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, энг муҳими, муваффақиятлар замирида эркинлик, мустақиллик ва

озодлик тушунчалари ётарди. Ҳукумат ўз навбатида, одамларда ана шу юксак туйғуларни юзага чиқариш, тарбиялаш учун қўлидан келган барча саъй-ҳаракатларни амалга оширди. Айтмоқчи-манки, ўша даврларда ҳукумат ва аҳоли ўртасида ўзаро ишончли муносабатлар пайдо бўлган эди. Давлат одамларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун кафил бўлиб майдонга чиққанди. АҚШ тарихи хусусида миллионлаб китоблар, адабиётлар яратилган. Ай-тиб ўтганимдек, иқтисодий ривожланишнинг муҳим кўрсаткичи бу — мамлакатнинг ичида эркин иқтисодий алоқаларни ривожлантириш эди. Масалан, бундан 100-150 йил муқаддам Америка халқи фермер хўжалиги билан шуғуланарди. Америкаликлар буғдой ўстирган фермер ёки қишлоқ хўжалигининг бошқа бирон бир соҳасида самарали фаолият олиб борган киши муваффақиятга эришишини ҳис қила олган. Давр талабларини сеза билган. Бу ўзига хос тажриба Ўзбекистон учун ҳам фойдали бўлиши мумкин. Агар қишлоқ хўжалик ходимларига ўз маҳсулотларига бўлган нархларни ўзлари белгилашлари учун ва яна кўплаб бошқа соҳаларда қулай шароитлар яратиб берилса, иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари янада ортади. Худди шу нарса 1970 йилларда Хитойда кузатилганди. Хитойда қишлоқ хўжалиги соҳасига эркинлик берилгач, улкан муваффақиятларга эришилди.

— *Кишилиқ тарихидан маълумки, демократик жамиятни шакллантириш ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. У катта бир даврни, муддатни талаб қилади. Буни Америка тарихи мисолида ҳам кўрсак бўлади...*

— Дарҳақиқат, АҚШда демократия тушунчаси узоқ вақтдан буён мавжуд. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, Америка Буюк Британия мустамлакаси бўлган. АҚШ мустақилликка эришгунга қадар ҳам Британияда демократик тамойиллар устувор эди. Аммо демократияни бир маромда ушлаб туриш, жиддий бузилишларга йўл қўймаслик учун жуда кўп ҳаракат қилинган. Бунинг устида йиллар давомида иш олиб борилган. АҚШ Конституциясида кўплаб қарама-қаршиликлар мавжуд эди. Бизда

кулдорлик масаласи бўйича ўта жиддий тўқнашувларга дуч келинган. Мамлакат аҳолисининг маълум бир қисми кулларча ҳаёт кечирган. Улар на ҳуқуқ, на шахсий қарашларга эга эдилар. Бунинг йўқ қилиш учун ҳам Америка халқи катта қийинчиликларни бошидан кечирган. Ирқчилик ва кулдорликни йўққа чиқариш жараёнида ҳатто фуқаролар уруши ҳам бўлиб ўтганди. АҚШда ирқчилик муаммосига барҳам бериш учун қонун ва асосларни ишлаб чиқиш зарур бўлди. Бу муаммо ҳеч бир давр, ҳеч бир шароитда қайтадан, демократияга таҳдид солувчи куч сифатида майдонга чиқмаслиги лозим эди. Бу принципларга то шу кунга қадар амал қилинмоқда. Бизга маълум, Ўзбекистон 70 йил давомида тоталитар тузум шароитида кун кечирди. Аммо мамлакатингизда демократия босқичма-босқич, энг тўғри йўл орқали ривожланмоқда. Бу жараёнда оммавий ахборот воситалари, нодавлат ташкилотларининг фаолияти ўта муҳим аҳамият касб этади.

— *Жаноб элчи, мана бир неча йилдан буён мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаяпсиз. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлардан, бўлаётган ўзгариш ва янгиликлардан хабардорсиз. Модомики шундай экан, Сиз мамлакатимиз истиқболини қандай тасаввур қиласиз?*

— Ишончим комилки, Ўзбекистонни порлоқ келажак кутмоқда. Бу ердаги мавжуд бой табиий ресурслар нафақат АҚШдан, балки дунёнинг яна кўплаб мамлакатларидан инвестициялар оқимининг ортишини таъминлаши мумкин. Бундан ташқари, сизларда истеъдодли кишилар кўп, яъни юртингизда катта интеллектуал салоҳият

Биз террорчиликка қарши урушда бирга ишлашни, ҳамкорликни давом эттирамиз. АҚШ бунинг учун Ўзбекистон ва унинг халқидан жуда миннатдор. Биз Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишни таъминлаш, хусусан, ўз келажagini режалаштираётган ёшларга иқтисодий имкониятлар яратиб беришга ҳаракат қиламиз.

Билл НЕЛЬСОН,
Демократлар партияси вакили,
Флорида штати.

мавжуд. Ривожланиш учун бу омил ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон улкан имкониятларга эга мамлакат. Агар амалдаги ҳукумат иқтисодий ҳамда сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш йўлида бугунгидан-да фаолроқ бўлса, келаси 10 йил ичида Ўзбекистон янада кўпроқ ижобий натижаларга эришади. Шунинг учун ҳам сиёсий ислоҳотлар муҳим аҳамиятга эга. Ҳанда АҚШнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши янада ортиши турган гап. Ўз навбатида хавфсизлик бўйича ҳамкорлик соҳасида эришган ютуқларимиз ҳам ортиб бораверади.

Шавкат ҲАМРОҚУЛОВ,
*Ўзбекистон Республикасининг
АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси*

«ЎЗБЕКИСТОН—АҚШ» ҚЎШМА КОМИССИЯСИ: МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон ва АҚШ давлатларининг ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга бўлган интилиши икки давлат ўртасидаги ўн йиллик дипломатик алоқалар тарихи билан узвий боғлиқ. Бугунги кунда янада кенгайиб бораётган умумий манфаатлар кўлами, ҳозирги замоннинг энг муҳим ҳаётий муаммоларини ҳал этишга ёндашувдаги ҳамфикрлик бу давлатларни тобора яқинлаштиради.

1998 йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан «Ўзбекистон — АҚШ» қўшма комиссиясининг тузилиши икки томонлама муносабатларнинг сезиларли ўсгани ва жадаллашганининг далолати бўлди. Таъкидлаш жоизки, бунга Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари Президентларининг бироз олдин, яъни 1997 йил июнида бир-бирига йўллаган мактубларида Ўзбекистон — Америка муносабатларини икки томонлама қўшма комиссия тузиш асосида ташкил этиш лозим, деган тўхтамга келингани туртки бўлган эди.

Америка Қўшма Штатларининг шу давргача бундай ҳукуматлараро қўшма комиссияларни фақатгина дунёнинг етти давлати билангина тузгани Америка расмий доираларининг бизнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши ортиб бораётганига яна бир далолатдир.

Бундай комиссиянинг тузилиши, сўзсиз, Ўзбекистон — АҚШ ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг муҳим соҳаларини қамраб олувчи ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим тарихий қадам бўлди.

Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, ҳар иккала томон учун манфаатли

бўлган умумий стратегик мақсадларни амалга ошириш қўшма комиссиянинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Комиссия доирасида қуйидаги тўртта қўмита тузилган эди:

- сиёсий ҳамкорлик бўйича;
- ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик бўйича;
- иқтисодий ҳамкорлик ва ислоҳотлар бўйича;
- савдо-сотик, инвестициялар ва энергетика бўйича.

Иккала томон тасдиқлаган тартибга мувофиқ, «Ўзбекистон—АҚШ» қўшма комиссиясининг йиғилишлари ҳар йили, икки давлат пойтахтларида галма-гал ўтказиб келинмоқда. Комиссиянинг биринчи сессияси 1998 йил 26-27 февралда Вашингтонда бўлиб ўтди.

Собиқ Президент Билл Клинтон сессиянинг очилиши муносабати билан йўллаган мактубида «биринчи сессия икки томонлама муносабатлардаги муҳим босқич бўлиб, бизга ушбу муносабатларни бугун ҳамда XXI асрда ҳам янада чуқурлаштириш мажбуриятини юклайди», дея таъкидлаган эди.

Сессия қатнашчилари қўшма комиссия иши икки томон ҳукуматларига муштарак манфаатларни ифода қилувчи кенг қўламли масалаларни ҳал этишда ёрдам беради, бир-бирини тушуниш ҳамда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, сиёсат, иқтисодиёт, савдо-сотик, инвестициялар ва хавфсизлик соҳалари бўйича икки томонлама муносабатларни жадаллаштириш учун янги имкониятлар очади, деган яқдил фикр билдирдилар.

Биринчи сессия иши якунлари бўйича қуйидаги бешта ҳужжат имзоланди:

— «Ўзбекистон — АҚШ» қўшма комиссиясининг ҳисобот маърузаси;

— Ўзбекистон Республикаси ҳамда АҚШ мудофаа вазирликларининг ўзаро ҳамкорлик режаси;

— Консулик муносабатлари бўйича ҳукуматлараро қўшма баёнот;

— Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳаво йўллари бўйича алоқалар ҳақида битим;

— Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Таълим соҳасида ҳамкорлик ва тил ўргатиш бўйича Америка кенгаши (АКСЕЛС) ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим.

«Ўзбекистон — АҚШ» қўшма комиссиясининг иккинчи сессияси 1999 йил 24-25 майда Тошкентда бўлиб ўтди. Сессияда икки томонлама муносабатларнинг аҳволи ва истиқболлари масалалари муҳокама қилинди. Томонлар Тошкент ва Вашингтон расмийларининг халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларида манфаатлари ва қарашлари муштарак эканлигини тасдиқлашди. БМТ, ЕХҲТ, НАТО каби халқаро ташкилотлар доирасидаги икки томонлама ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Бундан ташқари, афғон можаросини ҳал қилиш бўйича ҳам фикр алмашилди. Бунда Америка томони Ўзбекистоннинг Афғонистон масаласидаги халқаро ташаббусини ёқлаб чиқди.

Томонларнинг фикрича, ядровий қуролларни тарқатмаслик борасидаги ҳамкорлик алоқалари алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Тошкентда Ўзбекистон давлат чегараларини мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва наркобизнес, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши курашдаги умумий саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш дастурлари ҳам муҳокама этилди.

Мен Президент Ислон Каримовга мураккаб иқтисодий ислохотлар жараёнида таълим соҳасига, Ўзбекистон халқининг муҳим гуманитар эҳтиёжларига алоҳида эътибор берган ҳолда раҳбарликни таъминлаб келаётганидан қойил қолганимизни изҳор этдим. Ўтқир заковат соҳиби бўлган, ўз халқининг ҳаётини янада яхшилаш учун бутун куч-қайратини аямайдиган бу инсон билан учрашиб суҳбат қуриш имконига эга бўлганимдан ғоят мамнунман.

**Пол О'НИЛ,
АҚШ Молия
вазири.**

Муҳокамалар якунларига кўра томонлар террорчиликка қарши кураш бўйича қўшма баёнот қабул қилдилар.

Шунингдек, иккинчи сессияда Ўзбекистоннинг Украинадаги Илмий ва технологик марказ томонидан молиялаштирилган лойиҳалардаги иштирокини фаол давом эттириши, АҚШнинг Арагон миллий лабораторияси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Қўшма комиссия йиғилишларида Ўзбекистонда кечаётган ислохотларнинг хусусияти ва суръати кўриб чиқилди. Томонлар Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларни мунтазам давом эттириш лозимлигини эътироф этишди. Америка томони қонунчилик асосларини шакллантиришда, сиёсий институтлар — партиялар, нодавлат ноҳукумат ташкилотларини, суд тизимини мустақамлашда ҳамда эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини билдирди.

Иқтисодий ҳамкорлик, ислохотлар, савдо-сотиқ, инвестициялар ва энергетика бўйича қўшма йиғилишида икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ алоқалари ва инвестициялар ажратилишининг ҳозирги ҳолати кўриб чиқилди. Инвестицион лойиҳаларни амалга оширишдаги ҳамкорлик, АҚШ компаниялари ва фирмалари билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш, Ўзбекистон бозорида Америка капиталини кенгроқ жойлаштиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб олинди. Икки томон ҳам бу соҳаларда ўзаро алоқаларни кенгайтириш учун етарлича имкониятлар мавжуд эканлигини қайд этди.

Фискал сиёсат, хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, банк тизимидаги ислохотлар, конвертация, Ўзбекистоннинг донор мамлакатлар билан ҳамкорлиги, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар, республикамизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши каби масалалар Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилди.

Иккинчи сессия иши давомида асосий эътибор таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш масалаларига қаратилди. АҚШ томони ЮСАИД, ЮСИА йўналишлари бўйича ҳамда Американинг ҳукумат жамғармалари орқали Ўзбекистон талабалари, ўқитувчи ва олимлари учун грантлар сонини оширишга розилик берди.

Қўшма комиссиянинг иккинчи сессияси яқунлари бўйича қуйидаги ҳужжатлар имзоланди:

«Ўзбекистон — АҚШ» қўшма комиссиясининг кейинги фаолияти тўғрисидаги қўшма баёнот;

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Америка Қўшма Штатларининг террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги қўшма баёноти;

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазирликлари ўртасида кимёвий қурол билан боғлиқ иншоотларни демилитаризация қилиш ва кимёвий қурол ишлаб чиқариш технологияси тарқалишининг олдини олиш бўйича битим;

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва АҚШ ҳукумати ўртасида консуллик муносабатлари бўйича ўзаро англашув меморандуми;

Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ мудофаа вазирликлари ўртасида 1999-2000 йиллар учун ҳамкорлик режаси;

Ҳаво йўллари бўйича алоқалар тўғрисидаги битимга тегишли дипломатик ноталар алмашинуви;

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масаласи муҳокамасининг яқунлари бўйича «Ўзбекистон—АҚШ» қўшма комиссиясининг савдо-сотик, сармоя ва энергетика бўйича қўмитаси ҳисобот маърузаси.

Хулоса қилиб айтганда, «Ўзбекистон — АҚШ» қўшма комиссияси икки давлат манфаатларини қўзловчи самарали ҳамкорликнинг ўзига хос механизмига айланиб, икки томонлама муносабатлар ривожининг дастлабки босқичида ниҳоятда муҳим роль ўйнади. Шунинг учун ҳам қўшма комиссия доирасида ўзаро ҳамкорлик бўйича тупланган тажриба Ўзбекистон — Америка муносабатларининг янада ривожланиши учун мақбул шароит яратишига ёрдам беради, деб таъкидлаш мумкин.

*Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири*

ТАШРИФ. ТАРИХ. ТАҚДИР

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг АҚШга қилган расмий ташрифи тарихга айланди. Ушбу сафар ҳали узоқ вақт жаҳон оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида бўлажак, давлат арбоблари, сиёсатчилар, журналистлар томонидан шарҳланажак. Негаки, АҚШ ва Ўзбекистон Президентларининг мулоқоти ёлғиз икки мамлакатга оид воқеа бўлиб қолмай, балки минтақавий аҳамиятга эга бўлган, Марказий Осиё келажак қисматига боғлиқ, жаҳонда 11 сентябрь воқеаларидан сўнг юзага келган ўзгача сиёсий вазият, янгича муносабатларнинг меҳвариди турган улкан ҳодиса бўлди. Дарҳақиқат, кейинги ўн йил давомида давлатимиз раҳбарининг барча юксак дунё минбарларидан қилган мурожаатлари, огоҳликка чорловлари бежиз эмас экани оламга ниҳоят аён бўлди. Аввалига Афғонистондай ички низолардан абгор бўлган юртда дунёга таҳдид солувчи ёвуз куч етилаётганига тараққий этган мамлакатлар ишонмайроқ қарадилар. Мен Юртбошимизнинг Англия, Франция, Италия давлати раҳбарлари билан юзма-юз суҳбатларининг гувоҳи бўлганман. Аср балоси тўғрисидаги И.А.Каримовнинг оғриқли сўзларига улар тилда хайрихоҳлик билдириб, сиёсатдонлик билан муомала қилсалар-да, амалий ҳаракатни ҳатто хаёлларига келтирмадилар. Бундай бепарволик, беписандлик Фарб учун қимматга тушиди. Айниқса, Америка халқи оғир мусибатни бошидан кечирди.

Нью-Йорк, Вашингтон даҳшати дунёнинг кўзини очди. Жаҳолат нақадар қудратли кучга айланиши аён бўлди.

Аён бўлди, дейману инсон табиатининг ожизлигини ўйлайман. Ажабо, ақлу идроки шу қадар юксакликка кўтарилган ин-

сон, тарих сабоқларини ўтган, минг йилларнинг сарҳисобини қилган инсон нега фалокат ўз бошига келмагунча хотиржам юраркин? Нега ўзидан нарироқда ёнаётган ўтга бепарво қараркин? Эртага менинг ҳам уйим ёниши мумкин, деб ўйламасмикин? Олис сайёраларгача бориб етган тафаккур шу қадар ожизми?

Нью-Йорк шаҳрида куни кеча мағрур қад кўтариб турган, дунёнинг энг баланд бинолари бўлган Жаҳон савдо маркази харобаларига изтироб билан қараб туриб, 1999 йил февралда Тошкент шаҳрида содир этилган ёвуз портлатишлар, бегуноҳ қурбонлар кўз олдидан ўтди. Мамлакатимизни мислсиз офатдан Яратганнинг ўзи асради. Йўқса, лаҳза ичида юрт қонли можароларга чўкиши мумкин эди.

Аслида Америка қаёқдаю Ўзбекистон қаёқда. Бири Ернинг бу палласида, иккинчиси бошқа палласида. Ўртада қитъалар, уммонлар, тузумлар, тушунчалар, бошқа-бошқа ҳаёт тарзи, тараққиёт даражаси. Лекин бу икки мамлакатни бугун ягона мақсад бирлаштирди. Бу — тараққийпарвар инсониятнинг энг биринчи душмани — замонанинг энг катта офати бўлган терроризм ўчоқларини янчиб битириш, инсонлар ҳаётини хоҳ ерда, хоҳ осмонда бўлсин, хатардан озод этиш мақсадидир. Бизларни чекилган азият, жабрдийдалиқ бирлаштирди. Вашингтон ва Нью-Йоркка ҳам, Тошкентга ҳам чангал урган ёвузликнинг қавми, уруғи бир, машқ ва таълим кўрган ери бир, кураш услуби, нияти бир. Маслак — диний мутаассиблик, қурол — жаҳолат, услуб — номардлик, олчоқлик.

И.А.Каримовнинг АҚШ тупроғига қадам қўйиб даставвал тилга олгани яна бир карра ҳамдардлик сўзлари бўлди, Америка халқининг чидам ва бардошига, қатъиятига, ёвузликка қарши курашда бирлашиб бутун тараққийпарвар инсониятни жипслаштира олган иродасига тасанно сўзлари бўлди. Бу сўзлар террор офатини бошдан кечирган мамлакат раҳбари, ўз жонига қилинган суиқасддан омон қолган инсон тилидан айтилгани учун ҳам гоят таъсирли ва залворли эди.

Америка Қўшма Штатларида Ўзбекистон раҳбарига кўрсатилган эътибор, алоҳида ҳурмат Президент Жорж Буш билан

мулоқотдан бошланди. АҚШ давлат раҳбари бу учрашувга улкан аҳамият беришини намойиш этган ҳолда суҳбатга АҚШнинг олий даражадаги раҳбарлари, министрларни ҳам таклиф қилди ва учрашув ғоятда самимий, дўстона вазиятда ўтди. Президент Ж.Бушнинг: “Ҳамма билиб қўйсин, биз Ўзбекистон билан энди стратегик шерикмиз”, деб айтган сўзлари шунчаки лутф эмас, балки кўп йиллик синовлардан ўтган, бугун шартномавий ҳужжатлар бўлиб муҳрланган муносабатларнинг ифодаси эди.

Ўзбекистон давлат раҳбари учун ажратилган муҳташам бино ўша кунлари турли давлат, жамоат арбоблари, журналистлар билан гавжум бўлди. АҚШ Президентининг хос меҳмонлари яшайдиган “Блэйр Хаус” қароргоҳи тарихда “Маршалл плани” номи билан машҳур ҳужжат имзоланган, қитъанинг энг қадимий, эъзозли биноларидан биридир. Қадимий деган сўз албатта нисбий. Америкада икки юз йил аввалги обида ҳам кўҳна саналади. Негаки, қитъанинг ўзи ёш.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин хароб бўлган Оврупони тиклаш режаси Америкада бундан эллик беш йил муқаддам ишлаб чиқилган ва ўша вақтда АҚШ Давлат котиби бўлган Жорж Маршалл номи билан боғлиқдир. Бугунги тараққий топган Оврупо ўша узоқни кўзланган режа туфайли қад кўтаргани сир эмас. “Блэйр Хаус”нинг жиҳозларидан ўша замон руҳи келиб туради. Тарихий ҳужжат имзоланган муҳит асл ҳолида сақланган.

Президент И.Каримовнинг шу бинода истиқомат қилгани мажозий маъно касб этади. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида имзоланган тарихий Декларация ва шартномалар мамлакатимиз учун янги вақт ўлчовининг бошланиши, келажак тараққиёт учун катта умидлар уйғотувчи омил бўлса ажаб эмас.

Элда қадр топмоқ истаган инсон аввало ўзини қадрламоғи керак. Мамлакатлар ҳам шундай. Ўзбекистоннинг Жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеини биринчи навбатда унинг мустақил ва дадил ички ҳамда ташқи сиёсати, ўз миллий, тарихий қадриятларини тиклашга бўлган иродаси, ижтимоий тараққиёт йўлидаги ўлчовли, вазмин, залворли қадамлари белгилаб турибди.

Янги давлат, янги жамият қуриш ҳеч қачон, ҳеч бир ерда осонлик билан кечмаганидек, мамлакатимизнинг босиб ўтган йўли ҳам гулларга бурканган йўл эмас. Бу ҳар бир ватандошимиз чуқур англаши ва ҳис қилиши лозим бўлган мураккаб жараён, курашлардан иборат тарихдир. Бу тарихнинг асосий босқичлари Юртбошимиз асарларида баён қилинган. Ҳали у илмий ва бадиий китоблар бўлиб, кино асарлари бўлиб барча қарама-қаршиликлари, чигалликлари билан ҳаққоний таҳлил этилар ва келажак авлодларга қолдирилар. Ўша асарларга менинг бу чизгиларим ҳам, шу замоннинг ҳаяжонлари, қувончлари, изтиробларига ошно бўлган бир қалбнинг садолари бўлиб қўшилса ажаб эмас.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидаги одимлари расмий мустақилликдан анча илгари қўйилган эди. 1990 йил март ойида ҳали шўро давлати қудратли эканида, ҳали комфирқа сафлари мустаҳкам турган замонда собиқ совет республикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президент лавозимининг жорий этилгани ва И.А.Каримовнинг ушбу лавозимга сайлангани дунё учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Мустақиллик учун курашни анча аввал бошлаган Болтиқбўйи республикалари эмас, БМТ аъзолари ҳисобланган Украина ёки Белоруссия эмас, балки энг “одобли” ўлкалардан саналган Ўзбекистоннинг бундай исёнкор қарори Москвани лол қилиб қўйди. “Сен тушиб қолган бу вазиятдан қандай чиқамиз? Буни ўйлаб кўришимиз керак”, — деди ўшанда М.Горбачев И.Каримовга. Лекин, Ўзбекистон Президенти бу вазиятдан чиқишни, орқага қайтишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Ўзбекистон дастлаб ўшанда бутун дунёнинг, жумладан Америка Қўшма Штатларининг назарига тушган бўлса ажаб эмас.

1996 йилда Олий Мажлис “Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида” қонунни қабул қилди. Унда мамлакатимизнинг тинчликсевар ташқи сиёсати баён этилди ва ҳеч қандай ҳарбий Иттифоққа қўшилмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундай қонуннинг қабул қилиниши аслида ғайриоддий ҳодиса эмас. Лекин муайян вақт, муайян шароитда бу жасоратли қадам

эди. Ўша кезларда собиқ империяни қайта тиклаш орзумандлари НАТОга қарши мустақил давлатлар ҳамдўстлигидан иборат ҳарбий иттифоқ тузиш ғоясини астойдил олға сураётган эдилар. Ўзбекистоннинг бу қадами аввало ана шу ғояга зарба бўлди. Сўнгра отдан тушса ҳам эгардан тушмаган баъзи сиёсатдонларни хушёр торттирди. Балки шунда дунёнинг, жумладан, АҚШнинг Ўзбекистонга яна бир бор назари тушган бўлса ажаб эмас.

1999 йилда Ўзбекистон МДХ мамлакатлари ўртасида тузилган

коллектив мудофаа шартномаси муддатининг узайтирилиши тўғрисида ҳужжатга имзо чекмади, яъни ушбу шартномадан чиқишини эълон қилди. Аслида халқаро амалиётда коллектив мудофаа битимлари эзгу ниятда тузилади. Уларнинг мақсади ташқи хатардан ўзаро биргаликда ҳимояланиш бўлади. Лекин МДХ лидери, улкан ҳарбий салоҳиятга эга бўлган Россия Федерациясининг ўша замондаги раҳбарлари амалда бундай ниятдан йироқ эканликларини намоиш этдилар. Ўзбекистонга жануб томондан реал хавф туғилганда талаб этилган мададни бермадилар.

Ўзбекистоннинг коллектив мудофаа шартномасидан чиқиши бир томондан субутсизликка қарши исён бўлса, бошқа томондан ўз қудратига ишонч белгиси эди. Бу ҳам дунё эътиборидан четда қолмади.

Ўзбекистон ва АҚШ ташқи ишлар вазирлари томонидан имзоланган Стратегик шериклик ҳақидаги декларация Америка Қўшма Штатларига террорчиликка қарши курашда кўрсатган ва кўрсатилаётган ёрдами учун Ўзбекистондан чуқур миннатдорлигимизни ифода этади. Энди Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари, жумладан, "Дўстлик" кўпригининг очилиши туфайли инсонпарварлик юклари Афғонистоннинг шимолига бемалол етказиб берилади. Кобулда, Афғонистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам хавфсизликни таъминлашни мақсад қилган коалицияни қўллаб-қувватлашни давом эттираётгани учун биз Ўзбекистондан жуда миннатдормиз.

Элизабет ЖОУНС,
АҚШ Давлат котибининг
ўринбосари.

Мамлакатимизнинг мустақил, мардона қадамларига яна қўплаб мисоллар келтириш мумкин. “Пахта иши” қурбонларини оқлаш, Соҳибқирон Амир Темур номи ва шаънини тиклаш, ислом маданиятининг буюк намояндаларини эъозлаш, ёдгорликлар қўйиш... Буларнинг барчаси улкан бунёдкорлик ишлари билан қўшилиб, бугунда Ватанимизнинг жаҳоний қиёфасини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистоннинг қадрини ва қаддини кўтарган яна бир буюк омил бор. Бу меҳнаткаш, сабр-бардошли, гурурли халқимиздир. Шундай халқнинг раҳбаригина дунёнинг энг қудратли давлатларида ҳам мағрур бош кўтариб, ишонч билан сўзлаши, тенглар ичида тенглардек мунозаралар қилиши мумкин. И. А. Каримов АҚШ сармоядорларига: “Биз ёрдам сўраб, қўл узатиб келганимиз йўқ, ҳамкорлик нияти билан келдик. Еримиз бой, саховатли, халқимиз меҳнаткаш, бағри кенг. Келинг, бирга ишлайлик. Сиз ҳам фойда кўринг, биз ҳам”, деган сўзлар билан мурожаат қилди. Аслида мамлакатга барака келтиришнинг тайин йўли шу. Қўлдан берганга қуш тўймас, дейдилар. Тенг шерикчиликда эса тенг барака.

Ўзбекистон мустақилликка эндиgina эришган йилларда дунё ёш давлатимизнинг дастлабки қадамларини қизиқиш билан кузатган эди ва турли сиёсатдонлар турлича гумонлар қилгандилар. Бировлар, Ўзбекистон ҳам бошқа ёш мустақил давлатлар қатори ҳали узоқ вақт Россия орбитасида айланади, десалар, бошқалари Туркиядек тили бир, дини бир улуғ мамлакат бор, Ўзбекистон унинг этагидан тутади, деб башорат қилдилар. Мамлакатимиз ўзининг дастлабки қадамларини унутилган миллий, диний қадриятларни тиклашдан, Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк муҳаддисларимиз руҳини йўқлашдан бошлаганда Ўзбекистонда Эрон ёки Покистон каби ислом давлати қурилса ажаб эмас, дегувчилар ҳам бўлган. Лекин Ўзбекистон ўз тарихий қисматига, ўз қадриятларига асосланган ҳолда демократик тараққиёт йўлини танлади ва бу йўлда вазминлик билан оҳиста, аммо собит қадамлар қўйди. Ўзбекистоннинг ўз танлаган йўли-

Мамлакатимизнинг мустақил, мардона қадамларига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. “Пахта иши” қурбонларини оқлаш, Соҳибқирон Амир Темур номи ва шаънини тиклаш, ислом маданиятининг буюк намояндаларини эъзозлаш, ёдгорликлар қўйиш... Буларнинг барчаси улкан бунёдкорлик ишлари билан қўшилиб, бугунда Ватанимизнинг жаҳоний қиёфасини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистоннинг қадрини ва қаддини кўтарган яна бир буюк омил бор. Бу меҳнатқаш, сабр-бардошли, ғурурли халқимиздир. Шундай халқнинг раҳбаригина дунёнинг энг қудратли давлатларида ҳам мағрур бош кўтариб, ишонч билан сўзлаши, тенглар ичида тенглардек мунозаралар қилиши мумкин. И. А. Каримов АҚШ сармоядорларига: “Биз ёрдам сўраб, қўл узатиб келганимиз йўқ, ҳамкорлик нияти билан келдик. Еримиз бой, саховатли, халқимиз меҳнатқаш, бағри кенг. Келинг, бирга ишлайлик. Сиз ҳам фойда кўринг, биз ҳам”, деган сўзлар билан мурожаат қилди. Аслида мамлакатга барака келтиришнинг тайин йўли шу. Қўлдан берганга қуш тўймас, дейдилар. Тенг шерикчиликда эса тенг барака.

Ўзбекистон мустақилликка эндигина эришган йилларда дунё ёш давлатимизнинг дастлабки қадамларини қизиқиш билан кузатган эди ва турли сиёсатдонлар турлича гумонлар қилгандилар. Бировлар, Ўзбекистон ҳам бошқа ёш мустақил давлатлар қатори ҳали узоқ вақт Россия орбитасида айланади, десалар, бошқалари Туркиядек тили бир, дини бир улуғ мамлакат бор, Ўзбекистон унинг этагидан тутуди, деб башорат қилдилар. Мамлакатимиз ўзининг дастлабки қадамларини унутилган миллий, диний қадриятларни тиклашдан, Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк муҳаддисларимиз руҳини йўқлашдан бошлаганда Ўзбекистонда Эрон ёки Покистон каби ислом давлати қурилса ажаб эмас, дегувчилар ҳам бўлган. Лекин Ўзбекистон ўз тарихий қисматига, ўз қадриятларига асосланган ҳолда демократик тараққиёт йўлини танлади ва бу йўлда вазминлик билан оҳиста, аммо собит қадамлар қўйди. Ўзбекистоннинг ўз танлаган йўли-

дан қайтмаслигига дунё ишонч ҳосил қилди. АҚШ ва Ўзбекистон муносабатларининг замирида ҳам шу ишонч ётибди.

Ўзбекистон — тарихи улуғ мамлакат. Халқимизнинг дунё билан алоқалари куни кеча пайдо бўлган эмас. “Элчи” деган содда ўзбекона сўзнинг тарихи неча асрларга туташ эканини биров ҳисоблаб чиқмаган. Балки бу атама Буюк Ипак йўллари қадар қадимийдир.

Амиркон кавиш-махси, Банорас тўн кийиш, Чиний косада Кобулий шўрва ичиш, Балх тутининг майизини еб Сандалда исиниб ўтириш халқимизга янгилик эмас. Сандалнинг Ҳиндистонда ўсадиган хушбўй дарахт номидан олингани-ку аниқ. Балки момолар ўрайдиган дока рўмол ҳам Банголанинг Дакка рўмоли бўлса ажаб эмас.

Тошкентнинг Чорсу бозори икки минг йил илгари ҳам шундай гавжум бўлгандир. Бу ён Самарқанд дарбозаси, у ён Қашқар дарбозаси — ўн икки дарбозадан карвонлар турна қатор бўлиб Бейжиндан Андалузиягача, Банголадан Аштархонгача қатнаган замонларда ҳам ўзбеклар ери обод бўлган, тиллар, динлар, ирқлар турфа эса-да, турмуш, бозор, меҳнат, насиба ўртада бўлган. Қонимизда мавжуд тарихий хотира бугун уйғониш жараёнида.

Мустақиллик ўзбек халқига тарихий имконият берди, катта дарёларга қўшилиб оқиш, жаҳон уммонларига чиқиш йўллари-ни очиб юборди.

Америка Қўшма Штатларига қилинган ушбу давлат ташрифи ана шу Буюк Имконнинг ёруғ кўзгусидир. Қатрада куёш акс этгани каби баъзан бир лаҳзада бутун бир тарих намоён бўлади. Оқ уйда икки Президентнинг бир-бирига очиқ чеҳра билан қўл бериб турган лаҳзаларида мустақил Ўзбекистоннинг ўн йиллик босиб ўтган йўли мужассам бўлгандай.

Юртимизда демократик қадриятлар тўла қарор топди, дея даъво қилсак муболаға бўлади. Айниқса, сўз эркинлиги борасида қилажак ишларимиз кўп. Кўпчилик юртдошларим, замондошларим каби мен ҳам ватанимда демократик қадриятларнинг қарор топишини, ҳақиқий кўппартиявийлик, сиёсий, иқтисо-

дий рақобат муҳити пайдо бўлишини истайман. Шу билан бирга халқимиз асрлар давомида топган меҳру оқибат, бағри кенглик, меҳмондўстлик, тангилик каби гавҳарларини йўқотиб қўймасин, дейман. Аслида миллатнинг энг катта бойлиги ана шу гавҳарлардир.

Бир марта яшайдиган дунёда инсон ўз эрки ўзида бўлиб, гурур билан бош кўтариб юрсин экан. Ҳеч бандаи мўминни ўз халқи, миллати, ватани билан ифтихор қилиш баҳридан бенаиб қилмасин. Оламда бош кўтариб юролмасанг, оламга келмаганинг ҳам дуруст.

Америка Қўшма Штатларига илк бор шўролар замонида сафар қилган эдим. Ўша саёҳатни эслагим келмайди. Негаки, 1988 йили Фарғона воқеалари, “ўзбеклар иши” деб аталган таҳқирли маҳкама дунёга машҳур бўлган эди. Қай даргоҳга қадам қўймайлик, ким билан суҳбат бошламайлик, мавзу айланиб ўша шармандалар можароларга тақаларди.

Ҳар бир ҳодисанинг моҳияти таққосда билинади. Ўн уч йил аввалги ҳолат, ўзбекнинг қадру қиммати билан бугунги иззат-икромлар орасида ер билан осмонча фарқ бор.

Ҳар бири бир мамлакат раҳбаридек мавқе ва салоҳиятга эга бўлган, ўз мамлакати президентига ҳам бош эгмайдиган, билъакс норозилигини тикка айта оладиган олтмишга яқин сенаторнинг мамлакатимиз раҳбарига тик туриб узоқ қарсак чалгани, Генри Киссинжердек ўзи тирик тарих бўлган улкан давлат арбобининг И. А. Каримовга “Халқаро миқёсдаги лидер” нишонини топширгани — барча-барчаси ўзбек халқининг гурурини кўтарадиган, қадри-қимматини улуғлайдиган ҳодисалардир. Бундай лаҳзаларни халқ тарихининг юлдузли онлари дейиш мумкин.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида имзоланган ҳужжатларни мамлакатимиз Ташқи ишлари вазирига топширар экан, АҚШ Давлат котиби уларнинг оғирлигига ишора қилгандай қўлида салмоқлаб қўйди. Бу аслида ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятига, ҳар икки мамлакат қабул қилган мажбуриятлар юкининг вазминлиги, биргаликда қилинадиган ишларнинг масъулиятига ишора эди.

Олий даражадаги ташриф тарихга айланди. Олдинда улкан режалар, вазифалар бор. Президент И. Каримовнинг Олий Мажлис сессиясида қилган маърузасида ушбу вазифалар тархи белгилаб берилди.

Биз биламизки, мамлакатимиз олдида турган муаммоларни ҳал этиш аввало ўз ишимиздир. Ҳар қанча қудратли бўлмасин бошқа мамлакат бу ишни адо этмайди ва эта олмайди. Демократик қадриятлар, сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар ҳам четдан импорт йўли билан келтириладиган товар эмас. Булар энди ҳаммамиз ва ҳар биримизга, ўз истак-иродамизга, руҳимизга, тафаккуримизга боғлиқ амаллардир.

Озод эл тоғларни қулатишга қодир бўлади. АҚШ ва бошқа тараққий этган мамлакатлар билан яқинлашув бизга ўтмиш қуюшқонларидан қутулиш, ички занжирлардан халос бўлиш йўлида мададкор бўлажак.

Ташриф навбаҳор фаслида бўлиб ўтди. Бамисоли АҚШ ва Ўзбекистон дўстлик, ҳамкорлик боғига ниҳоллар экдилар. Ният қилайлик: бу ниҳолларнинг мевасини кўриш барчамизга насиб этсин.



Биз ўтмишсиз келажак бўлмаганидек, ҳамкорлик ҳамда маданий ва интеллектуал маконнинг интеграциясиз тараққиёт ҳам бўлмаслигига аминмиз.

Ислом КАРИМОВ



*Шайх Муҳаммад Ҳашом ҚАББОНИЙ,
Америка Олий ислом кенгаши раиси*

ЎЗБЕКИСТОН — АЛЛОМАЛАР ВАТАНИ

Ўзбекистон ва унинг халқини жаҳонга танитган Аллоҳга шукроналар бўлсин!

Ўзбекистон халқи башариятга ислом маданияти ривожини йўлида алоҳида ўрнатқан бўлган улуғ алломалар, нозиктаб санъаткорлар ва бағрикенг давлат арбобларини тақдим этган. Уларнинг қаршида бутун инсоният ҳамиша таъзим қилиб келган. Улар билан фахрланиш туйғулари кўпайса кўпаядики, асрлар оша ҳам асло камаймас. Аллоҳ таоло ёрлақан бу мукаррам зотлар илму ирфон манбаи бўлганлар ва шундай бўлиб қолажаклар. Эзгуликка хизмат қилиш учун ўз манфаатларидан воз кечган бу фидоий инсонлар буюк ҳукмдорлар ва давлат арбобларининг юксак эҳтироми ва алоҳида муҳаббатига сазовор бўлиб келганлар.

Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Ибн Сино, Муҳаммад ал-Хоразмий, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ алломалардан мерос бўлиб қолган безавол илмий-маънавий хазина, буюк Амир Темур асос солган илғор давлатчилик анъаналари бугун ушбу ўлканинг миллатпарвар фарзандлари учун дастуриламалга айланган. Бунинг амалий ифодаси давримизнинг атоқли сиёсий арбоби, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов фаолиятида ўз тажассумини топмоқда.

Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сифатида бошлаган фаолиятининг илк давридан оқ Марказий Осиёдаги бу буюк мамлакатнинг мустақиллиги ҳамда тинчлигига раҳна солишга интилган экстремистик гуруҳларнинг ёвуз хатти-ҳаракатлари ва бидъат қарашларини, улар қандай кўринишда бош кўтармасин, қатъий рад қилгани таҳсинга сазовор. Бу билан имон-этиқоди қоядек мустаҳкамлигини, хавфсизлик

ва тинчликни сақлашдек мураккаб муаммонинг туб моҳиятини бениҳоя чуқур идрок этган етук сиёсий арбоб эканлигини намоён этди. Унга Аллоҳ таолонинг ўзи жабрдийда халқни не-не тажовузлар исканжасидан, тобора шиддатли тус олаётган беқарорлик гирдобидан олиб чиқувчи нажот йўлини кўрсатди.

Ислом Каримов фақатгина Ўзбекистон эмас, балки бутун Марказий Осиё халқлари осойишталиги ва тинчлигини таъминлаш йўлида олдинги сафларда туриб, собитқадамлик билан саъй-ҳаракат қилаётган кучларнинг яловбардоридир. У ўзининг бутун куч-қувватини ушбу эзгу мақсадга сафарбар этмоқда.

Мана, ўн йилдирки, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳарбий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнида учрайдиган турлитуман қийинчиликларга қарамасдан, Ислом Каримов Ўзбекистоннинг қадимий улуғворлигини, бугунги кундаги юксак салоҳиятини бутун дунёга намоён этиб, миллатнинг қадрини, шаън-шавкатини, дини ва маданий ўзлигини тиклаш йўлида ғайрат қилмоқда. Ўзбекистон халқини таҳқирли мутеликдан эркин ҳаётга, озодлик асрига, сўз, виждон ва бозор иқтисодиёти эркинлигига олиб чиқиб, XXI асрга хос демократия сари етакламоқда.

Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ўн йиллик мустақил ривожланиш даврида оламшумул аҳамиятга молик ишларни амалга оширди: иқтисодий вазиятни соғломлаштирди ва барқарорлаштирди, таълим тизимини тубдан ислоҳ этди, хорижий инвестициялар оқимини кўпайтирди. Энг муҳими, у ўз мамлакатини даҳрийлик ва шўро тоталитаризми жаҳолатидан озод этиб, замонавий цивилизациянинг равон йўлига олиб чиқди.

Бугун бутун жаҳон яхши билადики, жаҳолат эндигина хуруж қила бошлаганда, Президент Ислом Каримов давлат раҳбари сифатида довюрлик билан майдонга чиқди, яқинлашиб келатган ҳалокатли тўфонга кўксини қалқон қилди. Республикадаги барча диний уламоларни ўзи билан бир сафда туришга чорлади. Давлатдаги энг юксак лавозимни эгаллаб турса-да, ўзини оддий фуқаро ҳисобида кўрди. Ҳамиша ва ҳар ерда халқ билан ҳамнафас бўлишга интилди.

Диний ақидапарастлар ислом динининг ҳаётбахш ғояларини нотўғри талқин қилиб, бузиб, ўзларининг мутаассиблик билан суғорилган қарашларини бошқаларга куч ва бузғунчилик воситасида сингдиришга уринмоқдалар. Уларнинг нияти ислом таълимотини ўз сиёсий манфаат ва мақсадларига бўйсундиришдан иборат. Таассуфлар бўлсинки, бу йўлда улар ҳеч нарсадан тап тортмаяптилар. Бундай кимсаларнинг зўравонлик ва қўрқитиш усулларини ўзларига қурол қилиб олгани шуни очиқ-ойдин исботлайдики, уларнинг тутган йўли ҳақ таоло кўрсатмалари ва Расулulloҳ суннатларидан мутлақо йироқдир.

Америка Қўшма Штатларига қилинган террорчилик хужуми — ислом ниқоби остида амалга оширилган жиноий ҳаракатнинг даҳшатли намоишидир. Лекин шуни қатъиян айтишимиз лозимки, бу жиноятга исломнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Президент Каримов терроризм вабосининг дини ва миллати йўқлиги, у чегараларни тан олмаслиги, унга диний тус бериш нотўғри эканлиги ҳақида дунё аҳлини кўп маротаба огоҳлантирган эди. Шу билан бирга, диний ақидапарастлар ўзларининг террорчилик ҳаракатлари билан ҳақиқий исломнинг обрўсига путур етказётганларини, сиёсий майдонда юзага келган мураккабликлардан фойдаланиб, мусулмон ва христиан дунёсининг ҳамжиҳатлигига раҳна солишга ҳамда дунёнинг турли бурчакларида ҳукмронлик ўрнатишга жиддий ҳаракат қилаётганларини катта хавотир билан такрор ва такрор таъкидлаган эди.

Ислом Каримов қайта-қайта огоҳлантирган радикализм хатари дунё ҳамжамиятини ларзага солган 11 сентябрнинг фожиали воқеаларида яққол намоён бўлди. Бу воқеалардан сўнг АҚШ сиёсатчилари яхши англаб етдиларки, қутурган жиноий гуруҳларга қарши курашдаги ҳамжиҳатлик, уларнинг кучайиб кетишининг олдини олишга қаратилган даъватларида Ислом Каримов мутлақо ҳақ экан. Қўшма Штатлар Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида собитлик билан тутиб келинаётган стратегик позицияга баҳо берар экан, минтақа хавфсизлигини ва унинг демократик тараққиёт йўлидан боришини таъминлашда бу мамлакат-

Диний ақидапарастлар ислом динининг ҳаётбахш ғояларини нотўғри талқин қилиб, бузиб, ўзларининг мутаассиблик билан суғорилган қарашларини бошқаларга куч ва бузғунчилик воситасида сингдиришга уринмоқдалар. Уларнинг нияти ислом таълимотини ўз сиёсий манфаат ва мақсадларига бўйсундиришдан иборат. Таассуфлар бўлсинки, бу йўлда улар ҳеч нарсадан тап тортмаяптилар. Бундай кимсаларнинг зўравонлик ва қўрқитиш усулларини ўзларига қурол қилиб олгани шуни очиқ-ойдин исботлайдики, уларнинг тутган йўли ҳақ таоло кўрсатмалари ва Расулulloҳ суннатларидан мутлақо йироқдир.

Америка Қўшма Штатларига қилинган террорчилик ҳужуми — ислом ниқоби остида амалга оширилган жиноий ҳаракатнинг даҳшатли намоишидир. Лекин шуни қатъиян айтишимиз лозимки, бу жиноятга исломнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Президент Каримов терроризм вабосининг дини ва миллати йўқлиги, у чегараларни тан олмаслиги, унга диний тус бериш нотўғри эканлиги ҳақида дунё аҳлини кўп маротаба огоҳлантирган эди. Шу билан бирга, диний ақидапарастлар ўзларининг террорчилик ҳаракатлари билан ҳақиқий исломнинг обрўсига путур етказаётганларини, сиёсий майдонда юзага келган мураккабликлардан фойдаланиб, мусулмон ва христиан дунёсининг ҳамжиҳатлигига раҳна солишга ҳамда дунёнинг турли бурчакларида ҳукмронлик ўрнатишга жиддий ҳаракат қилаётганларини катта хавотир билан такрор ва такрор таъкидлаган эди.

Ислом Каримов қайта-қайта огоҳлантирган радикализм хатари дунё ҳамжамиятини ларзага солган 11 сентябрнинг фожиали воқеаларида яққол намоён бўлди. Бу воқеалардан сўнг АҚШ сиёсатчилари яхши англаб етдиларки, қутурган жиноий гуруҳларга қарши курашдаги ҳамжиҳатлик, уларнинг кучайиб кетишининг олдини олишга қаратилган даъватларида Ислом Каримов мутлақо ҳақ экан. Қўшма Штатлар Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида собитлик билан тутиб келинаётган стратегик позицияга баҳо берар экан, минтақа хавфсизлигини ва унинг демократик тараққиёт йўлидан боришини таъминлашда бу мамлакат-

Марказий Осиёнинг келажакдаги иқтисодий барқарорлиги маълум даражада Ўзбекистоннинг муваффақиятлари билан боғлиқ, деб ҳисоблайман ва биз бу ерга ёрдам қўлини чўзиш учун келдик. Биз бутун Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва иқтисодий тараққиёт бўлишини истаймиз.

Ричард ШЕЛБИ,
сенатор

ни ўзининг яқин ҳамкори ва тенг ҳуқуқли шериги деб эълон қилди. Бугун АҚШда террорчилик ва экстремизмга қарши курашда Ўзбекистоннинг тажрибаси чуқур ўрганилмоқда.

Америка Олий ислом кенгаши вакиллари Ўзбекистон Республикасига бир неча бор ташриф буюрганлар. Улар Президент сайловлари ва конституциявий референдум ўтказишда кузатувчилар сифатида иштирок этганлар. Шунингдек, Америка Олий

ислом кенгаши 2001 йилда бутун дунёдан йиғилиб, Ўзбекистонга ташриф буюрган 100 нафар вакилдан иборат делегацияга раҳбарлик қилган эди. Делегациянинг ташриф якунлари бўйича АҚШ ҳукуматига ёзган маърузасида Ўзбекистоннинг Президент Каримов раҳбарлигида эришган ютуқлари алоҳида таъкидланган эди.

Марказий Осиёнинг минтақавий хусусиятларидан келиб чиққанда, Ислом Каримов учун Қўшма Штатларни терроризмга қарши курашда қўллаб-қувватлаш ҳақидаги қарорга келиши осон эмас эди. Бироқ у Аллоҳ томонидан берилган заковат ва қатъият билан инсоният бошига тушган улкан хавфу хатарни бартараф этиш масаласида энг тўғри йўлни танлади, қийин қарорлар қабул қилишда чуқур мулоҳазакорлик ва босиқлик фазилатларини намоён этди. Бундай жасорат жаҳон ҳамжамиятининг таҳсинига сазовор бўлди, Америка сиёсий арбоблари ҳам буни эътироф этдилар.

Қўшма Штатларнинг барча фуқаролари, диний эътиқодидан қатъи назар, Ўзбекистон халқига, унинг ҳукуматига экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги қатъияти учун чуқур миннатдорчилик билдирмоқда. Президент Каримовнинг АҚШга таклиф этилиши нафақат давлат раҳбари, балки ёвуз кучларни барта-

раф этиш, Ер кurrасидаги тинчликни сақлаш учун матонат кўрсатган йирик давлат арбобига билдирилган юксак эҳтиром аломатидир. Қабул маросимида Президент Жорж Буш унга шахсан миннатдорлик изҳор қилиб, терроризмга қарши курашда Ўзбекистон ҳал қилувчи ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Президент Каримовнинг ташрифи давомида Қўшма Штатлар ва Ўзбекистон ўртасида бир қатор муҳим шартнома ва битимлар имзоланди. Давлат котиби Колин Пауэлл таъкидлаганидек, бу битимлар “икки давлатнинг чуқур ва узоқ муддатли муносабатларни ўрнатиш истаги белгисидир”. Мазкур битимлар фан, технология соҳасида ҳамда ядро қуролини тарқатмаслик борасидаги йилдан-йил ўсиб борадиган ҳамкорлик учун кент йўл очади.

Икки томонлама учрашувлар муваффақияти нафақат ўзбекистонликлар, балки ҳар бир тинчликсевар инсонда ифтихор туйғусини уйғотганига шубҳам йўқ.

Худого беҳад шукрлар бўлсинки, Америка Олий ислом кенгаши раҳбарияти Президент Каримов билан АҚШга ташриф чоғида учрашиш имкониятига эга бўлди. Биз яқин келажақда амалга ошириладиган бир неча лойиҳани муҳокама этдик. Мен, Кенгаш раиси сифатида, Ўзбекистон Президентининг маслаҳатларини диққат билан тингладим ҳамда Қўшма Штатлар мусулмонлари ва Марказий Осиё халқлари манфаатлари йўлидаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олдим.

Кенгаш томонидан мамнуният билан қарши олинган яна бир қувончли воқеа шуки, Ислом Каримов бизни Ўзбекистонга таклиф қилди. Биз бу жаннатмакон ва муқаддас юртни яна бир карра зиёрат этиб, мард ва олижаноб Президентнинг доно раҳбарлигида ўзбек халқи босаётган улкан қадамларга гувоҳ бўлиш умидидамиз.

Президент Ислом Каримов жаноби олийларини, буюк Ўзбекистон халқини Аллоҳ таоло бундан кейин ҳам ўз паноҳида асрасин, омин!

*Аброр ФУЛОМОВ,
Баҳодир МАМАЖОНОВ,
“Жаҳон” ахборот агентлиги
махсус мухбирлари*

ЯНГИ ЎЗБЕК ЖАМИЯТИГА ХОЛИС НАЗАР

Вашингтонда Л. Левитиннинг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” асарининг тақдими бўлиб ўтди

Профессор Л. Левитиннинг бу асари бир пайтнинг ўзида Россиядаги “Вагриус” ҳамда Буюк Британиядаги “Кембриж” каби нуфузли нашриётларда рус ва инглиз тилларида, орадан кўп ўтмай, “Ўзбекистон” нашриётида ўзбек тилида чоп этилган ҳамда унинг тақдими Москва ва Берлинда катта муваффақият билан ўтган эди.

Мамлакатимиз ҳаёти билан яхши таниш бўлган сиёсатшунос томонидан ёзилган “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” асарида муаллифнинг мустақиллик даври, яъни кейинги ўн йил ичидаги ўзбек жамияти ҳаётига нисбатан холис қарашлари ўз ифодасини топган. Ва яна мазкур асар хорижий мамлакатларда катта қизиқиш уйғотганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу китобнинг навбатдаги тақдими шу йилнинг 4 март куни Вашингтондаги Ж. Хопкинс номли университет қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институтида бўлиб ўтди. Унда АҚШ давлат муассасалари, нодавлат ташкилотлар, мамлакат илмий ва ишбилармон доиралари, Америкадаги етакчи нашрларнинг вакиллари иштирок этишди.

Тақдимот маросимини университет ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институтининг Етакчи халқаро тадқиқотлар мактаби директори Чарлз Фэйербакс очди.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С. Сафоев Л. Левитиннинг ушбу асари ҳақида фикр билдирар экан, унда минтақа ва Ўзбекистон тараққиётига доир жиддий

муаммолар холис тадқиқ этилгани, Президентнинг мураккаб ша-роитда мамлакатнинг миллий қайта тикланишини таъминлаш жараёнида тутган ўрни ва ролини маҳорат билан кўрсатиб бера олганини юксак баҳолади.

Л. Левитин ўз чиқишида тадбир иштирокчилари диққатини бугунги кунда дунё Ўзбекистонга ҳар қачонгидан ҳам кўп эътибор билан қараётганига жалб этди. Муаллиф Ўзбекистон бундан кейин ҳам Вашингтон ва Фарб мамлакатлари эътиборини тортиши шубҳасиз эканини қайд этди. Мустақиллик эълон қилинганидан буён мамлакат ислом радикализмига қарши изчиллик билан курашиб келади.

Муаллиф турли мамлакатлардаги туб ислоҳотлар тадқиқотчилари давлат раҳбарларига — воқеалар жараёнида ўз гоёлари, иродаси, саъй-ҳаракатлари билан ҳал қилувчи даражада таъсир кўрсатадиган шахсларга ҳамиша катта қизиқиш билан қарашларини таъкидлади.

Ислом Каримов мамлакат етакчиси сифатида майдонга келганида Ўзбекистон “жар ёқасида, унинг энг сўнгги чизигида турган эди. Давлат раҳбари мамлакатни асраб қолиши керак эди. Ва у бу вазифани шараф билан бажарди”, деди муаллиф ўз сўзида.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан АҚШ Миллий матбуот клуби вице-президенти Питер Хикман яқинда Ўзбекистонда бўлгани, референдумда халқаро кузатувчи сифатида иштирок этганини айтди экан, Ўзбекистоннинг кўпмиллатлилиги, замонавийлиги, буюк тарихи ва келажаги бир-бирига уйғун ва мос келишига алоҳида эътибор қаратди. Ўзбекистон тараққиётнинг улкан иқтисодий, маънавий ва илмий салоҳиятига эга. Ва шу туфайли республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсат ҳамда ўзбек халқининг интилишлари самараси ўлароқ барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

— Л. Левитин ўз китобида давлатни ислоҳ қилиш жараёнлари муайян вақтни талаб этишига алоҳида эътибор қаратган. Ва бу ҳамма учун кундай аниқ-равшан бўлган ҳақиқатдир. — Йел университети Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари дастури-

нинг директори Марта Блэкскол ўз сўзини ана шундай бошлади. — Ўзбекистонни бирон марта ўз кўзи билан бориб кўрмаган айрим ғарблик журналистлар гўё мамлакатда ислохотлар жуда ҳам секинлик билан бормоқда, деб ёзишади. Лекин улар мамлакатни ислох қилишда тезлик эмас, балки унинг сифати энг муҳим омил эканлигини ҳисобга олишмайди. Шунчаки натижага эмас, балки ижобий натижага эришиш муҳимдир. Ўзбекистон ҳукумати ана шунга интилади. Мен Ўзбекистоннинг бугунги кунда демократия ва эркин бозор иқтисодиёти йўлидан ишонч билан бораётганига мутлақо шубҳа қилмайман.

“Жаҳон” АА мухбирлари тақдимот маросими қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар.

Жон БАЙЭРЛИ, Миллий мудофаа университетининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича профессори:

— Бир йил бурун АҚШ Давлат департаментининг МДХ мамлакатлари бўйича махсус мувофиқлаштирувчиси сифатида Тошкентга борганимда, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов билан учрашган ва биз ўшандаёқ хавфсизлик соҳасида анча яқин ҳамкорлик зарурлиги ҳақида ягона фикрга келган эдик. Менинча, айни пайтда ана шундай ҳамкорлик ўрнатилди ва у кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда.

Турли халқаро террорчи ташкилотлар Ўзбекистонга узоқ вақт давомида хавф-хатар солиб турди. Бахтимизга биз ҳозир ғайриинсонийликнинг бундай кўринишларини йўқ қилиб ташлаш борасида икки томонлама ва қатъий интилишларга эгамиз. Келгуси ҳафта ичида Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташриф буюриши ва бизнинг Президентимиз билан учрашиши ҳақидаги хабар менга мамнуният бахш этди. Бу АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бундан-да мустаҳкамланишининг ёрқин ифодасидир.

Давид ИСБИ, мудофаа ва ташқи ишлар масалалари бўйича консултант, Афғонистон бўйича қатор китоблар муаллифи:

— Ўз фаолиятим тақозосига кўра, мен Афғонистон масалалари билан шуғулланаман, бироқ бу мамлакат муаммоларини ҳал этишда Ўзбекистоннинг алоҳида ўрни ҳақида сўзламаслигим мумкин эмас. Мамлакатларимизнинг халқаро терроризм

билан курашга йўналтирилган биргаликдаги саъй-ҳаракатлари янада кенг ҳамкорлик эшикларини очди. Бундай муносабат ҳар икки томон учун фойдалидир. АҚШ ҳукумати халқаро терроризмга қарши кураш ва гиёҳванд моддалар тарқалишига йўл қўймаслик учун Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизлик сақланиши муҳимлигини англаб етди. Бу ҳамкорлик тобора кенгайиб, халқаро тараққиёт ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш омилига айланиши шубҳасиз.

Эли КРАКОВСКИ, АҚШ ташқи сиёсат институти катта илмий ходими, сиёсатшунослик доктори:

— АҚШ ва Ўзбекистон ҳамкорлиги халқаро терроризм билан курашда муҳим аҳамият касб этди. Мен кўп жиҳатдан бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўз нуқтаи назари боис эришилди, деб ҳисоблайман. Терроризм билан биргаликдаги курашда Ўзбекистоннинг фаол иштироки нафақат АҚШ маъмурияти, балки оддий америкаликлар томонидан ҳам мамнуният билан кутиб олинди. Бизнинг ўзаро ҳамкорлигимиз бундан кейин янада кенгайишига умид қиламан.

Жонатан ЭЛКАЙНД, Мэриленд университети профессори:

— Менинг фикримча, ўтган йилги 11 сентябрь воқеаларидан сўнг халқаро ҳамжамият учун терроризм билан курашда Ўзбекистон ролининг муҳимлиги, айниқса, равшан бўлиб қолди. Бизнинг мамлакатларимиз хавфсизлик соҳасида яқин ҳамкор эканликларини намойиш қилдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳиссасига нафақат Марказий Осиё, балки глобал миқёсда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан масъулиятли миссия тушган. Умид қиламанки, АҚШ ҳукумати бундан кейин ҳам Ўзбекистон билан ўзаро яқинликда иш олиб боради. Бу эса жаҳон иқтисодиёти майдонида Ўзбекистоннинг ўз ўрнини топишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Профессор Л. Левитиннинг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” китобининг Вашингтонда бўлган тақдими, бу хусусда билдирилган фикр-мулоҳазалар Америка жамоатчилиги Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихи, маданияти ва бугунги ҳаётига катта қизиқиш билан қараётганлигини яна бир қарра тасдиқлади.

САМИМИЙ ДИЛ СЎЗЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Ҳурматли Президент Ислом Каримов,

Сиз билан учрашиш мен учун жуда катта шарафдир. Мен Сизнинг меҳрибонлигингиз ва олижаноблигингизни юқори баҳолаб, ёрдамингиз ва ҳамжиҳатлигингиз учун миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Сизнинг ғамхўрлигингиз учун алоҳида миннатдорлик билдирар эканман, биз яна учрашамиз, деб умид қиламан. Сизга ва Ўзбекистон халқига эзгу тилаклар тилайман.

Эҳтиром билан,

Майкл Р.БЛУМБЕРГ,
Нью-Йорк шаҳри мэри.

2002 йил 11 апрель.



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Муҳтарам Президент жаноблари,

Мен Сиз билан чоршанба, 13 март кuni Нью-Йоркда "Биер Хагола" ташкилоти дастури бошланишидан аввал шахсан учрашганимдан мамнунман. Мен бўлиб ўтган суҳбатимизни завқ билан эслайман. Сизнинг хайрихоҳлигингиз ва олийжаноблигингиз учун миннатдорлик билдираман ва Сиз билан яна учрашишни сабрсизлик билан кутаман.

Самимий тилаклар билан,

Генри А.КИССИНЖЕР.

2002 йил 17 апрель.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мухтарам Президент жаноблари,

Аввало, Сизни АҚШга буюрган тарихий ташрифингиз ғоят муваффақиятли ўтгани билан самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Бу ташриф, ҳеч шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Ташриф асносида Сизнинг халқаро террорчиликка қарши курашда АҚШни қўллаб-қувватлаш борасидаги шахсий жасоратингизга берилган юксак баҳо ёрқин намоён бўлди. Нафақат мамлакатимиз ҳукумати, балки оддий америкаликлар ҳам биз ёрдамга муҳтож бўлган пайтда биринчи бўлиб қўл узатганингиз учун Сиздан миннатдордир.

Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг қабул маросимида сўзлаган сермазмун нутқингизда Сиз АҚШ ва Ўзбекистон компаниялари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтиришга даъват қилдингиз.

65 мингдан зиёд фирма ва компанияларни бирлаштириб турувчи АҚШ Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси Директорлар кенгашининг раиси сифатида Сизнинг мамлакатингиз билан бевосита алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканимизни таъкидлашни истар эдим. Уюшмамиз аъзолари ҳиссасига АҚШ иқтисодиётидаги иш ўринларининг қарийб 60 фоизи тўғри келади, улар қурилиш, қурилиш материаллари тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, қайта ишлаш соҳалари учун ускуналар ишлаб чиқариш, енгил саноат, электроника каби соҳаларда фаолият юритади.

Бугун Америка дунёдаги энг катта, энг салмоқли бозор саналади ва ҳар бир мамлакат бу бозорда ўз ўрнига эга бўлишни истайди. Биз Ўзбекистон фирмалари ўз маҳсулотини АҚШда сотиш учун улкан имкониятларга эга, деб ҳисоблаймиз. Унчалик катта бўлмаган компанияларимиз ўртасида қўшма ишлаб чиқариш ташкил этилиши, назаримизда, нафақат ўз бозорларимиз,

балки бошқа мамлакатлар бозорларига ҳам фойдали тарзда кириб боришимизга ёрдам беради.

Мактубимнинг мазмуни, жаноб Президент, умумий мақсадларга эришиш учун АҚШ Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси билан Сизнинг мамлакатингиздаги тегишли тузилмалар ўртасидаги ишбилармонлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Биз бир неча йил давомига ўзбекистонлик шериклар билан зарур ишларни амалга ошириб келмоқдамиз ва улар Уюшмамизнинг АҚШдаги молиявий тузилмалар, федерал органлар ва ишбилармон доиралардаги имкониятларидан фойдаланиши учун шарт-шароит яратиб беришга тайёرمىз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Сиздан, жаноб Президент, ёрдамчиларингизга амалий ҳамкорлигимиз имкониятлари ва йўлларини диққат билан ўрганиб чиқишни топширишингизни яна бир бор сўрамоқчиман.

Ўз навбатида, биз исталган пайтда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўлаб-қувватлаш бўйича саъй-ҳаракатларни бошлашга тайёرمىз.

Президент жаноблари!

80 йилдан ортиқ вақт мобайнида қурилиш ва йўлсозлик-таъмирлаш техникаси бозорига ишлаб келаётган "Хоффман Интернешнл" корпорацияси президенти сифатида Сизнинг мамлакатингиздаги инфратузилмавий ва бошқа лойиҳаларда қатнашишимиз учун ҳам катта имкониятлар бор, деб ўйлайман.

АҚШ томонидан қурилиш техникаси етказиб беришни молиялаш шартлари бўйича дастлабки таклифлар ишлаб чиқилган. Бу техниканинг умумий қиймати, мутахассисларнинг ҳисобкитобларига кўра, кўпи билан 40 миллион АҚШ долларини ташкил этиши мумкин.

Жумладан, шартнома қийматининг 85 фоизига тенг миқдордаги маблағ АҚШ Эксимбанкнинг бевосита қўлаб-қувватлаши (қарз ё кафолат шаклида) баробарида Либор плюс тартибдаги йилига 0,13 фоизлик икки йиллик имтиёзли давр билан 7 йиллик муддатгача берилиши мумкин. 15 фоизли аванс тўлови

ВИЗИТ В АМЕРИКУ

хорижий тижорат банкларининг Либор плус ставкаси шартти билан 3,5 йиллик мугдатга бериладиган кредитлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Шу вақтга қадар АҚШ банклари аванс тўловининг мугдатини 3,5 йилгача узайтириш амалиётини қўлламаган эди. Биринчи бор, фақат Ўзбекистондаги мазкур лойиҳа учунгина қондан чекиниш қилинди. Бундан ташқари, Эксимбанкдаги учрашувда ушбу таклиф якуний эмаслиги ва ҳали муҳокама қилиниши таъкидлаб ўтилди.

Юқоридаги масалаларни биргаликда муҳокама этиш ва атрофлича таҳлил қилишга, зарур бўлса, Сизнинг таклифингизга биноан Ўзбекистонга боришга ҳам тайёрмиз.

Президент жаноблари!

Баён этилган таклифлар дастлабки қадамлар, холос. Аминманки, мамлакатларимиз миллий иқтисодиёти ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Сиз билан шахсан учрашганимда мақсад ва имкониятларимизни батафсилроқ баён эта оламан, деган умидгаман.

Жаноб Президент, ўзбек халқининг ёрқин тимсолига айланган Сиздек йўлбошчига чуқур ва самимий эҳтиромимни изҳор этиш, янги-янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз!

Эҳтиром ила,

Жозеф УОТТЕРС,
АҚШ Кичик ва ўрта бизнес уюшмаси
Директорлар кенгашининг раиси,
"Хоффман Интернешнл" корпорацияси президенти.

2002 йил 12 июнь.

*Саидахрор ФУЛОМОВ,
Ўзбекистон Олий ва ўрта
махсус таълим вазири*

ИШОНЧЛИ ШЕРИК БИЛАН ИСТИҚБОЛ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг АҚШга давлат сафари мустақил Ватанимизнинг янги тарихи саҳифаларида муҳрланиб қоладиган муҳим воқеалардан бири бўлди. Давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи пайтида унга ҳамроҳлик қилиш бахтига муяссар бўлганлардан бири сифатида комил ишонч билан айтаманки, бу сафар икки давлат ўртасида шаклланиб, тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлигимизни янги босқичга олиб чиқиш билан бирга, жонажон Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътиборини янада юксакка кўтарди. Бу сафар чоғида ҳар икки Президент ўртасида кенг миқёсдаги долзарб сиёсий масалалар муҳокама қилингани жамоатчиликка яхши маълум. Музокаралар пайтида АҚШ Президенти Жорж Буш ва Американинг бошқа сиёсий арбоблари Президент Ислом Каримовнинг фикр ва қарашларини жуда катта диққат-эътибор билан қабул қилдилар ҳамда Юртбошимизга ўзларининг чуқур иззат-икромларини изҳор этдилар. Президентимиз билан учрашув пайтида жаноб Жорж Бушнинг: “Ҳамма билиб қўйсин, биз Ўзбекистон билан энди стратегик шерикмиз!” дея билдирган самимий ва жўшқин эътирофини бутун дунё эшитди. Бу эътироф Ўзбекистонимизнинг мавқеини яна бир бор юксакка кўтарди. Шунини айтиш керакки, АҚШ Президентининг бу сўзлари фақат ғоя, муддао бўлиб қолмай, шу сафар асносида Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида имзоланган «Ўзаро стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация»да, бошқа шартномаларда расман муҳрланди.

Бу Декларация, ўзининг моҳиятига кўра, икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкам кўпригидир.

Албатта, Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида тобора мустақамла-ниб бораётган бу ҳамкорлик жаҳондаги барча давлатлар ва сиёсий доираларда бир хилда олқишлар билан кутиб олинди, деб айтиб бўлмас. Лекин Ўзбекистон бугун – мустақил давлат, унинг ҳам дунёда сиёсий, иқтисодий ва бошқа йўналишларда ўз манфаатлари бор. Ватанимиз мана шу манфаатлардан келиб чиққан ҳолда халқаро ҳамжамият билан бевосита алоқа ва ҳамкорлик ўрнатишга тўла ҳақ-ҳуқуқлидир. АҚШ билан ўрнатилган стратегик ҳамкорлик эса юртимизда қонун устуворлигига асосланган демократик давлат ва жамиятни барпо этишда, бозор иқтисодиёти асослари янада тўлароқ қарор топишида, энг муҳими, хавфсизлигимизни мустақамлашда, шак-шубҳасиз, ўз самараларини беради. Бу ҳамкорликнинг неъматларини биз ҳозирги куннинг ўзидаёқ иқтисодий ва бошқа соҳалардаги алоқаларимизда яққол кўра бошладик. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик фақат биз учун фойдали бўлибгина қолмай, балки ўзаро манфаатдорлик ва истиқболли режаларга асосланган ҳамкорлик муносабатларидир. Бу алоқалардан АҚШ томонининг ҳам катта манфаатдорлиги шак-шубҳасиз.

АҚШдай ҳам иқтисодиёт, ҳам демократик жамият қуриш соҳасида ривожланган давлат билан ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатга асосланган ҳамкорлик айниқса, ана шундай йўлдан бораётган ёш мустақил республикамиз учун алоҳида аҳамиятга эга эканлиги равшан.

Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифи кунларида АҚШ вазирликлари ва расмий идораларининг Ўзбекистонга ёрдами-ни имтиёзли дастурлар ва грантлар бериш йўли орқали кўпайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан бир қаторда гуманитар соҳада ҳам Ўзбекистон–АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш имкониятлари ҳам муҳокама этилди.

Маълумки, Ўзбек–Америка дўстлик жамияти 1999 йилда таъсис этилган. Ушбу жамиятнинг дастлабки амалий ҳамкорлиги сифатида бир гуруҳ санъаткорларимиз АҚШда гастролларда

бўдилар. Жамиятнинг ташаббуси билан атоқли адибимиз Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” асари асосида Нью-Йоркда сахналаштирилган спектакль катта муваффақият қозонди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон-Америка дўстлик жамияти ишида фаол иштирок этмоқда. Бир неча йиллардан бери Ўзбекистоннинг бир қатор университетлари АҚШнинг йирик таълим марказлари билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу кунгача имзоланган ўзаро шартномаларга биноан, Ўзбекистон университетларининг 8 нафар ректори Гарвард университети ҳаёти ва фаолияти билан бир ҳафта мобайнида атрофлича танишиб қайтдилар. Олий ўқув юртларининг 10 нафар профессор-ўқитувчилари Сиэтл университетида, 15 нафар ўқитувчиси эса Колумбия округидаги Америка университетида малака оширишда бўдилар. Республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Американинг Мериленд штатидаги Мериленд университети билан 1995 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келади. Мана шу ҳамкорлик натижасида Мериленд университети Тошкент Давлат аграр университети билан биргаликда Ўзбекистонда фермер хўжалиқларини ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан йўриқчилик хизматини ташкил этиш бўйича АҚШ Давлат департаментининг 250 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантини қўлга киритди. Бу лойиҳага қўшимча равишда Мериленд университети ҳам ўз бюджетидан яна 250 минг доллар маблағ ажратди. Айни кунларда мазкур лойиҳа доирасида икки университет имкониятларидан фойдаланиб, Тошкент, Бухоро, Наманган вилоятларида фермерлар учун йўриқчилик марказлари ташкил этилмоқда.

Биз билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўяётган Американинг Мериленд университетида 1856 йилда асос солинган бўлиб, ҳозирги кунда унинг йиллик бюджети 1 миллиард 200 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бугун бу университетда амалга оширилаётган ахборот технологияси, телекоммуникация, космосни ўзлаштириш, биотехнология, қишлоқ хўжалиги,

фан ва техниканинг бошқа соҳаларидаги тадқиқотлар жаҳонга машҳурдир. Масалан, ахборот технологияси бўйича бу университет тавсия этган ўқув дастури АҚШдаги бошқа университетларнинг худди шундай дастурларидан энг яхшиси ҳисобланади. Мериленд университети олимлари келажак интернет — “Интернет-2”нинг асосларини яратиш ва ҳаётга жорий этиш билан қизғин шуғулланмоқдалар. Университетда, шунингдек, ҳозирги кунда секундига 10 гигабайт тезликка эга толали оптик телекоммуникация системасини яратиш устида тадқиқот бошланган. Мазкур университет Марказий Осиё ва Кавказорти минтақалари бўйича кичик космик йўлдошлар орқали “Ипак йўли” телекоммуникация системасини, “Келажак авлод лойиҳаси” деб аталган таълим тизимининг умумжаҳон толали оптик телекоммуникация системасини яратишда, шунингдек, АҚШ телекоммуникация системаси тараққиётини ўзаро мувофиқлаштириш муаммоларини ҳал қилишда пешқадам мавқени эгаллаб турибди. 2001 йил июнь ойида АҚШ делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Мериленд университети Президенти доктор Моут Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга таълимни ислоҳ қилиш ва Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш соҳасидаги улкан хизматлари учун шу университет Фахрий ёрлиғи ва университет нишонини топширган эди.

Юртбошимизнинг АҚШга давлат ташрифи пайтида Мериленд университети, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги ўртасида “Ахборот технологияси ва масофадан ўқитишни ривожлантириш марказини яратиш тўғрисида” тузилган уч томонлама битим имзоланди. Шунингдек, мазкур университет билан республикамиз Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўртасида масофадан ўқитиш соҳасида қўшма лойиҳа ишлаб чиқиш бўйича ҳам меморандум имзоланди. Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларидаги таълим жараёнига масофадан туриб ўқитиш усулини жорий этиш — ана шу лойиҳанинг бош мақсади бўлади.

Президентимизнинг АҚШга қилган давлат ташрифи кунларида Мериленд университети ва Тошкент Давлат аграр университети ўртасида ўзаро видеоконференция ўтказилгани ҳам алоҳида рамзий маъно касб этадиган воқеа бўлди. Икки соат давом этган бу видеоконференцияда кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш соҳасига ахборот технологиясини татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди. Вазирлигимиз кўмагида Тошкент Давлат техника университети, Тошкент информацион технологиялар университети, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти, Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Мериленд университети билан ўқув ишларида ва илмий соҳаларида ўзаро ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўймоқдалар.

Ўзбекистон АҚШнинг таълим соҳасидаги АКСЕЛС, АЙРЕКС, Тинчлик корпуси, “Очиқ Жамият институти — ҳамкорлик фонди” (Сорос) каби таълим ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. АКСЕЛС (АҚШнинг Халқаро таълим бўйича кенгаши) ташкилоти республикамизда ўз фаолиятини 1992

Мен Ўзбекистон ҳукуматига террорчиликка қарши урушда Американи қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдиришга келдим. Сиз 11 сентябргача ҳам бизнинг иттифоқчимиз эдингиз ва дўстлигимиз 11 сентябрдан сўнг сизнинг ёрдамингиз натижасида янада мустақамланди. Биз Америкадан Ўзбекистонга ўз миннатдорлигимизни изҳор этиш ва ҳар томонлама ҳамкорликни тақлиф этиш учун келдик.

Конгрессмен Бэд КРЕЙМЕР,
Алабама штати

йилда бошлаган. Шундан буён АҚШ олий ўқув юртлирига Ўзбекистондан талабалар, аспирантлар, ўқитувчилар ҳамда илмий тадқиқотчиларни мунтазам йўллаб турилибди. Бу ташкилот 250 дан зиёд талаба ва аспирантларимизга ўқиши ва илмий тадқиқотларини АҚШда давом эттиришлари учун имконият яратиб берди. 2002 йил 12 март куни Президентимизнинг АҚШга давлат ташрифи доирасида мен вазир сифатида АКСЕЛС директори билан учрашдим.

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги АКСЕЛС ва АҚШ Коллежлар уюшмаси билан меморандум имзолади. Бу меморандум республикамизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда АҚШ Коллежлар уюшмаси билан ҳамкорликни фаоллаштиришга асос яратади. Худди шу учрашув натижасида Ўзбекистон академик лицейлари, касб-ҳунар коллежлари ва мактаблари учун АКСЕЛС томонидан ажратилган грантлар миқдори икки баробарга кўпайтирилди.

АКСЕЛС Ўзбекистонда таълим соҳасидаги бир неча бошқа дастурларни ҳам амалга оширмақда. Шулардан бири — МАСКИ (АҚШ университетларидаги магистратура таълимига хорижий талабаларни жалб этиш) дастуридир. Бундан ташқари, минтақавий тадқиқотлар алмашиш дастури, инглиз тили ва америкашунослик бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, таълимда шериклик ва бошқа йўналишдаги дастурлар бўйича ҳам иш олиб борилмоқда. Масалан, биргина таълим соҳасини ривожлантириш учун МАСКИ, “Flag”, “Internet—visitor”, “Community connection”, “English—language Fellows” дастурларига 2 млн. 400 минг АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам белгиланди. Бу маблағлар мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириши билан бир қаторда соғлом авлод тарбиясига, айниқса, Оролбўйи минтақасида ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга йўналтирилмоқда.

Бизнинг АЙРЕКС ташкилоти билан ҳамкорлигимиз ҳам жадал ривожланмоқда. Бу ташкилотнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикасининг бир гуруҳ ёш олимлари АҚШ университетларида ва илмий лабораторияларида тадқиқотлар олиб бормоқда. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тинчлик корпуси ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳам ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон олий ўқув юртларида инглиз тили, маркетинг, бизнесни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда ўқитувчилик қилишни хоҳловчи АҚШлик кўнгилчилар ана шу ташкилот воситачилигида йўлланма билан таъминланади.

2002 йилнинг 11 январида вазирлигимиз билан АҚШ “Очиқ Жамият институти – ҳамкорлик фонди” (Сорос) ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Мазкур битимга мувофиқ Ўзбекистонда таълим жараёнини такомиллаштириш, устувор йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича ўқитувчилар ва раҳбарларни қайта тайёрлаш дастури амалга оширилади.

Сорос фонди ахборот технологияси, масофадан ўқитиш бўйича семинарлар ва тренинглар ташкил этиш, электрон кутубхоналар бунёд этиш, Ўзбекистон олий ўқув юртлари учун ижтимоий-гуманитар ва ҳуқуқшунослик фанлари бўйича маъруза курсларини тайёрлаш ва нашр этишда молиявий жиҳатдан қўмаклашишга тайёр эканлигини билдирди. Шунингдек, мазкур Фонд АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Германия олий ўқув юртларида ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича таълим олаётган ўзбекистонлик талабаларни стипендия билан таъминлашда ҳам қўмаклашмоқда.

Умуман, Ўзбекистон–АҚШ ўртасида гуманитар йўналишда мавжуд ҳамкорликни янада чуқурлаштириш борасида катта натижаларга эришилди. Президентимизнинг Америкага ташрифи чоғида имзоланган Ўзбекистон–АҚШ ўртасида ўзаро стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги Декларацияда гуманитар соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш стратегиясига ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Унга мувофиқ ҳар икки томон таълим, инсон омилини ривожлантириш, профессорлар ва академиклар алмашилиш, Интернет тизимига киришни фаоллаштириш, Ўзбекистон Республикасида қўшма академик лицейлар ва коллежлар ташкил этиш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Булардан ташқари, томонлар фундаментал ва гуманитар фанларни ривожлантириш ҳамда юксак технологиялар соҳасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлайдилар.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорликни илмий алоқалар, илмий уюшмалар, институтлар, олимлар ва мутахассисларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, қўшма илмий уюшмаларни вужудга келтириш, биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, ис-

тиқболли лойиҳалар, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган лойиҳалар устида ишлаш, Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган фан ва техника йўналишларида кадрлар тайёрлаш, республикадаги илмий-тадқиқот институтларини ўзаро кадрлар алмашилиш ва грантли дастурлар йўли билан мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга Америка томонидан техникавий ва молиявий кўмак кўрсатиш каби стратегик вазифалар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг АҚШга давлат ташрифи тўғрисида мамлакатимизда ҳам, хорижда ҳам ҳали кўп фикрлар айтилади. Чунки у фақат икки давлат муносабатларини янада ривожлантириш билангина чекланиб қолмай, айти пайтда халқаро миқёсда катта таъсир кучига эга.

Ташриф давомида эришилган юксак натижалар Президент Ислон Каримов томонидан асосланган мустақил Ўзбекистони-мизнинг олиб бораётган вазмин, оқилона ички ва ташқи сиёсатининг улкан ютуғидир.

*Рисбой ЖУРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири*

*Музаффар ЗИЁЕВ,
«Умид» жамғармаси
ижрочи директори*

УМИДИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

Инсон ҳамиша орзу-умид билан яшайди. Бугунидан эртаси, эртасидан индини янада яхшироқ, фаровонроқ бўлишини истайди. Эл-юртимга, мени тарбиялаб вояга етказган ота-онамга нафим тегса, деб ўқиб-ўрганади, меҳнат қилади. Аслида ҳаётнинг жозибаси ҳам, гўзаллиги ҳам шунда. Бу туйғу одамни янада мазмунли ҳаёт кечиришга ундайди.

1997 йили Президент Ислом Каримов ташаббуси билан иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватловчи “Умид” жамғармасини тузишдан мақсад ҳам интилувчан, Ватанга садоқатли, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун жон куйдирадиган истеъдодли йигит-қизларимизнинг орзуларига қанот бериш, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлаш эди. Зеро бугунги тараққиёт юрагида журъат ва шижоат жўш уриб турган ёшлардан ҳаётда янада фаол бўлишни, ўз салоҳиятини тўла намоён этишни талаб қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида 785 нафар энг иқтидорли, билимдон, зукко йигит-қизларимиз “Умид” грантларига сазовор бўлиб, ривожланган хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларига юборилди. Жумладан, дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бири — Америка Қўшма Штатларида “Умид” грантлари орқали 343 нафар йигит-қиз таҳсил олди ва олмоқда. Улар замонавий илм-фан сирларини ва илғор технологияларни кунт билан эгалламоқда, яхши ўқиб, Ватанимиз ишончини оқламоқ-

да. Бу ёшлар улуғ аждодларимизга хос ақлий ва маънавий салоҳияти, истеъдоди, одоб-ахлоқи билан чет эллик ўз тенгдошларига ўрناк бўлмоқда.

Хусусан, АҚШда таҳсил олган Шерзод Шерматов, Санжар Саидхўжаев, Низомиддин Муродов, Равшан Исҳоқов, Шерзод Мўминов каби бир қанча “Умид”чи ёшларимиздан халқимизнинг умиди катта. Буни давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларидан ҳам билса бўлади: “Бугун сизларнинг зиммангизга бутун дунёга машҳур бўлган буюк ватандошларимизнинг муносиб вояси эканингизни амалда исбот этишдек улкан масъулият тушмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, дунёнинг ривожланган давлатларидаги университетларда таълим олар экансиз, ўз билимингиз, меҳнатсеварлигингиз ва ибратли ахлоқингиз билан Ўзбекистон таълим тизимида амалга оширилган ислохотларнинг самарасини муносиб равишда кўрсата оласиз”.

Юртбошимизнинг ишончи ўзбекистонлик ёшларга доимо мададкор бўлиб, уларни илғор мамлакатларнинг тажрибаларини пухта ўрганишга, қунт ва сабот билан билим олишга даъват этмоқда.

“Умид”нинг биринчи қалдирғочларидан бўлган сурхондарёлик Азимжон Назаров АҚШнинг Техас университетида экология ва сув ресурсларини бошқариш мутахассислиги бўйича билимини ошириб, магистрлик унвони билан юртимизга қайтди.

— Шахсан мен учун мустақиллик жуда қўп нарса берди, — дейди у. — Аввало, Ватан деган тушунча нималигини, туғилиб ўсган юртга муҳаббат нечоғли олий туйғу эканлигини чуқур ҳис этдим. Яъни кимдир ёмон гапирганда жаҳлнинг чиқадиган, яна кимдир мақтаганда ғуруринг ортадиган, ва умуман, номини эшитганда, (айниқса, ўзга юртда) юрагинг “жиз” этадиган туйғу эканлигини тушуниб етдим. Мустақиллик шарофати билангина АҚШда ўқиш имкониятига эга бўлдим. Истиқлол бўлмаганда, буни тасаввур ҳам қилолмасдим.

Албатта, жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юртларида ўқиш, хорижий тенгқурлар орасида тенг бўлиб, уларга Ўзбекистон шон-

шуҳрати ва салоҳиятини намойиш қила олиш ҳар бир талаба учун ўта масъулиятли вазифа, катта синовдир.

Азимжон юртимиз равнақи учун хизмат қилар экан, Америкада олган билимлари унга жуда асқотяпти.

— Хорижда ўқиш бу шунчаки орзу эмас, балки миллат тараққиёти, мамлакатимиз равнақи учун хизмат қилишга берилган ноёб имкониятдир, — дейди тошкентлик Жаҳонгир Ҳусанов.

Жаҳонгир Тошкент Давлат юридик институтида ўқир экан, “Умид” имтиҳонларидан муваффақиятли ўтди ва Калифорния штатидаги Мак-Жорж ҳуқуқ мактабини тугатиб қайтди.

Бугунги ёшларимиз чиндан ҳам бахтиёр ёшлардир. Ахир, давлат раҳбарининг, ота-онанинг оқ фотиҳасини олиб, давлат кўмагида жаҳоннинг энг илғор хорижий мамлакатларида билим олиш ҳар қандай юрт ёшлари ҳам ҳавас қилса арзийдиган улуғ саодат эмасми?

1997 йили Олий Мажлис томонидан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллатнинг ривожига хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Дастурда чуқур билим ва мустақил фикрга, қатъий ҳаётий позицияга эга, эътиқодли, келажакка ишончи мустаҳкам ёшларни тарбиялаш, шу маънода иқтидорли ёшларни ривожланган хорижий давлатлар ўқув юртига таҳсил олиш учун юбориш ҳам кўзда тутилган эди. Қисқа муддат ичида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг беш юзга яқини АҚШда таҳсил олиб қайтишди. Бу ишлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда АҚШнинг таълим ва тил ўрганиш ташкилоти (АКСЕЛС) ўртасида ишлаб чиқилган қатор дастурларга кўра амалга оширилди. Ўз навбатида америкалик ўқувчилар ҳам юртимизда бўлишиб, Ўзбекистон билан, мактабларимиз ва ёшларимиз ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Республикамиз мактабларида фаолият кўрсатаётган юздан ортиқ ўқитувчилар ушбу мамлакатда бўлишиб, малака ошириб қайтдилар. Шу билан биргаликда АҚШнинг “Тинчлик корпуси” ташкилотидан юзга яқин кўнгиллилар республика

мактабларида ўқувчиларга инглиз тилини ўргатишда беғараз ёрдамларини бермоқдалар. Мазкур ташкилот асосан вилоятларнинг умумтаълим мактабларида инглиз тилини ўқитиш даражасини ошириш бўйича, республикамизда нашр этилаётган дарсликлар, қўлланмаларга муҳаррирлик қилиб, инглиз тили бўйича синов дастурларини яратиш устида иш олиб боришди. Ёки бошқа бир мисол. Ушбу ташкилот “Ёзги таътил пайтида инглиз тилининг чуқурлаштирилган жараёнини ташкил этиш” дастури бўйича ёзги лагерларни ташкил этиб, у ерда маҳаллий инглиз тили ўқитувчиларига тил бўйича ўз малакаларини оширишга ёрдам бериб келмоқда. АҚШнинг бошқа бир “SAFE” (Марказий Осиёга беғараз ёрдам) ташкилоти инглиз тилини, компьютер техникасини ўргатиш, ёшларимизга замонавий билимларни эгаллашда кўмаклашиш мақсадида 1995 йилдан буён ўзининг ёрдамини кўрсатиб келмоқда.

Бундай амалий алоқалар, ўқитувчиларга замонавий таълим технологияларини ўрганиш, тажриба орттириш, малака ошириш имкониятини берса, ўқувчи-ёшларнинг билимини, дунёқарашини кенгайтиради. Ўқувчиларимизнинг халқаро олимпиадаларда қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаб келишлари ҳам ана шу ҳамкорликнинг самарасидир.

Бугунги кунда АҚШда таълим олаётган ўзбек ёшлари буюк тарихга ва бетакрор маданиятга эга бўлган юрт фарзандлари, деган номни шараф билан оқлаш баробарида икки мамлакат ёшларини, уларнинг эзгу мақсадларини яқинлаштириш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Зеро, АҚШ ва Ўзбекистон — икки қутбда бўлса-да, икки мамлакат ёшларининг, халқларининг Ер юзида тинчлик барқарор бўлсин, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин, деган нияти муштаракдир.

Истиқлол бугунги ёшларга жуда катта йўл очиб берди. Жаҳоннинг энг нуфузли ўқув даргоҳларида таҳсил олиш бахти ҳар йили юзлаб ёшларга насиб этмоқда. Бу юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Дарҳақиқат, биз ўз кучи, салоҳиятига ишонадиган, ривожланган мамлакатларда ўқиб, дунё ёшлари билан бемалол баҳслаша оладиган истеъдод эгалари, қобилиятли ўғил-қизларни қанча кўп тарбияласак, кўзлаган эзгу мақсадларимизга шунча тез эришамиз. Зеро, эртанги кунга ишонч, олижаноб интилишлар, эзгу орзу-ниятлар билан яшаётган ёшлардан халқимизнинг умиди каттадир.

Тўрабек ДОЛИМОВ,
академик

Абдулла АЪЗАМОВ,
профессор

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Инсоният цивилизациясининг бугунги босқичида фан ва техниканинг аҳамияти ҳаммага аён. Аммо эртага бизни яна нима янгиликлар кутаётгани ҳақидаги ўйлар кўпчиликнинг тасаввурига келавермайди. Ҳолбуки, мисли кўрилмаган суръатлар билан илгарилашга мойил илмий-техник тараққиёт одамзод турмушида юз бераётган ўзгаришларга, глобаллашув жараёнига ўз таъсирини вақт ўтган сайин кучайтириб бораверади.

Иқтисодий салоҳият каби илмий-техник тараққиёт соҳасида ҳам дунёда етакчи мавқега эга давлатлар бор. Лекин бугун илм-фан шу қадар чуқурлашиб, унинг татбиқлар кўлами шу қадар кенгайиб кетганки, ҳеч бир мамлакатда олимлар барча соҳаларни қамраб ололмайди, барча муаммоларни ҳамкасбларидан ажралган ҳолда ҳал қилиш имкониятлари етавермайди. Зеро, муаммолар уммони — поёнсиз, фикрлар ва ғоялар эса ундан ҳам ранг-барангдир. Шунинг учун олимлар ўртасида мунтазам ўзаро фикр алмашувга, ҳамкорликка интилиш ҳар доим кучли бўлган. Бу таъмоийл АҚШ ва Ўзбекистон илму фан аҳлига ҳам тааллуқли.

Мустақиллигимиз шарофати билан истеъдодли олимларимиз дунё фанининг етакчи арбоблари билан мулоқотга киришиб, илмий алоқалар ўрнатмоқдалар, ҳатто ўз натижалари билан уларнинг эътирофини қозонмоқдалар.

Ана шундай ёш олимларимиздан бири — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг докторанти Дилмурод Азимов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. У 1999 йили АҚШнинг Техас университетига бир йиллик муддат билан илмий малака орттириш учун сафарбар қилинди. Бундан аввал у ил-

мий мақолалари орқали АҚШлик олимлар эътиборига тушган эди. Сафардан кўзланган асосий мақсад — космик объектлар парвозини бошқаришни муқобиллаштириш масалалари бўйича докторлик диссертацияси устида олиб бораётган тадқиқотларини янги илмий муҳитда давом эттиришдан иборат бўлган.

Ўша пайтда Техас университетига энергия сарфлашда ўта тежамли космик аппаратлар яратиш мавзусидаги GRACE деб номланган йирик лойиҳа устида иш олиб борилаётган эди. Ёш олим бу соҳада ўзининг чуқур билимини намойиш этгани учун, унга Ернинг тортиш кучидаги энг нозик тебранишларни ҳисобга олиш масаласи билан шугулланиш таклиф этилди. Дилмурод қисқа муддатда қўйилган масалани муваффақият билан ҳал этиб, АҚШлик ҳамкасблари, жумладан, унга илмий маслаҳатчи этиб тайинланган профессор Р.Бишоп ишончини қозонди. Қарангки, орандан уч йил ўтгач, 2002 йил 16 мартда сунъий йўлдошларнинг янги авлоди — ўта тежамкор GRACE аппаратлари Ер орбитасига чиқарилди. Бунда ўзбекистонлик ёш олимнинг ҳам ҳиссаси бор.

Д. Азимов ўз олдига қўйилган масалани ҳал этишда унинг моҳиятига чуқур кириб бориш билан бирга ижодий ёндашув, ҳали ҳеч ким босиб ўтмаган йўллардан юришга мойиллигини намоён этди. Космик кемаларни бошқариш масалаларини ҳал этишга энг замонавий, тезкор суперкомпьютерлар жалб қилинган тақдирда ҳам, муаммонинг ўта мураккаблиги боис улар кўпинча ожизлик қилиб қолади. Бундай ҳолларда компьютерни инсон ақл-идроки ихтиро қиладиган янги ғоялар билан “қўллаб” юбориш яхши самара беради. Шунинг учун Дилмурод космик аппаратларнинг оптимал, яъни энг мақбул траекторияларини ҳисоблашга оид таҳлилий-назарий усулларни ривожлантиришга кўпроқ куч сарфлади. Иқтидорли олимнинг натижалари Техас университети мутахассислари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Гап шундаки, узоқ йиллар давомида Марс сайёраси олимлар диққатини ўзига жалб этиб келади. Лекин кўшни сайёрага учирилган аппаратларни яна Ерга қайтариб келтириш арзон тад-

бир эмас. Бу соҳада энергия тежамкорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Иттифоқо, океаннинг бу томонида – Ўзбекистон Миллий университетида бир гуруҳ мутахассислар кўп йиллар давомида оптимал бошқарув масаласи билан соф назарий жиҳатдан шуғулланиб келишган, Д.Азимов ана шу илмий мактабда чиниққан, янги усулларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этган эди. АҚШлик олимлар билан илмий мубоҳаса борасида ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқотлари Ер-Марс-Ер траекторияси бўйича учадиган кемалар ҳаракатини бошқаришнинг энг мақбул йўлини ишлаб чиқиш учун яроқли бўлиши, Техас олимлари қўллаб келган усуллар билан бирга қўшилганда катта самара бериши аён бўлди. Шунинг учун олис Ўзбекистондан келган ёш тадқиқотчининг натижалари ахборот воситалари юксак даражада ривожланган Америкадай мамлакатнинг етакчи илмий муассасалари доирасида қисқа фурсат ичида тарқалди. Натижада Техас университетининг Космик тадқиқотлар маркази (UT/CSR)дан ташқари АҚШнинг космик тадқиқотлар бўйича бош муассасаси бўлган NASA таркибидаги Линдон Жонсон номидаги Космик парвозлар маркази ва Реактив ҳаракат лабораторияси, Локхид корпорацияси, бир қатор университетларда Д.Азимовнинг ишларига қизиқиш кучайди. Шундан сўнг UT/CSR раҳбарияти унга Ер-Марс-Ер йўналишидаги траекторияларни таҳлил этиш масаласи билан шуғулланишни таклиф қилди. NASAнинг Вашингтондаги бош бошқармаси қарори билан Д.Азимов Ер-Марс-Ер йўналишида парвозларни режалаштириш гуруҳига тўла ҳуқуқли мутахассис сифатида қабул қилинди, унинг ишларини қўллаб-қувватлаш учун махсус грант ҳам ажратилди. Айни пайтда у Техас университетининг аэрокосмик инженерлик факультети талабаларига маърузалар ўқишга жалб этилди.

Сафар муддати охирлагани сайин – 1999 йилнинг сўнги ойларида Дилмуроднинг тадқиқотлари бўйича кетма-кет маърузалар, ҳисоботлар, муҳокамалар бошланади. Оқибатда... Техас университети раҳбарияти Ўзбекистон Миллий университети би-

лан Д.Азимов сафарини яна икки йилга узайтириш таклифи билан чиқди. Бу сафар унга Марсни ўзлаштириш дастури бўйича сайёра сатҳидаги тайин нуқтага космик кемани йўналтириш ва қўндириш масаласини математик йўл билан тадқиқ этиш учун грант берилди.

Д.Азимов амалий тадқиқотлар билан бирга докторлик диссертацияси устидаги ишларини ҳам давом эттирди, албатта. У АҚШ, Буюк Британия, Россия ҳамда Ўзбекистондаги илмий журналларда ўндан ортиқ йирик-йирик мақола чоп этиб, сафар дастурини аъло даражада адо этди. Д.Азимовнинг илмий фаолияти ҳам, инсонийлик хислатлари ҳам америкалик олимлар томонидан юксак баҳоланганини қайд этиш лозим. Аэрокосмик бошқарув соҳасининг етакчи мутахассислари унинг диссертациясига ижобий тақризлар ёзиб, ҳимояга тавсия бердилар. Масалан, профессор Р.Бишоп ўз тавсияномасида: “Мен Дилмурод Азимов билан уч йил бирга ишладим, кўп вақт давомида илмий мунозаралар олиб бордик, мураккаб, аммо жуда муҳим тенгламаларни ечиш йўллари билан биргалашиб изладик. Мана шу давр ичидаги таассуротларга асосланган хулосам шуки, Азимов аналитик оптималлаштириш усуллари билан космик аппаратлар траекторияларини ҳисоблашга қўллаш соҳасида дунёнинг етакчи мутахассисларидан биридир”, дея фикр билдиради. Д.Азимов Америка Аэронавтика ва Астронавтика академиясининг ҳақиқий аъзолигига қабул қилингани ҳам бу сўзларни тасдиқлайди.

Яқинда унинг илмий фаолияти яна бир эътирофга сазовор бўлди — кимёвий, магнит-плазмали ва қуёш энергиясидан фойдаланувчи ўта тежамкор двигателли космик аппаратлар траекторияларининг янги синфини топишга бағишланган тадқиқоти Халқаро Астронавтика Федерациясининг навбатдаги конгресси дастурига асосий маърузалардан бири сифатида қабул этилди.

Д.Азимов илмий тадқиқотлар билан бир пайтда АҚШнинг Миллий фан жамғармаси (NSF) учун ЎзМУ механика-математика факультетининг юқори курс талабалари иштирокида ана-

литик механика бўйича тадқиқотлар лойиҳасини тақдим этди. Техас университети раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланган бу лойиҳани келгуси йилдан амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Шундай қилиб, АҚШга илмий малака оширишга борган Дилмурод Азимов туфайли Ўзбекистон Миллий университети билан Техас университети ўртасида ҳамкорлик ришталари боғланди.

Эндиликда эса Президент Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи икки мамлакат ўртасида илмий алоқаларнинг ҳам янги, янада юксак босқичга кўтарилиши учун кенг имкониятлар очишига ишончимиз комил.

*Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

МАДАНИЯТИМИЗ ЭЛЧИЛАРИ

Халқларни бир-бирига таништириш ва яқинлаштиришда, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини ўрнатишда илму фан, адабиёт ҳамда санъатнинг, бир сўз билан айтганда, маданиятнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги ҳаммага маълум. Ҳар қандай маданиятнинг эса ўз тарғиботчиси ва элчиси бўлади. Айнан уларнинг беғараз саъй-ҳаракати ва фидойилиги туфайли бизнинг дунё халқлари ҳақидаги тасаввурларимиз кенгаяди, жаҳон маданиятлари бир-бирини бойитиб, муштарак хусусиятлар касб этиб боради. Қадимий, бетакрор ва ҳамиша навқирон ўзбек маданиятининг ҳам Америка Қўшма Штатларида ана шундай фидойи элчилари борки, улар ҳақида ҳикоя қилиш кишига ажиб бир мамнуният бахш этади.

Авваламбор, мамлакатларимиз зиёлиларида бир-бирининг тарихи ва маданиятига қизиқиш кўп йиллардан буён давом этиб келаётганини таъкидлашни истар эдим. Масалан, 1948 йилда АҚШда “Туркий тилларда сўз ясалиши” номли китоб чоп этилган эди. Кейинроқ Ч.Бижер “Ўзбек тилининг структуравий грамматикаси” китобини, Н.Поппе “Ўзбек газета тилидан қўлланма”, А.Раун “Ўзбек тилининг асосий курси” дарслиklarини тайёрлаб, чоп эттирган. Ўзбек тилига, умуман, Ўзбекистонга қизиқиш Америкада қай даражада экани ҳақида Индиана университети профессори Х.Исматуллаевнинг икки жилдли, 1380 саҳифадан иборат “Ўзбек тили дарслиги” ҳам яхшигина тасаввур беради.

Ўзбекистон маданияти ва тарихини ўрганиш борасида бутун дунёда катта эътибор қозонган олимлардан бири, Нью-Йорк шаҳридаги Колумбия университети профессори Эдуард Оллвортдир. У кўп йиллик илмий изланишларининг самараси бўлган “Ҳозирги ўзбеклар” номли йирик тадқиқотини 1990 йилда эълон

қилди. Тўрт юз ўн саҳифадан иборат бу китоб Станфорд университети нашриётида босилиб чиқди. Жаноб Олвортнинг ўзбек адабиётидан қилган таржималари ҳам эътиборга лойиқдир. Хусусан, Абдурауф Фитратнинг “Қиёмат” ва “Шайтоннинг тангрига исёни” каби асарларини инглизчага ўгириб, нафақат америкалик, балки дунёдаги бошқа кўплаб мамлакатлар китобхоналарини ҳам XX аср ўзбек адабиёти ва маданиятининг асосчиларидан бири бўлган Фитрат ижоди билан таништиради.

АҚШнинг етакчи илм марказларидан бири ҳисобланадиган Ҳарвард университетининг профессори Ҳ.Паксой Ўрта Осиё халқлари тарихи билан шуғулланади. Унинг “Туркий халқлар тарихи”, “Алпомиш”, “Марказий Осиёнинг янги дostonлари” ва бошқа тадқиқотлари материалларга бойлиги билан ажралиб туради. Ҳ.Паксой 1994 йилда Марказий Осиё тарихига оид долзарб мақолаларни тўплаб, зарур бўлганларини инглизчалаштириб, Нью-Йоркда “Марказий Осиё ўқиш китоби” мажмуасини chop эттирди. Тарихни янгидан кашф этиш руҳи билан суғорилган ушбу китобга ўзбек адиб ва олимларининг ҳам мақолалари киритилгани диққатга моликдир.

Беатриса Форберс Манз хонимнинг Амир Темури даври тарихи ҳақидаги кўплаб мақолалари, чуқур мулоҳазаларга бой тадқиқотлари илмий жамоатчиликка яхши маълум. Олиманинг Кембриж университети нашриётида нашр этилган “Амир Темури давлати ва унинг парвози” (1989 й.) номли асари жаҳон темуршунослигига қўшилган салмоқли ҳисса бўлди.

Дарвоқе, 1996 йилда Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Тошкентда ўтказилган “Амир Темури сиймоси ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни” мавзuidaги йирик халқаро анжуманда америкалик олимлар Р.Нельсон, Ж. Гросс ва Ш. Поллаклар ҳам иштирок этиб, Соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятининг айрим қирралари ҳақида маъруза қилдилар.

Маданиятимиз, адабиётимиз, тилимизнинг Америка Қўшма Штатларидаги жонкуяр тарғиботчиларидан бири ҳақли равишда таниқли туркийшунос олима, Ўзбекистон миллий универси-

тетининг фахрий доктори Илза Лауде Сиртаутас хоним ҳисобланади. Мана, қирқ йилдирки, Илзахоним нафақат Америка Қўшма Штатларида, балки бутун жаҳонда миллий маданиятимиз, адабиётимиз ва тилимизни тарғибу ташвиқ этиш борасида садоқат билан қизгин фаолият кўрсатиб келмоқда. Вашингтон университетининг доктор И.Л.Сиртаутас раҳбарлигида мунтазам ўтказиб келинаётган Ёзги дастури ҳар йили АҚШ ҳамда дунёнинг турли мамлакатларидан йиғилган кўпдан-кўп ёшларга маданиятимиз билан танишиш, тилимизни ўрганиш имкониятини яратмоқда.

Илзахоним асли тилшуносдир. Олима 1958 йилда Германиянинг Ҳамбург университетида “Туркий тилларда ранг отлари” мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Бу қизиқарли мавзунини ёритиш жараёнида у ўзбек тили тарихи ва адабиётини чуқур ўрганган. 1959 йилда Илзахоним Америка Қўшма Штатларига кўчиб келиб, аввал Пенсильваниядаги Даллас шаҳри коллежларидан бирида, сўнг Индиана университетида ишлаган. Бу ерда талабаларга ўзбек тилидан сабоқ бериш билан шуғулланган. Фақат ўзбек тили ҳақида умумий маълумот берувчи дарслар билан чекланмай, махсус гуруҳлар тузиб, америкалик ёшларга ўзбек тилини ҳам ўргата бошлаган. Тилимизнинг жозибасини тарғиб этишда бу аёл ҳамон ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда.

Бундан қирқ йиллар олдинги даврни бир тасаввур қилинг-а — маданиятимиз темир деворлар ичига қамалган, маънавиятимиз қанотлари қайрилган, шаънимиз хўрланган, шўро мафкураси ҳукми билан тилимиз аста-секин йўқотилишга маҳкум этилган эди. Ана ўшандай паллада Илзахонимнинг тилимизга бўлган ҳурмати, унинг равақ топишига ишончи кучайса кучайдики, асло сусаймади.

Илзахонимнинг таржимонлик фаолияти ҳам диққатга сазовордир. У 1984 йилда қирқ еттита ўзбек халқ эртагини олмон тилига таржима қилиб, чоп эттирган эди. “Ўзбек эртаклари” деб номланган, ғоят гўзал безатилган салкам уч юз саҳифалик бу китоб миллий маданиятимизни хорижда тарғиб этиш борасида муҳим воқеа бўлган. Китобга олиманинг ўзи сўнг сўз ёзган ва

унинг ўзи томонидан тайёрланган изоҳлар илова этилган. Китобга “Кенжа ботир”, “Қилич қора”, “Тоҳир ва Зухра”, “Зорлик ва Мунглик” каби, шунингдек, Гўрўғли, Тўрабекхоним ҳақидаги ажойиб эртақлар киритилган. “Ўзбек эртақлари” олмон ўқувчилари томонидан қизғин кутиб олинди ва 1986 йилда иккинчи марта нашр қилинди.

1980 йилда Илзахонимнинг Америка университетларида ўзбек тилини ўрганувчиларга мўлжаллаб ёзган “Ўзбек адабий тили хрестоматияси” нашр этилди. 254 саҳифалик бу китобга Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков ва бошқа адибларимизнинг ҳикоялари киритилган. Илзахоним хрестоматияни батафсил изоҳлар билан таъминлаган, идиоматик бирикмалар, ўзбекона ибораларга чиройли тушунтиришлар берган. Китоб, мутахассислар фикрича, АҚШда холис ният, ўзбек тили ва адабиётига муҳаббат билан яратилган энг ажойиб қўлланмадир.

Илзахонимнинг педагогик фаолияти ҳам алоҳида эътиборга лойиқ, чунки бу фаолият Вашингтон университетида ўзбек тилини ўқитиш билан боғлиқ. Олима 1989 йилдан бошлаб ўзбек тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Ёзги дастурни амалга ошириб келади. Бу дастур бугун Америка Қўшма Штатларида ва ундан олис-олисларда ҳам маълум ва машҳур. Дастур давомида қатнашчилар ўзбек адабиёти, санъати, тарихи, этнографияси, экологияси ва иқтисодиётига оид мавзулар бўйича машғулотлар ўтади, Ўзбекистонда нашр этилаётган бадиий китоблар, газета ва журналлар билан танишади. Айниқса, Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси эшиттиришлари машғулотларни янада жонлантиради. Фойдаланиладиган материаллар ичида Президент Ислом Каримовнинг нутқ ва мақолаларига катта ўрин ажратилишини таъкидлаб ўтиш лозим. “Президентингизнинг нутқлари ва мақолалари ниҳоятда содда, равон тилда ёзилган,— дея изоҳлайди буни Илзахоним.— Улар тил ўрганишда фойдаланиш учун жуда қулай. Шунинг учун биз уларга тез-тез мурожаат этиб тураемиз”.

Масалан, Йўлбошчимизнинг “Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ишончим комил” деб номланган хорижий мухбирлар

аъзолари билан суҳбати асосий ўқув қўлланмаларидан бири ҳисобланади. Суҳбат матни Илзахоним томонидан инглизчага таржима қилинган, унга каттагина луғат илова қилинган, машқ учун саволлар тавсия этилган.

Америкалик талабалар икки ой давомида мустақил Ўзбекистон ҳақидаги суҳбатларда қатнашиб, унинг маданияти, адабиёти билан яқиндан танишадилар, тарихимизни ўрганадилар. Талабалар миллий байрамларимиз, хусусан, 1 сентябрь — Мустақиллик кунини ўзига хос тарзда нишонлашади, ўзбек тилида қўшиқлар куйлаб, рақслар ижро этишади.

Илзахоним ҳозиргидек эслайди — Тошкентдан унинг номига қутлуғ мактуб келади. Мактуб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовдан эди:

**«Вашингтон университети профессори,
Марказий Осие тиллари ва маданияти Ёзги дастури раҳбари
Илза Лауде Сиргаутасга**

Муҳтарам Илзахоним!

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг тўрт йиллиги муносабати билан юборган табригингиз, ўзбек халқи шаънига билдирган эзгу тилакларингиз учун Сизга ва шогирдларингизга чуқур миннатдорчилик изҳор этаман.

Сизларнинг ўзбек тили ва маданиятига бўлган зўр қизиқишингиздан жуда мамнунман. Ўзбек тили, адабиёти, тарихи чиндан ҳам ўрганишга арзийдиган қадимий, бой маданиятлар сирасига киради. Ўйлайманки, шундай маънавий-маърифий алоқаларни яна ҳам камол топтириш, шубҳасиз, ижобий самаралар беради.

Бу соҳада шахсан Сизнинг, Илзахоним, хизматингизни юксак қадрлайман, икки дўстона мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқалар янада ривожланади деб умид қиламан.

Сизга ва барча шогирдларингизга сиҳат-саломатлик, бардамлик, улкан ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ислон КАРИМОВ

Тошкент, 1995 йил, 23 август».

Президент мактуби фидойи олима, халқимизнинг чин дўсти, маданиятимизнинг фидойи тарғиботчиси фаолиятига берилган юксак баҳо эди.

Профессор Илзахоним катта ижодий режалар билан банд. Хушманзара Сиэтл — азим Тошкент билан биродарлашган шаҳар. Дарвоқе, икки шаҳарнинг биродарлашувида Илзахонимнинг муносиб ҳиссаси бор. У 1972 йилда Ўзбекистонга келганида икки шаҳарни биродарлаштириш хусусида таклифни ўртага ташлаган ва мутасадди кишиларнинг розилигини олган эди. Бугун Илзахоним Сиэтл—Тошкент биродарлашган шаҳарлар жамияти вице-президентиدير. Олиманинг қутлуғ нияти, орзуси бор. У ҳам бўлса, Сиэтлда Ўзбекистон маданияти марказининг ташкил этилишига ҳисса қўшишдир.

Илзахоним ўзининг хайрли фаолиятини ҳамон ҳормай-толмай давом эттирмоқда. Шу кунларда йигирмата ўзбек адабининг ҳикояларини шогирдлари билан ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилди. “Онамнинг юрти” деб номланган мажмуа Сиэтлдаги “Юниверсити Вашингтонпресс” нашриётида чоп этилади. Китобнинг ўзига хос хусусияти — ҳикоялар ўзбекча ва инглизча матнлари ёнма-ён берилган ҳолда нашр қилинади.

Илзахоним 1991 йилда Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги тантаналарида иштирок этди, катта анжуманда соф ўзбек тилида нутқ сўзлади. “Мен ёшлигимданок Туркистон учун ишлай бошлаганман”, деганди ўшанда у. Ҳа, бу ўзбек маданиятини, адабиётини, тилини жаҳонда тарғиб қилишни ўз умрининг мазмуни деб билган олиманинг қалб сўzlари эди. Бу сўзлар мингминглаб қалбларда акс садо берганига асло шубҳа йўқ. Маданиятимизнинг Америкадаги элчиси профессор Илзахоним буни юрак-юракдан ҳис этади.

*Раим ФАРҲОДИЙ,
Наталья ШОКИРОВА*

ДУҒОНАЛАР

Сюзанна ва Викториа айни бир йилда, Ер юзининг икки четида дунёга келди. Бирин Америкада ўсиб-улғайди, иккинчиси эса Ўзбекистонда туғилиб, ўз ҳаёт йўлини мана шу ердан бошлади. Тенгдошларни бирлаштирган нарса Самарқанд замини, мусиқага муҳаббат, фикр ва қалбларнинг ҳамоҳанглиги бўлди.

